

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА
УНИВЕРСИТЕТИ

В.М. КАРИМОВА

ИЖТИМОЙ ПСИХОЛОГИЯ

Тошкент – 2007

ИЖТИМОЙ ПСИХОЛОГИЯ: Дарслик. Педагогика олийгоҳлари талабалари учун // Муаллиф: В.М.Каримова. – Т.: “_____”, 2007. – 176 б.

Сарлавҳа олдид: Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети; Васи́ла Каримова

Дарслик шахс ва жамият муносабатларини тизимли тарзда ўрганувчи психологиянинг муҳим тармоқларидан биридир. Унда ижтимоий психологиянинг фундаментал муаммолари бўлмиш мулоқот, гуруҳлар ижтимоий психологияси, шахснинг ижтимоий психологик сифатлари, унинг жамиятда ижтимоийлашуви жараёни, бошқарув психологияси асослари ва тадбиқий жабҳалар баён этилган. Ижтимоий психологиянинг предметиға оид турли қарашлар, ривожланиш тарихига оид материаллар ҳамда ижтимоий психологик жараёнларни ўрганиш усуллари ҳам китобда ўз ўрнини топган. Илк маротаба ахборот-психологик хавфсизлик масалалари ижтимоий психологиянинг предмети сифатида баён этилиб, турли коммуникатив хуружлар шароитида шахснинг ўзини ўзи ҳимоя қилиш шартлари илмий жиҳатдан асосланган. Зеро, педагогика олий ўқув юртларида таҳсил олаётган бакалавр-талабаларнинг ижтимоий ҳулқнинг турли кўринишлари борасида аниқ билимларга эга бўлиши, мактаб ҳамда бошқа таълим масканларида психологик хизматни ташкил этишга оид кўникма ва малакаларга эга бўлиши ўта долзарбдир.

СОЦИАЛЬНАЯ ПСИХОЛОГИЯ: Учебник для педагогических Вузов // Автор: В.М.Каримова. – Т.: “_____”, 2007. – 176 с.

Заглавие: Министерство Высшего и Среднего Образования Республики Узбекистан, Ташкентский Государственный педагогический университет имени Низами, Васи́ла Каримова.

Учебник по социальной психологии представляет собой систематический курс одного из важнейших отраслей психологии. В нем излагаются фундаментальные проблемы социальной психологии, такие как общение, социальная психология групп, социально-психологические качества личности, социальные условия ее социализации, психология управления, а также прикладные ее аспекты. Дан обзор различных подходов к описанию предмета социальной психологии, исторические вехи ее развития, методы исследования социально-психологических феноменов. Впервые поставлена проблема социально-психологических аспектов информационно-психологической безопасности и способов психологической защиты личности в условиях коммуникативной опасности. На сегодняшний день изучение социально-психологических механизмов общественного поведения личности в различных группах, формирование соответствующих навыков у студентов-бакалавров в деле организации социально-психологической службы в учреждениях образования является весьма актуальной.

SOCIAL PSYCHOLOGY: Textbook. For the students of pedagogical of higher schools // The author: *V.M. Karimova*. – Т.: “_____”, 2007. – 176 p.

Title: The Ministry of higher and secondary special education Republic of Uzbekistan, Tashkent State University of Pedagogica of the name Nizami, Vasila Karimova

М У Н Д А Р И Ж А

	КИРИШ	7
1 БОБ	Ижтимоий психология фан сифатида	9
1.1	Ижтимоий психология фанининг предмети ва вазифалари	9
1.2.	Ижтимоий психологиянинг предметиға оид қарашлар	14
2-БОБ	Ижтимоий психологик қарашларнинг ривожланиш тарихи	20
2.1.	Дастлабки ижтимоий психологик тасаввурлар ва уларнинг намоён бўлиши	20
2.2.	Ижтимоий психологик билимларнинг уч назарий манбаси	25
2.3.	Ижтимоий психологиянинг экспериментал фан сифатида ривожланиши.	31
2.4.	Ижтимоий психологиянинг Россияда ривожланиши	34
2.5.	Ўзбекистонда ижтимоий психологик тадқиқотларнинг ўрни ва истиқболи	36
3-БОБ	Ижтимоий психологиянинг методлари	43
3.1.	Асосий методларнинг қисқача тавсифи	43
3.2.	Этнопсихологик тадқиқотларда ишлатиладиган методлар	50
4-БОБ.	Ижтимоий психология ўрганадиган асосий масалалар	56
4.1.	Мулоқот ва шахслараро муносабатлар психологияси	56
4.1.1.	Жамият ҳаётида мулоқотнинг тутган ўрни	56
4.1.2.	Мулоқотнинг коммуникатив томони.	60
4.1.3.	Мулоқот – интерактив ҳамкорлик сифатида.	62
4.1.4..	Мулоқот – шахслараро бир-бирини идрок қилиш эканлиги.	65
4.2..	Мулоқот ва шахслараро зиддиятлар.	73
4.2.1.	Низолар психологияси ва унинг келиб чиқиши	73
4.2.2.	Низоларни бартараф этиш усуллари	78
4.3	Гуруҳлар ижтимоий психологияси	85
4.3.1.	Катта ижтимоий гуруҳлар психологияси	85
4.3.2.	Кичик гуруҳлар психологияси	88
4.3.3.	Кичик гуруҳларнинг классификацияси	90
4.3.4.	Кичик гуруҳлардаги динамик жараёнлар	91
4.3.5.	Этник гуруҳлар психологияси	93
4.4.	Ижтимоий психология ва шахс	100
4.4.1.	Ижтимоий психологияда шахс муаммоси	100

4.4.2.	Шахнинг ижтимоий психологик типологияси	104
4.4.3.	Шахс томонидан ижтимоий таъсирларнинг англаниши	106
4.4.4.	Шахнинг ижтимоийлашуви	109
4.4.5.	Оилавий ижтимоийлашув ва унинг ўзига хослиги	111
4.4.6.	Шахнинг ижтимоий установакалари	114
4.5.	Бошқариш психологияси асослари	117
4.5.1.	Психологияда бошқариш муаммоси	122
4.5.2.	Гуруҳларда раҳбарлик ва лидерлик	124
4.5.3.	Лидерлик услублари тўғрисида тушунча	128
4.5.4.	Суперлидерлик феномени	132
4.5.5.	Раҳбарлик сифатлари	136
4.6.	Ижтимоий психология ва ҳавфсизлик муаммолари	139
4.6.1.	Ахборот ҳавфсизлиги: моҳияти ва шахсни ижтимоий психологик ҳимоя қилиш муаммолари	139
4.6.2.	Информацион психологик ҳавфсизлик	144
4.6.3.	Шахнинг ўзини ўзи ҳимоя қилиш воситалари	147
4.6.4.	Турли ахборот-психологик вазиятларда шахнинг ижтимоий ҳулқи	151
5 БОБ	Ижтимоий психологиянинг амалий-тадбиқий соҳалари.	156
5.1.	Амалий ижтимоий психология ва амалиётчи шахси	156
5.2.	Амалий ижтимоий психологиянинг тадбиқий соҳалари	159
5.3.	Мактаб ва таълим муассасаларига ижтимоий психологик ёрдам кўрсатиш	165
	Хотима ўрнида	169
	Фойдаланилган адабиётлар	170

О Г Л А В Л Е Н И Е

	Введение	7
Глава 1.	Социальная психология как наука	9
1.1.	Предмет и задачи социальной психологии	9
1.2.	Подходы к определению предмета социальной психологии	14
Глава 2	История развития социально-психологических воззрений	20
2.1.	Истоки социально-психологических воззрений и их проявления	20
2.2.	Три теоретических источников социально-психологических знаний	25
2.3.	Становление социальной психологии как экспериментальной науки	31
2.4.	Развитие социальной психологии в России в постсоветском пространстве	34
2.5.	Место и перспектива развития социально-психологических исследований в Узбекистане	36
Глава 3	Методы социальной психологии	43
3.1.	Краткая характеристика основных методов	43
3.2.	Методы применяемые в этнопсихологических исследованиях	50
Глава 4	Основные проблемы социальной психологии	56
4.1.	<i>Психология общения и межличностных отношений</i>	56
4.1.1.	Роль общения в жизни общества	56
4.1.2.	Коммуникативный аспект общения	60
4.1.3.	Общение как интерактивное сотрудничество	62
4.1.4.	Общение как межличностное восприятие	65
4.2.	<i>Общение и межличностные конфликты</i>	73
4.2.1.	Психология конфликтов и их возникновение	73
4.2.2.	Способы предотвращения конфликтов	78
4.3.	<i>Социальная психология групп</i>	85
4.3.1.	Психология больших социальных групп	85
4.3.2.	Психология малых групп	88
4.3.3.	Классификация малых групп	90
4.3.4.	Динамические процессы в малых группах	91
4.3.5.	Психология этнических групп	93
4.4.	<i>Личность в социальной психологии</i>	100
4.4.1.	Проблема личности в социальной психологии	100
4.4.2.	Социально-психологическая типология личности	104
4.4.3.	Осознание личностью социальных воздействий	106
4.4.4.	Социализация личности	109
4.4.5.	Особенности семейной социализации	111

4.4.6.	Социальные установки личности	114
4.5.	<i>Основы психологии управления</i>	117
4.5.1.	Проблема управления в психологии	122
4.5.2.	Лидерство и руководство в группах	124
4.5.3.	Понятие о стилях лидерства	128
4.5.4.	Феномен суперлидерства	132
4.5.5.	Качества лидерства	136
4.6.	<i>Социальная психология и безопасность личности</i>	139
4.6.1.	Информационная безопасность: сущность и проблема защиты личности	139
4.6.2.	Информационно-психологическая безопасность	144
4.6.3.	Способы самозащиты личности от информационных угроз	147
4.6.4.	Социальное поведение личности в различных информационно-психологических ситуациях	151
Глава 5	Прикладные аспекты социальной психологии	156
5.1.	Прикладная социальная психология и личность практика	156
5.2.	Прикладные аспекты практической социальной психологии	159
5.3.	Социально – психологическая помощь школе и другим образовательным учреждениям	165
	Вместо заключения	169
	Список использованной литературы	170

Кириш сўзи ўрнида

Юксак инфор­ма­цион-тех­но­ло­гия­лар асри бўл­миш XXI аср инсон оми­ли­га эътиборнинг кучайиши билан ҳам тавсифланади. Зеро, ўз рухий кечинмаларини бошқариш, яқинлари билан самимий соғлом муносабатларда бўлиш истаги оддий фуқароларда кун сайин ортиб бормоқда. Бу борада эътибор талаб жиҳатлардан бири – бу муомала, ўзаро таъсир ва ўзлигини ўзгаларга намоён эта олиш қобилиятидир.

Давримиз инсонни мустақил фикрли шахс сифатида ҳар бир сонияда ўйлашга, фикрлашга, мулоҳаза юритиб, ўзи учун хулосалар чиқаришга мажбур этмоқда. Яъни, бу чексиз оламда биз ўзимизни ўзгаларсиз, ўз манфатларимизни ўзгалар манфаатсиз тасаввур қила олмаганимиз учун ҳам ижтимоий психологияни билишга мажбурмиз. Зеро, мустақил давлатимизнинг сиёсати Инсон манфаатини ҳимоя қилиш, унинг учун муносиб турмуш тарзини яратиш экан, бу ишларни амалга ошириш учун бўлғуси мутахассис, педагог-ўқитувчи ижтимоий борлиқ қонуниятларини билиши ва ундан маромида фойдалиб, турмуш нормаларига бўйсунган ҳолда жамиятда ўзининг муносиб ўрнини эгаллаб, фуқаролик бурчини адо этишга тайёр бўлишини даркор. Шу нуқтаи назардан олиб қаралганда, талабалар ҳукмига ҳавола этилаётган “Ижтимоий психология” дарслиги шахс ва жамият муносабатлари қонуниятларини ўрганишга бағишлангандир.

Зеро, мустақиллик йилларида ёш авлод кундалик муомаласи ва турмуш тарзининг жамият нормаларига мослиги уларда соғлом ғоя ва дунёқарашнинг шаклланишига реал заминдир. Бу ҳақда давлатимиз раҳбари: «Ўзининг ҳаётини, олди­га қўйган мақсадларини аниқ тасаввур қила оладиган, ўз келажаги ҳақида қайғурадиган миллат ҳеч бир даврда миллий ғоя ва миллий мафқурасиз яшамаган ва яшай олмайди»¹, деб таъкидлаганлар.

Юқоригилардан келиб чиққан ҳолда биз жамиятимиз ҳаётида рўй бераётган барча ўзгаришларнинг ижтимоий психологик моҳиятини бўлғуси мутахассислар томонидан ўзлаштирилишига кўмак берувчи илмий манбаларнинг аҳамиятини яна бир маротаба таъкидлашни истардик. Зеро, мамлакатимизда ўзининг сифат босқичи доирасида муваффақиятли амалга оширилаётган Кадрлар тайёрлашнинг Миллий дастури барча ишларимизнинг амалдаги ғоявий йўналишини белгилайди ва юртбошимиз Ислом Каримов таъкидлаганларидек, “ёшларимизнинг иймон-эътиқодини мустаҳкамлаш, иродасини бақувват қилиш, уларни ўз мустақил фикрига

1

И. Каримов. Жамиятимизнинг мафқураси халқни-халқ, миллатни миллат қилишга хизмат этсин.- Т.: Ўзбекистон, 7 жилд, 89 бет

эга бўлган баркамол инсонлар этиб тарбиялаш»² ишининг самарадорлигига улуш бўлиб қўшилади.

Дарслик Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим Вазирлигининг тавсиясига кўра ёзилган бўлиб, педагогика олий ўқув юртларининг талабалари учун мўлжаллангандир. Китобда шахс тараққиёти учун муҳим бўлган омил ва жиҳатлар, жумладан, ундаги фикрлаш жараёнлари, инсондаги фикрнинг мустақиллиги, ташқи ижтимоий муҳитга киришиб кетиши, жамият нормалари ва ижтимоий ролларни ўзлаштириши, гуруҳда ўзини тутиши, профессионал юксалишига туртки бўлувчи муҳим омиллар, яъни, маънавияти, мафқураси, ахборот хавфсизлиги, турли ижтимоий гуруҳлардаги мақоми, шахслараро муносабатлар ва низолар каби қатор масалалар ёритилган. Дарслик муаллифнинг ушбу йўналишда илгари нашр эттирган қўлланмаларининг тўлдирилган, такомиллаштирилган нусхасидир.

Профессор В.М. Каримова

² Каримов И.А. Миллий истиклол мафқураси – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир.- Т.: Ўзбекистон, 2000, 116

1 ҚИСМ. ИЖТИМОЙ ПСИХОЛОГИЯ ФАН СИФАТИДА

1.1. Ижтимоий психология фанининг предмети ва вазифалари

Ижтимоий психология жуда қадимий ва шунинг билан бирга у ўта навқирон фандир. Унинг қадимийлиги инсоният тарихи, маданияти ва маънавиятининг қадимий илдизлари билан белгиланади. Улар аслини олиб қараганда, у ёки бу жамиятда яшаган кишилар ўртасидаги ижтимоий муносабатларнинг ва тафаккурнинг ҳосиласи эканлиги билан эътироф этилса, ижтимоий психология ўз услубияти, предмети ва фанлар тизимида тутган ўрнининг янгилиги инсоният тараққиётининг энг янги даврида шаклланганлиги ва ривожига туртки берганлиги билан тавсифланади. Дарҳақиқат, ижтимоий психологиянинг фан сифатида тан олиниши хусусида сўз борар экан, унинг расман эътироф этилиши 1908 йил дейилади. Чунки айнан шу йили инглиз олими В.Макдугалл ўзининг “Ижтимоий психологияга кириш” китобини, америкалик социолог Э. Росс эса “Ижтимоий психология” деб номланган китобини чоп эттирган эди. Бу асарларда биринчи марта алоҳида фан - ижтимоий психологиянинг мавжудлиги тан олинди ва унинг предметиға таъриф берилди. Иккала муаллиф ҳам – бири психолог, иккинчиси социолог бўлишиға қарамай, бу фаннинг асосий предмети ижтимоий тараққиёт ҳамда психик тараққиёт қонуниятларини уйғунликда ўрганишдир, деган умумий хулосаға келишган. Тўғри, мазкур муаллифларнинг ҳар хил фан соҳасининг вакили эканлиги, уларнинг ижтимоий психологик ҳодисалар табиатини ёритишға нисбатан ўзига хос қарашларининг мавжудлиги ва бундай ёндашув то ҳозиргача давом этаётганлигиға асос бўлди. Рус олимаси Г.М.Андреева таъкидлаганидек, ижтимоий психология соҳасида ишлаётган мутахассиснинг аслида ким эканлиги - психологми, файласуфми ёки социологми, - унинг ушбу фан предметиға ёндашувида ўз аксини топади, чунки агар у социолог бўлса, ижтимоий қонуниятларни аввал бошдан жамиятдаги анъаналар ва умумий қоидалар тилида тушунтиришға интилса, психолог – конкрет олинган шахс психологиясининг қонуниятларини умумжамият қонун – қоидаларига татбиқ этишға ҳаракат қилади. Нима бўлганда ҳам, шуни асосли тарзда эътироф этиш зарурки, ижтимоий психологиянинг алоҳида фан бўлиб ажралиб чиқишиға сабаб бўлган илмий манбалар икки фан – психология ва социология фанларининг эришган ютуқлари ва ҳар қайсисининг доирасида маълум муаммоларнинг ечилиши учун яна қўшимча алоҳида фаннинг бўлиши лозимлигини тан олиш туфайли юзаға келди. Шунинг учун ҳам узок йиллар мобайнида ижтимоий психология соҳасида тадқиқотлар олиб бораётган олим ёки изланувчининг кимлигиға қараб, изланишларнинг натижаларида у ёки бу ёндашув – психологик ёки социологик ёндашувнинг устуворлиги яққол кўзға

ташланади. Демак, бу фаннинг туғилиши, ўз предмети соҳасини аниқлаб олишига сабаб бўлган социология ва психология фанлари аслида унинг “ота – оналаридир”.

Умумий ҳолда, ҳозирги кунда унинг предметини куйидагича таърифлаш мумкин: *ижтимоий психология – одамларнинг жамиятда ҳамкорликдаги иш фаолиятлари жараёни давомида уларда ҳосил бўладиган тасаввурлар, фикрлар, эътиқодлар, ғоялар, ҳис-туйғулар, кечинмалар, турли хулқ-атвор шакллари тушунтириб берувчи фандир*. Демак, ҳар бир шахснинг жамиятда яшаши, унинг ижтимоий нормаларига риоя қилган ҳолда ўзига ўхшаш шахслар билан ўрнатадиган мураккаб ўзаро муносабатлари ва уларнинг таъсирида ҳосил бўладиган ҳодисаларнинг психологик табиатини ва қонуниятларини тушунтириб бериш – ижтимоий психологиянинг асосий вазифасидир. Бундан келиб чиқадиган умумий таърифларга биноан, ижтимоий психология ижтимоий мулоқотнинг мураккаб шакл ва механизмларини ўрганувчи фандир.

Ўзбекистон Республикаси Олий мажлисининг IX сессиясида Республикамиз Президенти И.А.Каримов олий таълимни ислоҳ қилишда ва малакали кадрларни тайёрлашда ижтимоий психологиянинг фан сифатида алоҳида ўрни борлигига жамоатчилик диққатини қаратди. Дарҳақиқат, етук кадр бўлиш учун шахс нафақат ўз иқтидори, билими ва савиясини ошириши зарур, балки жамиятда турлича ижтимоий муносабатлар тизимига тайёр бўлмоғи, ижтимоий фаолиятни бошқаришнинг, одамлар билан турли жамоаларда ишлаш, ходимлар фаолиятини мувофиқлаштиришга оид илмий қонуниятлар ва қоидаларни мукамал эгалламоғи зарур. Бошқарув, маркетинг ва менежмент, таълим ва тарбия соҳаларида, айниқса инсон омили ва уни бошқаришнинг психологик тизимини билиши – жамиятда соғлом инсоний муносабатларни шакллантириш орқали уни камол топтириш йўлидир. Шунинг учун бугунги кунда юртбошимиз таъкидлаганидек, ижтимоий психология ва умуман ижтимоий фаолият билан шуғулланувчи фанларнинг асосий вазифаси – баркамол авлод тарбиясини таъминловчи барча маънавий, рухий ва инсоний муносабатлар моҳиятини таҳлил қилиш, уларни бошқаришнинг энг самарали усуллари ҳаётга татбиқ этишдир. Бу ўринда, айниқса ижтимоий тафаккурнинг, янгича дунёқараш ва муносабатларнинг шаклланишини, инсоннинг ўзига ва ўзгаларга таъсир этишнинг механизмларини ўрганиш энг долзарб масалалардандир.

Хўш, бугунги кунда ижтимоий психология фан сифатида ўз баҳс мавзусини ва предметини қайси объектларга қаратмоқда?

Биринчидан, унинг асосий йўналиши кичик гуруҳлар ва жамоалар психологиясини ўрганишдан иборатдир. Ҳар бир шахс ҳамиша маълум ижтимоий гуруҳлар доирасида фаолият кўрсатади. Бу унинг оиласи, меҳнат жамоаси, кўча-куйдаги норасмий гуруҳдаги дўстлари давраси, ўқув жамоаси, синф, аудитория ва ҳоказо. Шахснинг якка ва турли гуруҳлар

доирасида ўзини тутиши, хулқ-атвори, мавқеи, унга ўзига хос гуруҳий таъсирлар, гуруҳдаги шахслараро мослик, лидерлик, гуруҳий тазйикқа берилувчанлик каби қатор ҳодисалар аслида ўша гуруҳларни бошқариш, соғлом ўзаро муносабатлар шароитини яратиш – бу одамларни самарали ўзаро мулоқотга ўргатишнинг заруриятидир. Бошқарув психологияси, мактаб жамоаси, саноат ва ишлаб чиқариш психологияси ана шундай гуруҳий жараёнларнинг қонун ва қоидаларини тадқиқ этиш туфайли ажралиб чиққан татбиқий соҳалардир.

Иккинчидан, шахснинг ижтимоий психологик қиёфаси масаласи ҳам бугунги кундаги ўзгаришлар ва маънавий жиҳатдан покланиш даврида ўта муҳим соҳадир. Зеро, ҳар бир шахснинг жамиятда рўй бераётган туб ислохотларга муносабати, уларни идрок қилиш ва англаш даражаси, ўз-ўзига нисбатан муносабатининг табиати, хулқидаги ижтимоий мотивлар ва йўналишлар катта аҳамиятга эгадир. Айниқса, боланинг вояга етиши жараёнида унинг ижтимоийлашуви, яъни ижтимоий муносабатлар муҳитига кириб бориши, ижтимоий таъсирларни онгига сингдириши ва хулқини мустаҳкамланиши, мафкуравий дунёқарашининг шаклланиши жараёнларининг психологик табиатини текшириш шахсни жамиятда шакллантириш дастурини яратиш учун зарур. Лекин ҳар бир шахсда бу жараён ўзига хос тарзда рўй бериши сабабли, ижтимоий психологияда унинг ижтимоий типлари фарқланади ва ҳар бир мураббий ёки тарбиячи уларни билиши амалий аҳамият касб этади.

Учинчидан, жамият миқёсида рўё берадиган оммавий ҳодисалар ҳам ижтимоий психология учун татбиқий аҳамиятга эга. Чунки алоҳида шахс тарбиясида оммавий ҳодисаларнинг, катта гуруҳларнинг таъсирини инкор этиш – масалага бир ёқлама ёндашишга баробардир. Масалан, шахс учун у мансуб бўлган миллат, элат ёки халқнинг руҳияти, унинг онгидаги асрлар давомида сақланиб келаётган анъаналар, расм-русимлар, ақидалар, удумлар, фаолият стереотиплари кабилар ўз муайян таъсир кучига эга. Миллатнинг руҳи илк болаликдаёқ шахс онгига у ўзлаштирган миллий тил орқали сингиши маълум. Шу каби ва бошқа оммавий психологик жараёнларнинг шахс ижтимоий хулқ-атворида таъсирини ўрганувчи ижтимоий психология ва хусусий тармоғи бўлган этнопсихология ижтимоий психологик қонуниятларни билишда ва уларни бошқаришда катта амалий аҳамиятга эга. Қолаверса, ҳозирги глобаллашув жараёнлари кескин тус олган, оммавий ахборот воситалари, Интернет тармоқлари орқали шахснинг кенг ахборот оқимида кўшилиши имконияти кенгайган бир шароитда унинг мафкуравий иммунитетини мустаҳкамлаш, чиниқтириш, ахборотларга нисбатан танловчан муносабатни тарбиялаш ўта муҳим ва мураккаб масалаки, уни самарали ечиш ҳам омма ва алоҳида олинган шахс психологиясини билишни, жамият ва шахс ўзаро муносабатларидаги нозик жиҳатларни ўрганишни талаб қилади.

Ижтимоий психология ўрганадиган энг асосий ва юқорида таъкидлаб ўтилган муаммоларни ўз ичига олган масалалардан бири – бу *муомала*дир. Санкт-Петербурглик олимларнинг фикрича, бугунги кунда ижтимоий психологиянинг предмети ҳам ва унинг доирасида ўтказиладиган барча тадқиқотларнинг умумий объекти ҳам муомаладир. Унинг инсон ҳаётида тутган ўрнини аниқлаш, турли ижтимоий фаолиятлар шароитида самара берадиган муомала турлари ва услубларини ёритиш, унинг соф психологик механизмларини тадқиқ этиш, фаннинг энг муҳим татбиқий йўналишларидандир. Биз ҳам бу фикрга қўшиламыз, чунки ижтимоий фаолиятнинг қайси соҳаси ёки шахслараро муносабатларнинг қайси шаклини олмайлик (иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий, мафкуравий, маънавий ва ҳ.з), унинг негизи ва туб моҳиятини ўша муносабатларнинг эгаси ёки субъекти бўлмиш инсонлар ўртасидаги ўзаро таъсир ва муносабатлар ташкил этишни инкор этиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам ҳар бир конкрет шароитда шахслараро мулоқот самарадорлигини ошириш омилларини ўрганиш ижтимоий психологиянинг муҳим вазифасидир. Таниқли рус олимаси Галина Андреева ўзгаришларни бошидан кечираётган ҳар қандай жамиятда ижтимоий психология учун долзарб бўлмаган масаланинг ўзи йўқ, деб таърифлаган эди. Айнан шу фикрга қўшилган холда таъкидлаш жоизки, жонажон бюртимиз Ўзбекистонда мустақилликнинг тарихан қисқа бир вақтида шу қадар улкан ўзгаришлар рўй бермоқдаки, ислохотларнинг яратувчиси ҳам унинг неъматларидан баҳраманд бўлгувчи ҳам ўу жамият фуқаролари экан, уларнинг ижтимоий хулқ-атвориға тааллуқли фаолиятни ўрганувчи ижтимоий психология учун долзарб бўлмаган фаолият йўналиши ёки муаммонинг ўзи йўқдир.

1.2. Ижтимоий психологиянинг предметиға оид ёндашувлар

Ижтимоий психология ХХI асрга келиб фанлар тизимида алоҳида ўринға эға бўлган соҳалардан бириға айланди. Чунки сир эмаски, инсоний муносабатлар, ҳар бир фаолият соҳасида шахслараро муносабат ўзига хос долзарблик касб этиб бормоқда.

Ижтимоий психологиянинг фанлар оламида пайдо бўлиши тарихиға назар ташлар эканмыз, унинг юқорида таъкидланганидек, социология ва психология фанлари оралиғида «туғилиши» жараёнининг ўзи бир нечта босқичларни ўз ичига олганлигини таъкидлаш жоиз:

1. Ижтимоий психологик билимларнинг фалсафа ва умумий психология доирасида тўпланиши (эрамиздан аввалги VI асрдан тортиб токи янги даврнинг XIX асригача бўлган вақта).
2. Ижтимоий ҳаёт сирларини фалсафа, социология ва умумий психология доирасида тушунтириш орқали мустақил фанға айланиш даври (XIX асрнинг 50-60 йилларидан то ХХ асрнинг 20-чи йилларигача).

3. Ижтимоий психологиянинг мустақил фан ва амалиёт йўналиши сифатида тўла шаклланиши даври (XX асрнинг 20-чи йилларидан бошлаб).

Ижтимоий психологиянинг предмети хусусида ҳам тарихан уч хил ёндашув мавжуд:

Биринчи ёндашувга кўра, ижтимоий психология инсон психикасига оид оммавий ходисаларни ўрганади. Ушбу ёндашув доирасида айрим тадқиқотчилар синфлар психологиясини ўрганиш зарур деб тан олишса, бошқалар ҳар қандай ижтимоий уюшма ёки гуруҳга оид қонуниятларни, уларнинг анъаналари, урф-одатларию, расм-русмларини ўрганиш долзарб эканлигини таъкидлаганлар. Яна бир гуруҳ тадқиқотчилар эса ижтимоий психология кўпчиликлари қарашли бўлган ижтимоий фикрни ёки мода каби оммавийлашиб кетадиган жараёнлар сабабини ўрганишни лозим, деб топадиган. Уларнинг фикрини ривожлантириб, ушбу ёндашувга ҳайрихоҳ бўлган бошқа бир олимлар гуруҳи ижтимоий психологиянинг предмети аслида жамоа психологиясини ўрганиш эканлигини ёқлайдилар. Бу ёндашувнинг умумий хулосаси шуки, ижтимоий психология моҳиятан аслида жамоа психологиясидир.

Иккинчи ёндашув тарафдорларининг фикрида умумийлик шуки, уларнинг таъкидлашларича, ижтимоий психология шахснинг ижтимоий қиёфасини, психологиясини ўрганади. Турли олимлар фикрида ўзига хослик эса айнан шахснинг қайси сифатларига кўпроқ эътиборни қаратишда намоён бўлди. Кимдир шахснинг алоҳида ижтимоий сифатларига урғу берса, бошқалар унинг типологиясини ахамиятли предмет эканлигини таъкидлади. Бундан ташқари, шахснинг гуруҳдаги ўрни, шахслараро муносабатлар ва умуман муносабатлар тизими ушбу йўналиш тарафдорларининг диққат марказида бўлди.

Учинчи ёндашув – юқорида икки ёндашувнинг ўзига хос тарздаги уйғунлашуви шаклида намоён бўлди. Яъни, унга кўра, ижтимоий психология оммага хос бўлган психологик ходисаларни ҳам, шахснинг гуруҳдаги мақомини ҳам бирдан ўрганиши лозим. Рус олими Б.Д. Парьгин турли ёндашувларга эътибор брган ҳолда ижтимоий психология ўрганадиган энг муҳим масалаларни ягона андозада умумлаштирди. Яъни, унинг фикрича, ижтимоий психология куйидагиларни ўрганади:

- 1) шахснинг ижтимоий психологияси;
- 2) жамоалар ижтимоий психологияси ва мулоқоти;
- 3) ижтимоий муносабатлар;
- 4) маънавий-ахлоқий фаолият шакллари.

Яна бир россиялик олим В.Н. Мясищевнинг ёзишича, ижтимоий психология:

- а) одамларнинг гуруҳ шароитидаги ўзаро ҳамкорликги таъсирида пайдо бўладиган психологик ўзгаришларни;
- б) ижтимоий гуруҳларнинг турли хусусиятларини;

в) жамиятда рўй берадиган жараёнларнинг психологик томонларини ўрганади.

Юқорида таклиф этилган барча ёндашув ва нуқтаи назарларни бирлаштирган ягона фикр эса шундай иборатки, ижтимоий психология фан тармоғи сифатида психик фаолиятга икки томондан туриб ёндашади, яъни, бир томондан шахс бўлса, иккиччи томондан – жамият миёёсида рўй берадиган оммавий психик жараёнлардир. Охиргилари кўпгина манбаларда ижтимоий психологик ходисалар деб номланади.

Ижтимоий психологик ходисалар – шундай феноменларки, улар индивидлар ҳамда жамоалар тарзидаги субъектларнинг ўзаро ҳамкорлиги туфайли пайдо бўладиган турли хил муносабатлар, шундай ҳамкорлик таъсирида бошдан кечириладиган ҳис-кечинмалар, ўзаро ахборот алмашинуви ҳамда одамларнинг гуруҳ бўлиб тўпланиши оқибатида рўй берадиган фаолиятларнинг хусусиятларини мужассам этади. Яъни, агар шахсни алоҳида индивид сифатда олинганда амалга оширадиган фаолиятидан фарқли ўлароқ, гуруҳ бўлиб ҳаракат қилгандаги рўй берадиган фаолиятнинг фарқли томонларини ижтимоий психология содда қилиб айтганда ўзининг предмети сифатида танлайди.

Шундай қилиб, ижтимоий психология ўрганадиган ижтимоий психологик ходисаларга аввало қуйидагилар киради: мулоқот, муомала, ижтимоий фикр ва кайфият, жамоавийлик, стратификация, яъни, жамиятнинг турли қатламларга бўлиниши жараёнлари, стереотиплар, зиддият, турмуш тарзи, ижтимоий тасаввурлар, ижтимоий установкалар ва шахснинг турли ижтимоий вазиятларда намоён бўладиган фазилатлари (нуқсонлари) ва бошқалар.

Ижтимоий психологик ходисалар асосан мазмунан ва давомийлигига кўра тафовутланади. Масалан, мазмуний жиҳатдан улар нормал ва нормадан оғиш тарзидаги хулқ маромларига бўлинади.

Ижтимоий психологик ходисаларнинг нормал хулқ-атворга алоқадор шакллари одатда жамиятда, унинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётида, инсонларнинг турмуш тарзидаги ижобий ўзгаришларда намоён бўлади. Масалан, мустақиллик йилларида давлатимиз раҳбари Ислоҳ Каримов томонидан инсон манфаатларининг олий қадрият сифатида эътироф этилганлиги, эркин демократик ислохотларга очилган йўл ҳар бир шахснинг ижтимоий тасаввурлари тизимида шундай ижобий ўзгаришларга туртки бўлдики, аввало, жамият аъзоларида ўзига ишонч, юртдошлар билан ҳамжиҳатлик, ўзаро меҳр-оқибат ва муруват ҳисларининг ривож топишига олиб келдики, оқибатда ҳомийлик, ўзаро меҳр-оқибат каби муносабатлар сайқал топди. Бунга мамлакат Президентининг 1996 йилдан буён йилларга мақом бериши, унда жамиятдаги барқарорлик, ундаги ўзаро ҳамжиҳатлик ғояларининг устивор қилиб қўйилиши ижобий таъсир кўрсатди. Оқибатда юртимизда ҳар бир шахс ва ижтимоий гуруҳларнинг турмуш тарзида ижтимоий нормаларга бўйсунуш, уларни ҳурмат қилиш

психологияси шаклланди, миллий ғурур ва ўзини барча ижтимоий жараёнларга алоқадор этиб ҳис қилиш пайдо бўлди.

Нормал хулқдан оғиш билан боғлиқ бўлган хулқ-атвор эса айрим гуруҳлар фаолиятига хос бўлиб, унинг оқибатида одатда айрим шахснинг гуруҳларга (масалан, жиноятчининг жамият нормаларини бузиши) ёки гуруҳларнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётга салбий таъсири (масалан, жиноий гуруҳ ёки экстремистик гуруҳларнинг ижтимоий нормал ҳаётга тажовузи шаклида) намоён бўлади. Бу каби салбий ҳолатлар жамиятнинг туб асосларини ўзгартириб юбормайди, лекин айрим вазиятларда одамларнинг нормал кун кечириш, тинч осуда меҳнат қилишларига ҳалақит беради. Минг афсуски, энг олийжаноб шиорлар остида яшаётган демократик жамиятда ҳам айрим алоҳида шахс ва гуруҳлар тажрибасида ана шундай салбий оқибатли хулқ кўринишлари мавжуд бўлади. Бу ўз навбатида экстремал ижтимоий психологиянинг келиб чиқишига асос бўлган.

Ижтимоий психологик ходисаларнинг *келиб чиқиши* нуктаи назаридан қаралса, улар шахслараро, гуруҳий, гуруҳлараро, оммавий шаклларда намоён бўлади.

Ушбу ходисалар барқарорлиги ва давомийлиги нуктаи назаридан таҳлил этилса, уларни динамик (масалан, мулоқотнинг турли шаклларида), ўзгарувчан динамик (масалан, ижтимоий тасаввур, фикр ва кайфиятнинг ўзгарувчанлиги) ва барқарор (масалан, урф-одатлар, қадриятлар, анъаналар каби) бўлиши мумкин.

Ижтимоий психология фан сифатида айнан ана шу ходисаларнинг пайдо бўлиши, кечиши ва ҳаётда намоён бўлиш механизмларини ўрганеди. Зеро, бу ходисалар турли босқич ва даражаларда (макро-, мезо- ва микро-босқич ва даражаларда), турли соҳаларда (давлат, иқтисодиёт, жамият ва унинг бурли бўғинлари, оила, маҳалла, алоҳида шахс ҳаёти доирасида), турли шарт-шароитларда (нормал, табиий, мураккаб ва экстремал) намоён бўлади.

Ижтимоий психологик ходисалар намоён бўлишининг асосий механизми сифатида *мулоқот* жараёнини қабул қилиш кўпчилик олимларнинг нуктаи назарига хосдир. Мулоқот туфайли ва унинг таъсирида шахс шаклланади, кичик гуруҳлар пайдо бўлади, катта ижтимоий гуруҳларнинг мавжуд бўлиши учун шароит яратилади. Айнан мулоқот ва одамларнинг бир-бирларига муносабатлари асосида намоён бўладиган универсал механизмларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

- 1) *тақлид қилиши* – бирор хулқ намунаси ёки турмуш тарзига эргашиш;
- 2) *ишонтириши* – бирор хулқ намунаси ёки фикрга ўзгаларни деярли онгсиз ва танқидсиз эргашишига эришиш;
- 3) *таъсирланиши* – бир шахс ҳиссий-эмоционал ҳолатининг ўзга бир шахсга узатилиши жараёни;
- 4) *эътиқод* – шахснинг онгига, имонига таъсир кўрсатиш;

5) *идентификация* – бир инсоннинг бошқасига ўхшатилиши, деярли кўшилиши жараёни.

Айнан шу механизмлар ижтимоий хулқ ва ўргатишнинг асосини ташкил этади.

Умуман олганда, ижтимоий психология фан тармоғи сифатида ҳам назарий ҳам амалий аҳамият касб этадики, ўзгарувчан ҳозирги ХХ1 асрда унинг аҳамияти ва ўрни бекиёсдир. Айниқса, мафкуравий ва ғоявий курашлар авж олган ҳозирги даврда инсон ижтимоий хулқини бошқариш долзарблик касб этганлигини инобатга олсак, унинг жамият барқарорлигидаги унинг сиёсий, ижтимоий ва мафкуравий роли янада юксалади. Шу боис ҳам ҳозирда унинг тадбиқий, амалий кўринишига алоҳида аҳамият берилмоқда. Чунки тадбиқий ижтимоий психология ижтимоий психологик ходисаларни психодиагностика, амалий маслаҳатлар бериш ва янги психотехнологияларни ижтимоий ҳаёт мезонлари ва талаблари доирасида ўрганадиган ҳамда ижтимоий психологик тренинглар, группавий психотерапия, ролли ва иш ўйинлари каби янги усулларда ижтимоий хулқни ўзгартиришга қодир бўлган илмий-амалий йўналишдир. Бу йўналиш ва амалиёт охириги йилларда Ўзбекистонда ҳам тобора ривожланиб ҳаётга кириб бормоқда.

2 боб. Ижтимоий психологик қарашларнинг ривожланиш тарихи

2.1. Дастлабки ижтимоий психологик тасаввурлар ва уларнинг намоён бўлиши

Ижтимоий психологиянинг фан сифатидаги тарихи унинг ижтимоий психологик қарашлар ёки ижтимоий психологик тафаккур тарихидан анчагина ёшдир. Чунки инсониятнинг биргаликда яшаш, меҳнат қилиш, бир-бирига таъсир кўрсатишга интилиши, эҳтиёжи қанчалик қадимий бўлса, ижтимоий тафаккур, одамларнинг бир-бирларига ўзаро ҳамжиҳатлик кўрсатишга бўлган мойиллиги ва истаклари ҳам шунчалик қадимийдир. Иккинчи томондан қадимги тарихдан биламизки, одамлар турли маросимлар, ақидалар, анъаналарни ҳам маълум маънода ўзаро муносабатларни тартибга солиш, ҳамкорликда меҳнат қилиш ва бир-бирларини турли бало-қазолардан муҳофаза қилиш йўллари йўлаб топганлар. Қайси бир халқ удуми ёки қадимги анъанасини олмайлик, унда жамоавийлик психологияси хукм суришини яхши биламиз. Унда энг аввало ахлоқ нормаларининг шаклланиши учун реал асослар мавжуддир. Масалан, туркистонликларнинг кўплаб удумлари, масалан, тўй-марака қилиш ва унда омманинг тўпланиши, хашар йўли билан бирор иншоотни битириш ва унда барча меҳнатга лаёқатли одамларнинг жам бўлиб тўпланиши каби юзлаб удумлар қадимий бўлиб, унда муайян маънода жамоа бўлиб яшаш ва ҳамкорликнинг ахлоқий мезонлари намунаси.

Айнан шу каби удумлар ижтимоий психологик тафаккурнинг пайдо бўлиши учун асос бўлиб хизмат қилган. Шу боис ҳам ижтимоий психологик тафаккур тарихи билан ижтимоий психологиянинг фан сифатидаги тарихида муайян умумийлик ва фарқлар мавжуд.

Профессор Г.М. Андреевнинг ёзишича, ижтимоий психологиянинг фан сифатида шаклланиш тарихини белгилаш шунинг учун ҳам мушкулки, у бир вақтнинг ўзида бир неча фанлар тарихий ривожланишига алоқадор бўлиб, қайси бири кўпроқ бу жараённинг моҳиятини белгилашини билиш қийин.³ Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, ижтимоий психологиянинг фан сифатида оёққа туришига кўплаб назарий ёндашувлар туртки бўлди. Б. Парыгиннинг фикрича, ижтимоий психологик ғоялар дастлаб бошқа фан соҳаларида шаклланиб олди ва сўнгра мустақил фан сифатида ажралиб чиқиши учун замин яратди.⁴ Гап бу ўринда унинг фалсафий қарашлар доирасида шаклланиши тўғрисидадир. Ушбу жараёндаги бўлиниш ёки ажралиб чиқиш асосан фалсафадан психологик ва социологик назарияларнинг ажралиб чиқиши ҳисобига содир бўлди, десак бўлади. Шу нуқтаи назарни ёқлаган олимлардан О. Клайнберг ва Г. Олпортлар ҳам ижтимоий психологик ғоялар тарихи қадимги грек фалсафасига, хусусан, Платон ғояларидан, ва нафақат Платон, балки Аристотель ғояларидан бошланганлигини таъкидлайдилар. Фалсафанинг янги даврида пайдо бўлган олимлардан Гоббс, Локк, Гальвеший, Руссо, Гегелларнинг жамият ва шахс ўзаро муносабатига оид қарашларида ҳам олимлар таъкидлаган соф ижтимоий психологик нуқтаи назарларнинг шаклланишини таъкидлаш мумкин.

Агар юқоридаги алломалар асарларида фалсафа доирасида ижтимоий психологик қарашлар мавжуд бўлган бўлса, бевосита фан сифатида ижтимоий психологиянинг ўз предметига эга бўлиш тарихи янада диққатга сазовордир.

Бу даврда ижтимоий психологиянинг ривожига умуман жамиятда содир бўлаётган ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ўзгаришлар сабаб бўлди. Масалан, XIX асрнинг ўрталарига келиб қатор Европа мамлакатларида саноат ва савдо-сотиқнинг ривожланиши давлатлараро иқтисодий алоқаларнинг кескинлашувига, шу аснода миллатлар ва халқлараро муносабатларнинг тифизлашувига олиб келди. Бу ўз навбатида **тилшунослик**нинг ривожига ва халқлар психологиясининг шаклланишига олиб келди. Лекин тилшунослик фани ўз имкониятлари даражасида турли халқлар ўртасидаги муомала ва мулоқотнинг самарали йўлларини белгилаш, одамларнинг самарали ҳамкорлигини таъминлашга ожиз эди.

Айнан шундай шу даврга келиб **антропология, этнография, археология** соҳасида ҳам қатор муваффақиятлар қозонила бошландики,

³ Андреева Г.М. Социальная психология: Учебник для высших учебных заведений / Г.М. Андреева.-5-е изд., испр. и доп.- М.: Аспект Пресс, 2003 – С.28

⁴ Парыгин Б.Д. Социальная психология.-М., 1971 – С. 21

улар ҳам қўлга киритган ноёб натижаларни ижтимоий психологиясиз аниқ таърифлай ва тавсифлай олмади. Масалан, айнан шу даврда инглиз антропологи Э. Тейлор ибтидоий жамоаларнинг маданиятига оид, америкалик этнограф ва археолог Л. Морган хиндуларнинг турмуш тарзи, француз социолог ва этнографи Л. Леви-Брюль ибтидоий одамнинг тафаккур тарзига оид тадқиқотларини яқунлади. Бу тадқиқотлар натижаларини тўла таҳлил этиш эса муайян этник гуруҳларнинг ўзига хос анъаналари, урф-одатларини билиш, бир-бири билан таққосалашни тақозо этди. Бундан ташқари, капиталистик муносабатлар жамиятда муайян криминал гуруҳларнинг ҳам пайдо бўлиши уларнинг хулқ-атвориغا хос психологик қонуниятларни очиш, жиноятчиликнинг кўп ҳолатларда уюшган гуруҳ томонидан содир этилгани сабабли, шундай гуруҳнинг психологиясини ўрганишни талаб этди. Шу боис ҳам америкалик психолог Т. Шибутани ҳақли равишда таъкидлаганидек, айрим фан вакилларининг ўз муаммоларини ҳал қила олмаётганлиги ижтимоий психологиянинг мустақил фан тармоғи сифатида бўлиниб чиқишига замин яратди (Т. Шибутани, 1999).

Иккинчидан, XIX асрнинг ўрталарига келиб, шу пайтгача алоҳида индивид психологиясини ўрганиб келаётган **психология** фанида, айниқса, унинг патапсихология тармоғида айрим ноёб тадқиқотлар ўтқалдики, уларда индивид хулқини уни ўраб турган инсонлар ва улар ўртасидаги ўзаро муносабатлар ва ҳамкорлик, ўзаро таъсирларсиз тасаввур қилиб бўлмай қолди. Яъни, шахснинг хулқ-атворини тушунтиришда уни ўраб турган одамларнинг таъсири ҳам борлигини тан олмаслик мумкин бўлмай қолди. Лекин айти шу даврда бу умумий психологиянинг айрим масалаларигагина хос, деган тасаввур доирасида шундай хулосаларга келинган эди.

Лекин ижтимоий психологиянинг илмий манбалари соҳасида социология фанининг хизматини кўрсатиб ўтмай бўлмайди. Социологиянинг асосчилари ҳисобланган Огюст Конт, Герберт Спенсер ва бошқалар, жамиятдаги ижтимоий ҳодисаларни ўрганиш учун албатта, ўзига хос, айрим психологик ҳолатларни ўрганмоқ лозим, деган фикрни катъий туриб исбот қилдилар. Улар ҳар бир ижтимоий воқеада руҳий ҳодисалар борлигини исбот қилишга уриндилар. Масалан, француз социологи Г.Тард ҳар бир индивидда “ижтимоий факт” борлигини, бу нарса унинг мия доирасидагина эмас, балки бир қанча миялар алоқаси туфайли мавжуддир, деб ҳисоблайди. Ижтимоий хулқ-атвор модели, унинг фикрича, доимо индивидлараро муносабатларни ўз ичига олиб, бунда бир индивид бошқа индивидга доимо тақлид қилади, шунинг учун ҳам шахсни ўрганиш бошқа шахсларни инкор қилмаслигини талаб қилади. Унинг фикрича, элементар ижтимоий факт интрацеребрал психология ўрганадиган ягона мия ҳодисалари орқали эмас, балки бир неча “каллалар” (“ақллар) нинг тўқнашуви оқибатида келиб чиқадиган “интерментал

психология” орқали ўрганилиши ва тушунтирилиши лозим. Ижтимоий хулқнинг моделида Тард фикрича, икки индивиднинг ўзаро таъсири етакчи ўрин тутадик, бунда бир индивид иккинчисига тақлид қилади.

Бундан ташқари, социологиянинг ўзи XIX асрнинг ўрталарида ўз тараққиётининг ривожидан шундай даражага эришдики, бу ишлар француз позитивист файласуфи О. Конт номи билан боғлиқдир. Ижтимоий жараёнларнинг психологик, аниқроғи, биологик келиб чиқишига (Г. Спенсер) бўлган қизиқиш ижтимоий мавжудликка психологик ёндашув орқали баҳо бериш заруратини келтириб чиқарди.

Диаданинг чекланган эканлигини тушунган бошқа социологлар, масалан, америкалик Л. Уорд, Ф. Гиддингс кабилар ижтимоий хулқни жамоавий психика феномени орқали тушунтиришга уриндилар. Уларнинг таъкидлашича, дастлабки ижтимоий факт алоҳида индивиднинг онгига эмас, балки у мансуб бўлган “қавмнинг психологияси”га алоқадордир. Яъни, ижтимоий факт - бу моҳиятан ижтимоий тафаккур, ақлдир. Уни жамоа ёки жамият психологияси ўрганиши керак. Улар бу ўринда социологияни назарда тутганлар.

Социологиянинг “психологиялашуви” ижтимоий психологиянинг предметини аниқлашда жуда қўл келди, десак бўлади, чунки айнан шундай ёндашув социологиядаги психологик йўналишни таъминлаш билан бир қаторда ижтимоий психологиянинг ўзини ҳам алоҳида фан сифатида туғилишига асос яратди. Яъни, қисқача айтганда, икки фан – психология ва социологиянинг ривожланиши, уларнинг иккиси ҳам жамиятда турли вазиятларда инсон хулқ-атворининг ижтимоий мотивларини тушунтириш заруратини англаши ижтимоий психологиянинг мустақил фан тармоғи сифатида барпо бўлишини таъминлади.

Шундай қилиб, социологияда психологик йўналиш пайдо бўлди. Тарддан кейин Л.Уорд, Ф.Гиддингс ва бошқалар ижтимоийлик қонунларини жамоа руҳий ҳолати билан узвий равишда ўргана бошладилар. Уларнинг фикрича, ижтимоий факт – бу ижтимоий ақл, тафаккур бўлиб, у “жамият психологияси” ёки социологиянинг баҳс мавзудир.

Шундай қилиб, юқорида қайд қилинган илмий-фалсафий, ижтимоий манбалар, шарт-шароитлар туфайли ижтимоий-психологик ғоялар шаклланиб борди. Бу қарашлар соф психологияга ҳам ўхшамаган, социология доирасидан чиқиб кетадиган алоҳида фаннинг – ижтимоий психологиянинг пайдо бўлиши учун реал замин ролини ўтади.

2.2. Ижтимоий психологик билимларнинг уч асрнинг ўрталарига тўғри келди. Кўплаб ёнда - назарий манбаси.

Ушбу манбаларнинг аниқланиши ҳам XIX асрнинг ўрталарига тўғри келди. Кўплаб ёнда - назарий манбаси. Ушбу манбаларнинг аниқланиши ҳам XIX асрнинг ўрталарига тўғри келди. Кўплаб ёнда - назарий манбаси.

шаклланиб, ривожланишига аниқ туртки бўлди. Булар: *халқлар психологияси, оламон психологияси ва ижтимоий хулқ-атворнинг инстинктлари назарияси*дир. Уларнинг барчасини ўйлантирган масала битта бўлиб, у ҳам бўлса жамият ва шахснинг ўзаро муносабатини таҳлил қилиш заруратидир.

Ижтимоий психологик билимлар учун манба ролини ўйнаган биринчи асос *халқлар психологияси* бўлиб, у XIX асрнинг ўрталарида Германияда шаклланди. Ундаги асосий назарий фикр шундан иборат эдики, айрим индивидлардан юқори турадиган руҳ мавжуд бўлиб, бу руҳ ўзидан ҳам юқори турадиган илоҳий яхлитликка бўйсунди. Бу илоҳий яхлитлик халқ ёки миллатдир. Айрим индивидлар ана шу яхлитликнинг бўлаклари бўлиб, улар аслида шу руҳга бўйсундилар. Яъни, ушбу назария тарафдорлининг фикрига эътибор берсак, улар нуқтаи назария, шахс билан жамият ўртасидаги қарама-қаршилик муаммоси жамият фойдасига ҳал қилинади. Халқлар психологиясининг тарихий-мафкуравий асоси бўлиб Гегель фалсафаси ва немис романтизми хизмат қилган, дейиш мумкин, чунки Гегелдаги “индивиддан юқори турувчи руҳ” ғояси халқлар психологияси жонкуярлари томонидан тўлиғича қабул қилинди.

“Халқлар психологияси” ибораси биринчи марта файласуф М.Лацарус (1824-1903) ҳамда тилшунос Г.Штейнталь (1833-1893) асарларида ишлатилди. Улар биргаликда чоп этган “Халқлар психологияси тўғрисида кириш сўзи” китобида шундай фикрларни илгари сурадилар: “Тарихни юргизувчи асосий куч – бу халқ ёки шу “яхлитликнинг руҳи” бўлиб, бу руҳ санъатда, динда, тилда, афсоналарда, анъаналарда ўз аксини топади. Индивиднинг онги ушбу яхлитликнинг маҳсули бўлиб, уларнинг йиғиндиси ўз навбатида халқ онгини ташкил этади. Халқлар психологиясининг вазифаси халқ руҳи моҳиятини ўрганиш, халқ руҳияти қонунларини очиш, халқ психологиясига оид бўлган ўзига хос хусусиятларнинг пайдо бўлиши ва йўқолишини тушунтириб беришдир”. Ўша китобда муаллифлар шахс билан жамият муносабати хусусида қуйидаги мулоҳазаларини баён этадилар: одам ўз моҳияти жиҳатидан ижтимоий мавжудот бўлиб, у жамият ҳаёти билан узвий боғлиқ, чунки у ўзига ўхшашларга қараб ривожланади, бошқаларга тақлид қилиб ҳаракат қилади ва улар таъқибидан қочади... Халқлар психологиясининг асосчилари фақат назарий мулоҳазалар юритиш билан чекландилар, чунки уларда ўз фикрларини исбот қилиш учун тадқиқот ишлари йўқ эди.

“Психологиянинг отаси” ҳисобланган Вильгелм Вундт эса худди ана шу тадқиқотга асосланган маълумотлар тўплашга ўз диққатини қаратди. У ўзининг “Инсон ва ҳайвон руҳи ҳақида лекциялар” и (1863 й) ва 1900 йилда босмадан чиққан ўн томли “Халқлар психологияси” асарларида асосан ўзи тўплаган эмпирик маълумотлар асосида халқлар психологиясига бағишланган фикрлари тизимини баён этди. Унинг фан олдидаги хизмати шундан иборат эдики, эмпирик маълумотлар тўплаш усуллари, тўпланган

манбаларни шарҳлаш борасида бебаҳо билимлар тўплади. Унинг фикрича, психология фани икки қисмдан иборат: физиологик психология ва халқлар психологияси. Физиологик психология инсон руҳиятини ўрганувчи экспериментал фан бўлиб, олий психик жараёнлар – тафаккур ва нутқдан ташқари барча нарсани эксперимент усулида тадқиқ этиш мумкин. Эксперимент усулида ўрганиб бўлмайдиган барча олий руҳ ҳолатларини халқлар психологияси ўрганади, чунки ундаги ўрганиш усуллари ўзига хосдир – у маданий маҳсуллар ҳисобланган тил, афсоналар, одатлар, санъат асарлари, инсон тафаккурининг мураккаб томонларини очиб беради.

Тўғри, Вундтнинг психология фани олдидаги хизматлари буюк, унинг халқлар психологиясига оид маълумотлари ҳозирги кунгача ҳам ўз қимматини йўқотгани йўқ. Лекин унинг ягона камчилиги шу эдики, унинг қарашлари идеалистик асосда бўлган, яъни у индивид билан жамият ўртасидаги мураккаб диалектик муносабатни идеалистик асосда туриб ҳал қилган ва жамиятнинг ролини абсолют тушуниб, шахснинг тарихини яратишдаги, ижтимоий жараёнлардаги фаол ўрнини кўра билмаган. Унинг издошлари – Русиялик А.Потебни, немис олими Т.Гейгер ва бошқалар ҳам у йўл қўйган мафкуравий камчиликни олдини ола олмадилар, лекин улар бир фикрда яқдил эдиларки, халқлар психологияси индивидуал психологиядан фарқ қилади, шунинг учун ҳам махсус фан керакки, у ўзига хос усуллар ёрдамида шахс ва жамият муносабатлари қонунларини очиб бериш лозим. Худди ана шу хулосалар ижтимоий психологиянинг фан сифатида шаклланишига илмий асос бўлди.

Омма психологияси пайдо бўлишига тарихий асос ишчилар синфининг пайдо бўлиши ва Европада ишчилар ҳаракатининг оммавий тус олиши бўлди. Яъни, XIX асрнинг иккинчи ярмида саноат ва ишлаб чиқаришнинг ривожланиши, ишчиларнинг у ёки бу саноат корхонаси доирасида меҳнат қилиш учун тўпланиши ишчилар ҳаракатининг кучайишига олиб келдики, улар баъзан тартибсиз ҳаракатлар, уюшган ҳаракатларнинг субъектига айланиб қолдилар. Шунинг учун ҳам шу ҳаракатларнинг қонунларини билиш, уларни бошқариш усулларини ўйлаб топиш зарур эди.

Оммавий ҳодисаларни ўрганиш натижасида 1890 йилда Габриэл Тарднинг “Тақлид қилиш қонунлари” деб аталган биринчи китоби чиқди. Тард Францияда рўй бераётган оммавий ҳодисаларни, шу ҳодисаларда иштирок этаётганларнинг хулқ-атворини тақлид қилиш орқали тушунтиради. Бу ҳаракатлар иррационал (яъни ақлнинг иштирокисиз) табиатга эга бўлиб, ҳар бир индивид оммага қўшилган заҳоти унга тақлид қилишга тайёрлик инстинкти устун бўлиб қолади. Италиялик ҳуқуқшунос С.Сигели ва француз олими Г.Лебон ҳам Тард ишларини маъқуллаб, унинг назариясини фактик материаллар билан бойитдилар.

1895 йилда босилиб чиққан Сигелининг “Омманинг жиноятлари” ва Лебоннинг “Омма психологияси” китобларида асосий ғоя шундан иборат

эдики, оммавий ҳаракатларда шахснинг ўз хулқ-атворларини онгли ва ақл билан бошқариш қобилияти йўқолади. Бундай ҳолатларда ҳиссиётлар устун келади, натижада аффект ҳолатлар келиб чиқади, яъни, одам ўзи нима қилаётганлигини, оломонга нега қўшилиб қолганлигини ҳам наглай олмайди, шунинг учун ҳам аффект ҳолатида рўй берган жинойтга айбни юмшатувчи ҳолат сабаб бўлган, деб қараш адолатли бўлади. Бу қарашлари туфайли Сигели Италиянинг қонунига махсус модда киритишга ҳам эришди.

Социолог Лебон эса асосан диққатини оммани элитага – жамиятдан юқори турувчи танланган гуруҳларга қарши қўйишга қаратди. У омманинг айрим ҳолларида, айниқса бирор ҳодиса рўй берганда “қизикқонлик” хусусияти устун туриши ҳақида ёзади. Унинг фикрича, бир қанча одамларнинг бир ерда тўпланиши оммани ҳосил қилади ва бу одамлар ким бўлишидан қатъи назар – олимми ёки оддий ишчи, фуқароми, шу заҳотиёқ кузатувчанлик ва зийракликни йўқотади. Чунки бу ҳолатда улар ҳолатини инстинктлар ва ҳиссиётлар бошқаради. Лебон шахснинг омма ҳолатидаги белгиларига тўхталиб қуйидагиларни ажратади:

1. *Шахсий сифатларнинг йўқолиши.* Бошқа одамлар таъсирида индивид ўзига хос сифатларни йўқотиши, бунинг ўрнига импульсив инстинктив ҳаракатларни амалга ошириши мумкин.
2. *Ҳиссиётларга ўта берилувчанлик.* Оммада ақл, тафаккур ҳиссиётлар ва инстинктларга ўз ўрнини бўшатади. Шунинг учун ҳам омманинг таъсирчанлиги ўта ошиб кетади.
3. *Ақлий сифатларнинг йўқолиши.* Омманинг “ақли” уни ташкил этувчилар ақлидан анча паст бўлади. Шунинг учун ҳам омманинг таъйиқига учрамаслик учун ҳар бир киши ақлан мулоҳаза юритишдан бош тортиши, мунозарадан қочиши лозим.
4. *Шахсий масъулиятнинг йўқолиши.* Оммага қўшилиб қолган шахс шунчалик ҳиссиётларга берилиб кетиши мумкинки, у ўз ҳаракатларини назорат қилиш, ўз ишига масъулиятни эсидан чиқаради. Якка ҳолда содир қила олмайдиган ишини, у оммага қўшилиб қилиб содир этиб қўйиши мумкин.

Юқорида санаб ўтилган омманинг белгилари Эрнесто Грасси томонидан немис энциклопедиясига ҳам киритилган.

Шундай қилиб, омма тартибсиз, у мустақил равишда тартиб ўрнатиш қобилиятига эга эмас. Шунинг учун ҳам унга доимо “доҳий” керак. Доҳийлар ёки даҳолар – элита ташқаридан келиб омма ўртасида тартиб ўрнатиши мумкин. Бу фикрларнинг мафкуравий маъноси тушунарли, чунки ўша пайтда олимлар омма деганда, ишчилар синфини, доҳийлар деганда эса, буржуазияни назарда тутишган. Демак, шахс ва жамият зиддиятлари масаласи омма психологияси тарафдорлари назарияси айрим шахслар – доҳийлар фойдасига ҳал қилинади. Лекин бу назария, нима учун оммавий ҳодисаларда омманинг ўзидан чиқиб қоладиган лидерлар,

омманинг баъзан ташқаридан ҳеч кимни тан олмай қолиши масалаларига умуман жавоб топа олмади, чунки уларнинг ҳам фикрларида кўпроқ идеализмга мойиллик сезилиб турарди.

Ижтимоий хулқ-атвор инстинктлари назарияси XX асрнинг бошида Англияда шаклланди. Унинг асосчиси инглиз психологи Уильям Макдугалл бўлиб, у ўзининг 1908 йилда ёзган “Ижтимоий психологияга кириш” китобидаги инсон хулқ-атворининг мотиви ёки уни ҳаракатга келтирувчи куч инстинктлардир деб ёзган. Кейинчалик у инстинкт тушунчаси билан бирга лаёқат, интилиш ибораларини ҳам ишлата бошлади. Унинг фикрича, хулқ-атворни таъминловчи нарса туғма, психофизиологик тайёрлик ҳолати бўлиб, у наслдан-наслга узатилади. Макдугалл барча ҳаракатларни рефлексив ҳолда тушунтиришга интилиб, рефлексив ёйга хос бўлган барча қисмлар – яъни, эфферент - қабул қилувчи, рецептив бўлим, афферент (ҳаракат) ва марказий бўлимдан иборат тизим сифатида тасаввур қилади. Барча ижтимоий ҳаракатлар ҳам ана шундай рефлексив табиатга эгадир, деб уқтиради у.

Шунга ўхшаш фикрлар Э. Росс (“Ижтимоий психология”) ва Дж. Болдуин (“Ижтимоий психология бўйича тадқиқотлар”) қарашларида ҳам ривожлантирилган. Масалан, Болдуин икки турли ирсият ҳақида – табиий ва ижтимоий ирсият ҳақида ёзиб, ижтимоий ирсият одамлардаги тақлид қилиш қобилияти билан боғлиқ, деб ёзади. Жамиятда яшаётган одамлар бир-бирларига таъсирларини ўтказишга мойилдирларки, бу нарса улар ўртасидаги муносабатларини бошқариб туради.

Шундай қилиб, бу йўналиш тарафдорларининг фикрича, барча онгли ҳаракатларнинг боши – онгсизликдир, яъни инстинктлар бўлиб, улар асосан ҳиссиётларда намоён бўлади. Ҳиссиёт билан инстинктлар боғлиқлигини Макдугалл жуфтликларда кўрсатишга ҳаракат қилган: масалан, кураш инстинкти – кўрқув, ғазаб ҳисси; насл қолдириш инстинкти – рашк, аёллардаги тобелик ҳисси; ўзлаштириш инстинкти – хусусийликка интилиш ҳисси ва ҳоказо. Ижтимоий ҳодисаларни тушунтиришда туғма инстинктлар ролининг юқори қўйганлиги учун бу назария илмий тараққиёт босқичида салбий ўрин тутди, деб айтишимиз мумкин. Лекин унинг айрим ҳодисалар сабабларини тушунтиришга ҳаракат қилиши фан олдига улкан вазифаларни қўйди. Ижтимоий психология фан сифатида ана шу муаммоларни тадқиқ қилиши лозим эди.

Демак, юқорида тўхтаб ўтилган учала назариянинг аҳамияти шундан иборат эдики, улар янги туғилиши лозим бўлган, лекин етарли илмий асоси бўлмаган фан – ижтимоий психологиянинг истиқболдаги тадқиқот мавзуларини очиб берди. Қолаверса, бу учала йўналиш ҳам назарий қарашларни исбот қилишда объектив текширув усули ҳисобланган экспериментдан фойдаланиш заруриятини кўрсатди. Бу нарса яна бир бор махсус фаннинг келажак режаларини аниқлашга ёрдам берди.

2.3. Ижтимоий психологиянинг экспериментал фан сифатида ривожланиши.

XX аср шу билан характерли эдики, у турли фанлар олдида конкрет топшириқлар қўя бошлади. Бундан ташқари, жуда кўп фанларда объектив экспериментал усул йўли билан илмий фактлар тўплаш йўлга қўйилди. Психология фани ҳам бундан истисно эмас эди. Соф психологлар индивид психологиясини экспериментал ўрганар эканлар, уларнинг бошқа индивидлар таъсирида бўлиши фактини инкор қила олмас эдилар. Иккинчидан эса, Америкада кўпгина психологлар ўз тадқиқот объектларини лабораторияларда айрим психик жараёнларни ўрганишдан кичик гуруҳларга кўчира бошладилар. Бу даврда психологияда шаклланиб бўлган уч асосий оқим (психоанализ, бихевиоризм ва гештальт психология) ичида ҳам ижтимоий хулқ-атворни кичик гуруҳлар доирасида ўрганиш тенденцияси пайдо бўлди. XX аср психология фани тарихида шу билан ажралиб турадики, олимлар назарий изланишларга эътибор беришмас, ҳаттоки, катта гуруҳлар, оммавий ҳодисалар психологияси ҳам назардан анча четда қолган эди. Асосий диққат кичик гуруҳларга ва уларда турлича экспериментлар ўтказишга қаратилган эди. Бундай ҳолатнинг пайдо бўлганлиги ижтимоий психологиянинг фан сифатида шаклланишида ниҳоятда катта роль ўйнади.

Гештальтпсихология йўналиши негизида махсус ижтимоий психологик йўналишларнинг – интеракционизм ва когнитивизмнинг пайдо бўлганлиги эса бу фаннинг экспериментал эканлигини яна бир бор исбот қилди.

Бихевиоризм йўналишлари доирасида ўтказилган ижтимоий психологик тадқиқотлар аввало америкалик олимлар К.Халл ва В.Скиннерлар номи билан боғлиқ. Улар ва уларнинг издошлари ҳисобланган К.Миллер, Д.Доллард, Дж.Тибо, Г.Келли ва бошқалар дидада – икки киши ўртасидаги муносабатларнинг хилма-хил экспериментал кўринишларини тадқиқ қилиб, уларда математик ўйин назарияси элементларини қўладилар. Дидада шароитида лабораторияларда ўтказилган тадқиқотларда асосан мустаҳкамлаш ғоясини исбот қилишга уринилди. Классик бихевиоризмдан фарқли ўлароқ, ижтимоий психологик бихевиористлар ҳайвонлар ўрнига лабораторияга нақд пулга одамларни тақлиф эта бошладилар, шунинг учун ҳам уларнинг ғоясида биологизм ва механизм тарзда илгариги ҳайвонларда тўпланган далиллар моделини инсонларда қўллаш ҳоллари кузатилди.

Психоанализ доирасида эса ижтимоий психологик тадқиқотлар Э.Фромм ва Дж. Салливен ишлари билан боғлиқ, Бихевиористлардан фарқли ўлароқ, бу ерда экспериментлар икки киши эмас, балки кўпчилик иштирокида ўтказила бошлади. Уларнинг издошлари (В.Байон, В.Беннис, Г.Шепарде, В.Шутц) ўтказган тадқиқотлар туфайли ҳозирги кунда ҳам

катта қизиқиш билан ўрганилаётган “Т – Гуруҳлар” психологияси яратилди. Унда гуруҳ шароитида бир одамнинг бошқаларга таъсири, гуруҳнинг айрим индивидлар фикрларига таъсири каби масалалар ишлаб чиқилди ва ижтимоий психологик тренинглар ўтказишга асос солинди.

Когнитивизм Курт Левин назарияси асосида пайдо бўлган психологик йўналиш бўлиб, ундаги ўрганиш объекти муносабатлар тизимидаги одамлар, уларнинг билиш жараёнлари, онг тизимига тааллуқли бўлган когнитив ҳолатлар бўлди. Когнитивизм доирасида шундай мукамал, бошқаларга ўхшамас назариялар яратилдики, улар ҳозирги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ. Масалан, Ф.Хайдернинг баланслаштирилган тизимлар назарияси, Т.Ньюкомнинг коммуникатив актлар назарияси, Фестингернинг когнитив диссонанслар назарияси ва бошқалар шулар жумласига киради. Улардаги асосий ғоя шундан иборатки, шахс ўзига ўхшаш шахслар билан мулоқатга киришар экан, доимо муносабатларда рухий мутаносиблик, тенглик бўлишига, шу туфайли зиддиятлардан чиқишга ҳаракат қилади. Мақсад – турли ижтимоий шароитларда шахс хулқ-атворининг психологик сабабларини тушунтириш ва зиддиятларнинг олдини олиш учун йўл-йўриқлар ишлаб чиқишдан иборат. Ҳозирги даврда ҳам таниқли ижтимоий психологлар Олпорт, Маслоу, К.Роджерс ва уларнинг сафдошлари гуманистик психология доирасида бу ишларни фаол давом эттирмақдалар.

Ниҳоят, яна бир экспериментлар билан боғлиқ бўлган назария **интеракционизм** бўлиб, бу аслида социологик назария ҳисобланади. Унинг асосчиси Гербарт Мид бўлиб, унинг қарашлари таъсирида Т.Сарбиннинг роллар назарияси, Г.Хаймен ва Р.Мертонларнинг референт гуруҳлар назарияси, Ф.Гофманнинг ижтимоий драматургия назариялари шаклланади. Улар турли ижтимоий шароитлардаги хулқ-атворни тушунтириш орқали шахс ижтимоий психологик сифатларининг сабабларини топишга ҳаракат қилдилар. Ҳар бир шахс доимо ижтимоий ўзаро таъсир тизимида мавжуд бўладики, унда у тўғри ҳаракат қилиш учун ўзгаларни тушунишга ҳаракат қилиши, ўзгалар ролини қабул қилишга тайёр бўлиши лозим. Лекин ўзгалар ролини тўғри қабул қилиш учун унда “умумлаштирилган ўзга” образи бўлиши лозимки, бу образ шахслараро мулоқат жараёнида, ҳар бир шахс учун ибратли бўлган кишилар гуруҳи билан мулоқотда бўлиш жараёнида шаклланади. Яъни, шахснинг фаоллиги тан олинади, бу эса фан тарихида ўта прогрессив ҳолат эди.

Юқорида айтиб ўтилган назария ва оқимлар ҳозирги кунда ҳам ижтимоий психологиянинг ривожланишига ўз ҳиссаларини қўшиб келмақдалар. Кейинги даврларда Россияда ривожланган ижтимоий психология ва собиқ Иттифоқ даслатларида барча ўтказилган фундаментал ва тадбиқий тадқиқотларда чет эллик психологлар, хусусан америкалик олимлар қарашларининг таъсири каттадир.

2.4. Ижтимоий психологиянинг Россия ривожланиши

Собиқ иттифоқ давлатларида, биринчи навбатда Россияда ижтимоий психология 20-йиллардан бошлаб ривожлана бошлади. Бу борада рус ижтимоий психологиясининг асосчиси деб ҳақли равишда В.М.Бехтеревни кўрсатиш мумкин. У ўзининг рефлексология назарияси доирасидан шахс хулқ-атворининг мотивларини тушунтиришга уринганлардан биридир. Унинг фикрича, барча онгли ва онгсиз жараёнлар ташқи хулқ-атворда, ҳаракатларда ифодаланади, шунинг учун ҳам ташқи ҳаракатларни, қилиқларни, нутқни, товушни ўрганиш орқали шахснинг ўзини ва бу ҳаракатларнинг сабабларини аниқлаш мумкин. Бехтерев қарашларидаги камчилик шу эдики, у ўз илмий хулосаларида социологияни биология билан, психологияни эса физиология билан аралаштириб юборди, шу орқали шахс ва жамият тараққиётининг универсал қонунларини топмоқчи бўлди.

Бехтеревдан кейинги олимлар, чунончи, Ю.Васильевнинг “биологик социологияси” ҳам, М.А.Рейстнернинг “оммавий психологияси” ҳам, Л.Н.Войтоловскийнинг “жамоа психологияси” ҳам рефлекслар қонунини механик тарзда ижтимоий психологик жараёнларни тушунтиришга кўчириш бўлди, десак хато бўлмайди.

20-30- йилларда болалар ва ўсмирлар ижтимоий психологик тараққиётини ўрганишга қаратилган икки йўналиш пайдо бўлдики, улар ҳам қатор камчиликлардан ҳоли бўла олмадилар. Масалан, биологик ёки биогенетик назария тарафдорлари шахснинг шаклланишида ирсий ва биологик наслий омиллар етакчи рол ўйнайди, деб ҳисоблашса (Е.Аркин, И.Арямов ва бошқалар), социологик ёки социогетик назариётчилар бу борада ижтимоий муҳит ролини ниҳоятда катта эканлигини ҳимоя қилиб чиқдилар (С.Моложавий, А.Залкинд ва бошқалар).

30-йилларда А.С.Макаренко, А.Залужный, Л.С.Выготский, Н.К.Крупская, М.Сухомлинский ва бошқа қатор олимлар ўз назарий қарашларини марксизм билан бевосита боғлаб, жамоа ва шахс назариясини яратдилар. Улар шахснинг шаклланишида ижтимоий муҳитнинг, жамоанинг ролини, таълим-тарбиянинг аҳамиятини исботлашга уриндилар. 40-60-йилларда ижтимоий-психология тараққиётида нисбатан сокинлик даври бўлди. Чунки психология соҳасида олиб борилган тадқиқотлар ичида ижтимоий психологик тадқиқотлар йўқ ҳисоб эди. Бу фан Россияда ва бошқа собиқ иттифоқдош республикаларда 70-йиллардан кейин кескин ривожлана бошлади. Бунда москвалик ва ленинградлик (ҳозирги Санкт-Петербург) олимлар мактаби катта рол ўйнади. Агар Москва шаҳрида асосан ижтимоий психология бўйича фундаментал назарий тадқиқотлар кўплаб ўтказилиб, унда ҳозирги замон ижтимоий психологик тадқиқотларнинг эмпирик қонунлари асослари ишлаб чиқилган бўлса, Санкт-Петербургда кўпроқ тадбиқий илмий тадқиқот ишлари олиб

борилдики, улар биргаликда минглаб ёш ижтимоий психологлар авлодини тарбиялаб етиштирдилар. Улар эса ҳаётимизга илғор фикрлар ва далил тадқиқотлар билан кириб келиб, ҳозирги кун фанини дунё миқёсида мисли кўрилмаган даражага кўтардилар. Лекин юқорида айтиб ўтилганидек, Россияда социал психологиянинг ривожланишида хориж психологиясининг, айниқса Америка Қўшма Штатлари психологиясининг таъсири анча сезиларлидир.

2.5. Ўзбекистонда ижтимоий психологик тадқиқотларнинг ўрни ва истиқболлари

Ижтимоий психологиянинг фан сифатида юртимизда ривожланиш тарихига эътибор берадиган бўлсак, тарихан қисқа фурсатда унинг ривожланиши учун имкониятлар кенгайиб бораётганлигини таъкидлаш жоиз. Чунки мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов 1997 йилдаёқ Ўзбекистон Республикасида кадрлар тайёрлашнинг миллий дастурини ишлаб чиқариш зарурати тўғрисида гапириб, унда ижтимоий психология ва социология каби янги йўналишларни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилиши лозимлигини таъкидладилар. Чунки илмий салоҳиятли, маънан бақувват, юрт учун, халқ ва Ватан учун садоқатли янги авлодни тарбиялаш, унда фаол фуқаролик позициясини шакллантириш шахс ва жамият ўзаро муносабатларини яхши билишни тақозо этишини давлатимиз раҳбари ўта зийраклик билан тасаввур қилдилар, шу боис Президентимизнинг баркамол авлод тарбиясига оид барча асрларидан психолог олимлар, жумладан, ижтимоий психология соҳасида изланишлар олиб бораётган олимлар тўғри хулосалар чиқара олдилар.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Ўзбекистонда ўтказилаётган ижтимоий психологик тадқиқотлар дастлаб асосан оила ва оилавий муносабатларга бағишланганлиги билан характерланади ва шунга боғлиқ тарзда охириги йилларда ҳам шахснинг камол топишида ижтимоий муҳит омили ўрганилганда, энг аввало оилавий ижтимоийлашув назарда тутилади. Президентимиз Ислом Каримов 2004 йилда тарихий бир хужжатга – “Ўзбекистоо хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини такомиллаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонлари муносабати билан хотин-қизларни давлат ва жамият қурилишиги иштирокларини тўла таъминлаш вазифаси ўртага қўйилди ва гендер тадқиқотларга ҳам катта йўл очилди. Бундан ташқари, янги давр авлодининг жамиятда рўй бераётган турли ходисаларга муносабати, уларга берадиган баҳоси ва улар таъсирида шаклландиган ижтимоий хулқи масаласи юртимизда ижтимоий тасавур концепцияси асосида турли йўналишли изланишлар учун истибоқли йўналишга йўл очди. Бундан ташқари, янгича ишлаб чиқариш ва ижтимоий муносабатлар шароитида ходимлар хулқини мувофиқлаштириш борасида бошқарув психологияси

бўйича амалга оширилаётган монографик тадқиқотлар ҳам янги давр ижтимоий психологиясининг предмети эканлигини таъкидлаш мумкин. Бундан ташқари, Ўзбекистонда тадқиқий йўналишдаги ижтимоий психологик изланишларга кенг йўл очилдики, бу ҳолат ушбу фаннинг янги давр фани эканлигини исботламоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, биринчи ижтимоий психологик тадқиқот юртимизда XX асрнинг 70-йиллари охири 80-йилларнинг бошида И.Ёқубов томонидан ўтказилган бўлиб, у оилавий муносабатларнинг барқарорлиги ва эр-хотин ижтимоий ролларининг мувофиқлигини таъминловчи социал-психологик омилларни ўрганди. Тадқиқот натижасида шу нарса аниқландики, оила аъзоларининг роллар борасидаги мувофиқ ўзаро муносабатлари оилавий ҳамжиҳатликнинг муҳим шартидир. Оилавий мажоролар эса, асосан ҳозирги замон ўзбек аёлининг ижтимоий меҳнат билан бандлиги ҳамда оилавий муносабатларда эскилик сарқитларининг сақланиб қолганлигидадир.

Кейинчалик шу каби оила ва оилавий муносабатларнинг ижтимоий психологик феноменларига бағишланган тадқиқотлар ўзбекистонлик олимлар Ғ.Б.Шоумаров ва унинг издошлари, шогирдлари ишларида ривожлантирилди. Масалан, Ғ. Шоумаров ва Е.А.Моршиналарнинг (1986) тадқиқотларида оилада болалар тарбиясига бевосита таъсир кўрсатадиган ижтимоий-психологик омиллар ўрганилди, чунончи, унда ўзига хос миллий ва анъанавий ўзаро муносабат хусусиятларининг ўрни белгиланди.

Оилавий муносабатлар психологияси хусусида ўтказилган муҳим тадқиқотлардан бири Н.Соғиновнинг ўзбек оиласига хос бўлган никоҳ ва оила муносабатлари-никоҳдан қониқиш, никоҳ мотивлари, оила қуришнинг ўзбекларга хос бўлган ёш хусусиятлари, ёш ўзбек оилаларидаги психологик можаролар ва ажралишларнинг сабабларини систематик тарзда ўрганган илмий ишидир. Бу тадқиқотда илгари ҳеч ўрганилмаган илмий маълумотлар тўпландики, уларга кўра, ўзбек оиласининг қурилишига сабаб бўладиган асосий мотив – бу “Фарзандли бўлиш”, (биринчи ўринда), иккинчи ўринда “Жамоатчиликнинг гап-сўзига қолмаслик”, учинчи ўринда “Ота-она ва қавми-қариндошларнинг истакларини бажо этиш” ва ҳоказолар аниқланди. Н.Соғиновнинг тўплаган маълумотлари ёш оилалар, можароли оилалар ва ёшлар тарбияси билан машғул бўлганлар учун муҳим илмий йўл-йўриқдир. Бу каби изланишлар кейинчалик М. Утепбергенов, М. Душанов ишларида давом эттирилди. Уларда оила ва никоҳ муносабатлари қорақалпоғистонликлар ва қирғиз оилалари мисолида ўрганилди.

Охирги 10-20 йил оралиғида Ўзбекистонда ижтимоий тасаввурлар концепцияси доирасида ўтказилаётган тадқиқотлар (В. Каримова, К. Раҳимова, З. Нишонова, М. Умарова, О. Ҳайитов, Г. Ядгарова, Л. Каримова, К. Фарфиева, Ш. Эшметов, Н. Лутфуллаева, О. Қодирова ва бошқалар) айни шу йўналишнинг истиқболли эканлигини, шахс ва жамият ўртасидаги мураккаб ва серқиррали муносабатларнинг ижтимоий ҳулқда намоён

бўлиши механизмини тушунтиришда назарий-методологик асоснинг мавжудлигини исботлади.

Кейинги янги даврда гендер тенглик масаласи, хотин-қизларнинг давлат ва жамият қурилишидаги ролини оширишга бағишланган қатор тадқиқотларга ёш психолог олимларнинг қўшилиши ушбу йўналишнинг ҳам истиқболли эканлигини кўрсатмоқда. Давр талабидан келиб чиқаётган бу вазифа ўзбек психологлари олдига қатор муаммоларни қўйиш билан биргаликда улардан гендер муаммолари, жинсий тафовутлар масаласига илмий жиҳатдан ёндашишни тақозо этади. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, ўғил ва қизларнинг ижтимоий тасаввурларида жинсий тафовутларга оид тушунча, билим ва кўникмалар, стереотиплар энг аввало оилада шаклланади. Шунинг учун ҳам оила психологияси доирасида айнан жинсий тафовутлар ва гендер муаммолари ўрганилиши ва амалиётда қандай эканлиги тадқиқ этилиши керак.

Аввало шунини таъкидлаш жоизки, *гендер психологияси* – ижтимоий психология фанининг бир соҳасидир. Бошқа соҳалар сингари у ҳам ўз тарихига эга. Аммо бу тарихни ХХ асрнинг 70-йилларидан бошлаб ўрганиш ноўрин деб ҳисоблаймиз. Бундан ташқари, уни фемизм меваси дейиш ҳам нотўғри. Бироқ фаннинг асосий хизмати замонавий психологик муаммоларга жамоатчилик фикрининг жалб қилиниши ҳисобланади.

Ўзбекистонда ҳам гендер масаласи кўпинча оила муаммолари доирасида ўрганилиши анъанага айланган. Қатор тадқиқотларда (*Э.Ғозиев, Ғ.Шоумаров, В.Каримова, И.Ёқубов, Б.Қодиров, С.Мирҳосилов, Э.Усмонов, Н.Соғинов, Ф.Акрамова, Л.Каримова, О. Хайитов, Н.Салаева, О.Шамиева, О.Абдусатторова* ва б-қ.) оилавий ҳамда шахслараро ўзаро муносабатларга эътибор қаратилган.

Муаллифнингнинг оила ва оилавий муносабатларнинг ижтимоий-психологик омиллари ва оқибатларига бағишланган асарларида оилада ёшларни гендер муносабатларга тайёрлаш муаммоларига⁵, гендер тасаввурларнинг шахс тарбиясидаги ўрни (2006) каби масалаларда эътибор қаратилган. Бизнинг охириги тадқиқотларимизда⁶ эр-хотин ва оиладаги сиблинг муносабатларнинг бола шахсига таъсири, жумладан, эркаклик ва аёллик фазилатлари шаклланишидаги ўрни ўрганилган, илмий хулосалар чиқарилган.

Бу каби ота-она муносабатларининг фарзандларга таъсири муаммоси *М.Салаева* (2005) тадқиқотларининг ҳам предметиға айланган. Жумладан, у қўлга киритган хулосалардан бири, “ўзбек оилаларида оналарнинг оталарга нисбатан фарзандларга ўта ғамхўрлиги, яъни, уларни қийинчиликлардан сақлаш, зиён етказиб қўйишдан қўрқиш, фарзанднинг

⁵*Каримова В.* Оилада ёшларни гендер муносабатларга тайёрлаш муаммолари // “Ёшлар муаммолари ва уларнинг ечими: ҳолат ва истиқбол” мавзусидаги Респ. илмий-амалий анжумани материаллари – Т.: 2002. – Б. 30-33.

⁶*Каримова В.* Оилавий ҳаёт психологияси: Ўқув қўлланма. – Т.: 2006. – 142 б.

ўзига боғланганлиги ва тобелигини рағбатлантириш, уларда шахвонийлик ва тажовужкорликни босиш каби хусусиятларнинг кучлиги, оналарда оталарга нисбатан демократиклиқнинг кучлилиги исботланган”⁷.

Гендер тафовутларга бағишланган айрим тадқиқотлар рекламадаги аёллар ва эркеклар образи (*А.Дударева, 2003*), ўғил ва қиз болаларнинг образидан фойдаланиш самараси (*В.Каримова, 2006, С.Абидов, 2006*), эр ва хотинларнинг реклама қилинган маҳсулотларга жинсга оид ўзига хос муносабатлари (*Л.Каримова, 2003, 2004*) каби масалаларга бағишланган. Ўтказилган тадқиқотлар ва олинган эмпирик маълумотлардан шундай хулоса қилиш мумкинки, реклама соҳасида катталар ва болалар образидан кенг фойдаланилади, лекин уларни идрок қилиш ва харидорлик установакаларида аниқ равшан жинсий тафовутлар мавжуддир (*В.Каримова, С.Абидов, 2005, 2006*). Айниқса, бола образи акс эттирилган рекламанинг қизлар ва ўғил болалардаги жинсий идентификацияга бевосита таъсири алоҳида ўрганилса, бизнинг фикримизча, маълумотларнинг тадбиқий аҳамияти янада кучли бўлар эди.

Л. И. Каримованинг юртимизда ўтказган тадқиқотларида ёшларнинг реклама маҳсулотларининг истеъмолчиси сифатидаги ижтимоий тасаввурлари ўрганилган. Масалан, у ўз тадқиқоти мобайнида 50 та эр-хотинлар жуфтлиги ўртасида сўров ўтказиб, замонавий оилада кўпчилигина масалаларда хотин-қизларнинг фикри етакчи эканлигини аниқлаган (*Л.Каримова, 2004*). Масалан, “Оилангизда ким пул маблағларини тақсимлайди?” деб берилган саволга эркекларнинг 73%и ва аёлларнинг 51% “мен ўзим” деган жавобни беришган. Лекин “Қунига уй учун бирор нарса харид қилишга тахминан қанча вақт сарфлайсиз?” деган саволга эса, эркекларнинг 69 фоизи “билмайман” жавобини берган бўлса, аёлларнинг 71 фоизи - “бир соатгача”, 7 фоизи - 2 соатдан ортиқ вақт ажратишларини қайд этишган. “Реклама қилинган хўжалик молларининг сотиб оласизми?” деб берилган саволга 14 фоиз эркеклар ва 32 фоиз аёллар ижобий жавоб бергани ҳолда, 58% эркеклар “йўқ” жавобини берганлар. Шундан тадқиқотчи уларнинг реклама қилинаётган маҳсулотларга ишончини аниқлаганда, эркекларнинг 45 фоизи ва аёлларнинг 48 фоизи ишонини қайд этганлар. Демак, реклама қилинаётган маҳсулотлар дунёсида хотин-қизларнинг фаоллиги бугунги кунда эркекларникидан анча юқори. Демак, замонавий оила бекалари оилавий даромаднинг тақсимоти ва уни нимага ишлатиш масалаларида ҳам етакчиликка даъво қиладилар. Чунки уй бекалари уй юмушларини бажаришда кўпроқ хўжалик молларидан фойдаланади, фарзандларини ювиб-тараш ва уларни боғча ёки мактабига зарур бўлган нарсаларни ҳам яхшироқ билгани сабабли, реклама қилинаётган товарларнинг энг яхшисини ва арзонини харид қилиш тарафдори ҳам бўлиб

⁷*Салаева М. Ўзбек оилаларида ота-она ва фарзандлар ўзаро муносабатларининг ижтимоий психологик хусусиятлари: Психол.ф. н. даражасини олиш учун ёзилган дис. автореф. – Т.: 2005. – Б. 18.*

боради. Бу ҳолатни миллий реклама компаниялари инобатга олишлари керак.

Шу каби Ўзбекистонда муайян ижтимоий-психологик муаммо тадқиқ этилганда, гендер тафовутларга эътибор бериш тобора анъанага айланиб бормокда. Масалан, ёш тадқиқотчи *О.Абдусатторова* (2007)нинг диссертацион изланиши бу борада алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, унда ўсмир ёшли ўғил ва қиз болалардаги гендер тасаввурларга боғлиқ жинсий идентификацияни аниқлаш ва бунда оила муҳитининг ролини асослаш учун ижтимоий психологияда қўлланилган қатор ишончли методикалардан фойдаланилган. Алоҳида таъкидлаш жоизки, ота-оналар ўртасидаги ўтказилган тест ва сўровлар уларнинг гендер установакаларини ва лидерлик мақомларини аниқлашга имкон берган бўлса, фарзандлари ўртасида олиб борилган эмпирик тадқиқот оталик ва оналик гендер мақомларининг қизлар ва ўғил болаларда ўзига хос установака шаклида идентификацион жараёнлар йўналишини белгилашини исбот қилди. Замонавий ўзбек оиласидаги эркаклар ва аёлларнинг ўзаро муносабатларида аёллар мавқеининг мустаҳкамланиб бораётганлиги, уларнинг лидерлик позицияларида ҳамда турмуш ўртоқларини ҳамкор ва шерикчилик муносабатлари тизимида кўришни афзал кўришларида намоён бўлди. Шу сабабли ҳам бу ҳолат уларнинг ўз жинсларини ва турмуш ўртоғидаги қарама-қарши жинсга нисбатан установакаларини белгилайди. Тадқиқот замонавий эркаклар ва хотин-қизларнинг аёллик ва эркаклик образларида фемининлик ҳамда соф маскулинлик сифатлари кўпроқ андрогинлик сифатларига ўрин бераётганлигини, қизларда маскулинлик сифатлари ҳам тобора сезиларлироқ намоён бўлаётганлигини кўрсатди.

Шундай қилиб, юртимизда гендер тадқиқотлари учун кенг йўл очилган ва уларда оила ва оилага нисбатан ижтимоий установака устивор масала сифатида қаралади.

Лекин Ўзбекистонда ижтимоий психологлар олдида жуда муҳим тадқиқот мавзулари мавжудки, уларда ҳозирги мустақиллик шароитида шахс ва турли ижтимоий гуруҳлар психологиясида рўй бераётган ўзгаришлар, турли ёш, демографик, этник, профессионал гуруҳларга мансуб бўлган кишиларнинг ижтимоий тасаввурлари, улар асосида ижтимоий хулқ-атвори илмий бошқариш асослари ишлаб чиқилмоғи лозим. Яъни, ишлаб чиқариш ижтимоий психологияси, бошқариш психологияси, гуруҳлар психологияси ҳамда оммавий психик жараёнларнинг таъсири масалалари ўзбек психологларидан ўз ечимини кутмоқдаки, уларда илғор фан ютуқларидан фойдаланилган ҳолда худуднинг миллий ўзига хос қирралари ишлаб чиқилиши керак.

3-боб. Ижтимоий психологиянинг методлари

3.1. Асосий методларнинг қисқача тавсифи

Ҳар бир алоҳида фанда бўлгани сингари ижтимоий психологиянинг ўз методлари ва уларни қўллаш воситалари мавжуд. Тўғри, уларнинг аксарияти психология ва социология фанларида қўлланиладиган усулларга яқин, лекин фаннинг предметидаги ўзига хосликни ҳисобга олган ҳолда уларни ишлатиш йўллари ва маълумотларни илмий жиҳатдан таҳлил қилишда фарқлар мавжуд.

Масалан, умумий психологияда бўлгани каби ижтимоий психологияда ҳам **кузатиш методи** қўлланилади, лекин кузатув объекти конкрет шахсдаги психик фаолият эмас, балки шахснинг ижтимоий муносабатлар тизимида бевосита кузатиш мумкин бўлган ижтимоий хулқидир. Яъни, кузатувчи аниқ олдиндан белгиланган режа асосида ўзи ўрганаётган гуруҳнинг фаолиятини, вербал ва новербал хатти-ҳаракатларни маълум вақт бирлигида муттасил кузатиб, олинган маълумотларни қайд этиб боради. Бунда замонавий аудио ва видеотехникадан фойдаланиш, у ёки бу ҳаракатларни қайта-қайта кўриш орқали керакли хулосаларни чиқариши мумкин. Айниқса, ҳозирда фан ва технологиялар, мобил алоқа воситалари кенг қулоч ёзган шароитда турли ижтимоий вазиятларда одамлар хулқ-атворини кузатиш ва қайд этиш унчалик қийин иш эмас. Рақамли ёзиш воситаларининг кўплиги эса кузатиш объектларини компьютер тарқоғига тушириш ва хатти-ҳаракатни бир неча таҳлилчилар ҳукмига ҳавола этиш имконияти ҳам мавжуд. Ижтимоий психологияда қўлланиладиган кузатиш методининг асосан уч шакли мавжуд:

а) **“қўшилиб кузатиш”** – бунда тадқиқотчи кузатилувчилар фаолиятига бевосита аралашиб, улар билан керак бўлса, яшайди ва ишлайди. Бу усулдаги энг муҳим хусусият унинг табиийлиги бўлиб, кузатиш объектлари ўзларининг кузатилаётганликларини сезмайдилар ва кузатувчини гуруҳнинг аъзоси сифатида қабул қиладилар. Ушбу шартнинг бузилиши экспериментнинг самарасиз бўлишига олиб келиши мумкин.

б) **“ташқи кузатиш”** - кузатилувчилар фаолиятига аралашмаган ҳолда улар ташқи хулқ-атворини қайд қилишдир. Бу усул муайян вақт ва сабр-тоқат талаб қилиши билан бошқа методлардан фарқ қилади, баъзида қисқа муддат ичида тадқиқотчи ўзини қизиқтираётган предмет хусусида ҳеч нарса қайд қила олмаслиги ёки тасодифан қўлга киритилган маълумот асосида хулоса чиқаришга мажбур бўлиши мумкин. Шунинг учун ҳам бу усул бошқа усулларга қўшимча восита сифатида ишлатилади. Масалан, кузатувчи ролида ўқитувчи бўладиган бўлса, у сифндаги етакчилар ёки гуруҳ фаолиятига қўшила олмаётган, доимо бегонасирайдиган болаларнинг хулқ-атворини ташқи кузатиш орқали муттасил ўрганиб боради.

в) **“муҳим вазиятларни қайд этиш” усули**да кузатишнинг моҳияти шундаки, алоҳида шахс ёки гуруҳ кутилмаган, тасодифий вазиятга солинади, ва уларнинг вазиятга муносабати, ўзини тутиши, зиддиятли ва қийин ҳолатлардан чиқиш йўллари кузатилади. Масалан, гуруҳни атайлаб

олдиндан тузилган сценарий ёрдамида мунозарали вазиятга солиш ва унда хар бир гуруҳ аъзосини ўзини қандай тутиши ва баён этган фикрларини зикр этиш бунга ёрқин мисолдир.

Агар кузатиш методи ижтимоий психологияга умумий психологиядан ўтган усул бўлса, **хужжатларни таҳлил қилиш** усули социологиядан кириб келгандир. Бу усул ижтимоий фаолиятнинг маҳсулини ўрганишга қаратилган бўлиб, тўпланган маълумотларнинг ишончилиги, математика ва статистика услублари ёрдамида қайта ишлаш имкониятининг мавжудлиги сабабли маълум афзалликларга эга. Бу усулнинг яна бир номи **контент-таҳлил** бўлиб, таҳлил қилинадиган хужжатлар тоифасига асосан оғзаки (сўзланган нутқ матнлари, суҳбатларнинг ёзиб олинган қисмлари, бевосита мулоқот жараёнида қайд этилган манбалар) ёки ёзма (расмий хужжатлар, газета-журналлардаги мақолалар, хатлар, маънавий-маърифий адабиётлар матнлари ва шунга ўхшаш) ҳолда тавсия этилган маълумотлар киради.

Контент-таҳлилни қўллашда тадқиқотчи олдида турган асосий муаммо – бу текширув бирликларининг бўлиши, категорияларни аниқлашдир. Кўплаб тадқиқотчилар фикрларини умумлаштирган ҳолда таҳлил қилиш учун унинг бирликлари қуйидагилар бўлиши мумкин, деб ҳисоблаймиз:

а) алоҳида иборалар ёки сўзларда билдирилган тушунчалар (масалан, демократия, фаоллик, ташаббус, ҳамкорлик ва ҳоказо)

б) яхлит абзацлар, матнлар, мақолалар ва шунга ўхшашларда кўтарилган мавзулар (масалан, миллатлараро муносабатлар мавзуси, инсонлардаги миллий қадриятлар, ёшлар маънавияти мавзуси ва ҳоказо)

в) тарихий алломалар, сиёсатшунослар, таниқли шахсларнинг номлари (масалан, Фидокорлар миллий-демократик партияси лидерларининг вақтли оммавий ахборот воситаларида чиқишларини таҳлил этиш, конкрет тарихий шахснинг тарихдаги ўрнини аниқлаш, масалан, Амир Темурнинг шахс сифатидаги образини ўрганишда ва х-зо);

г) ижтимоий ҳодиса, расмий хужжат, бирор аниқ факт, асар (масалан, оилавий можаролар, Ўзбекистон Конституциясининг муҳокамаси, янги ёзилган асарга ўқувчиларнинг муносабати ва шунга ўхшаш).

Яхши ўтказилган контент таҳлил – аслида ижтимоий психологик тадқиқотларда жуда муҳим аҳамиятга эга. Лекин олинган маълумотларнинг ишончилиги шу борада илгари ишлаган шахслар – экспертлар баҳоси, айти шу фактни текшириш учун бошқа методларни ҳам қўллаш ва маълумотларни солиштириш ҳамда айти объектни айти вазиятда қайта таҳлил қилиш йўллари билан эришилади. Тўпланган миқдорий маълумотлар математик статистика методлари ёрдамида қайта ишловдан ўтказилмоғи лозим. Контент – таҳлил тадқиқотчидан каттагина уқувни талаб қилади, чунки бир томондан у ёки бу матнни тушунишнинг маҳорати бўлиши керак, иккинчидан, тадқиқот сўнгида қўлга киритилган миқдорий

натижаларни яна қайта сифат шаклига келтириш ва тушунтириб бериш лозим.

Сўров методлари. Сўров методлари ижтимоий психологик тадқиқотларда кенг қўлланилади, айниқса, анкета сўрови ва интервью шулар жумласидандир. Бу методларни қўллашда қатор методологик қийинчиликлар вужудга келади, биринчидан, доим шахслараро муносабатлар, ўзаро таъсир шакллари мавжуд, иккинчидан, тадқиқотчининг субъектив муносабатларини ҳам инкор қилиб бўлмайди. Тадқиқот мобайнида шахслараро идрок қилиш ва субъектив бир-бирини тушунишга қаратилган барча қонуниятлар ишлайди. Шунга қарамай, жуда кўп ижтимоий психологик маълумотларни тўплашда сўров методлари энг қулай усуллар сифатида ишлатиб келинмоқда.

Интервью ўтказиш учун одам махсус равишда тайёргарлик кўриши керак, чунки у тадқиқотчидан қатор муҳим шахс сифатларининг бўлишини талаб қилади. Шунинг учун ҳам ижтимоий психологияда “ролли ўйинлар” методи ёрдамида психолог ёки социолог махсус тайёргарлик курсидан ўтади, турли вазиятларда турли тоифали иноснлар билан интервью ўтказиш орқали, ўз малакасини оширади.

Анкета методи ҳаммага таниш бўлган усуллардан бири. Лекин кўпинча анкетани ўтказган одам унинг тузилиши қанчалик қийинлигини ёки олинган маълумотларни қайта ишлаш, уларни тўғри шарҳлаш нақадар мушкул эканлигини тасаввур қилмайди. Анкетага киритилган саволлар маълумотига кўра *анкета очик ва ёпиқ* турларга бўлинади. Очик анкета респондентдан ўз фикрини эркин баён этишни талаб қилади, ёпиқ шаклдаги анкета саволларининг эса жавоблари олдиндан берилган бўлиб, текширилувчи ўзига маъқул бўлган, ўзининг қарашлари, фикрлари билан мос келган жавобни белгилаб беради. Очик саволларнинг камчилиги – респондентларнинг ҳар доим ҳам қўйилган вазифага етарли даражада масъулият билан қарамасликлари ҳамда берилган жавобларни статистик жиҳатдан ишлов беришдаги қийинчиликлар бўлса, ёпиқ анкетада респондентга текширилувчи (томонидан ўз) фикрига эргашишга ўхшаш ҳолатнинг мавжудлиги ёки ҳар доим ҳам ҳамма саволнинг барча жавоб вариантларини топиб билмасликдандир. Шундай ҳолатларда респондент ё умуман жавоб бермаслиги ёки “таваккал” қилиб бир вариантни белгилаб бериши мумкин. Шунинг учун ҳам кейинги пайтларда ярим ёпиқ саволлардан иборат анкеталар тузилмоқдаки, уларда жавоб вариантларидан ташқари қўшимча тарзда фикр билдириш учун қўшимча қаторлар бериллади.

Анкетага киритилган саволлар тўғридан-тўғри берилиши мумкин. Масалан, “...хусусида Сизнинг фикрингиз?”, “...эканлигини биласизми?”, “Сизга маъқулми?” ва шунга ўхшаш. Лекин саволлар билвосита берилса ҳам у яхши қабул қилинади. Масалан, “Баъзи одамлар..., деб ҳисоблайдилар. Сизчи?” ёки оилавий даромад тадқиқотчини қизиқтирганда

тўғридан-тўғри “Даромадингиз қанча?” демасдан, балки уй-рўзгор буюмлари рўйхати ва бошқа пул билан боғлиқ нарсаларнинг бор ёки йўқлигини сўраш йўли билан ҳам ўрганиш мумкин. Кўпгина тадқиқотларда текширилувчиларга “проектив” саволлар ҳам берилади. Бунда шахсга бир қанча ҳаётий вазифалар у ёки бу хулқ-атвор шакллари таклиф қилиниб, улар ичидан ўзига маъқул, у маъқуллаши мумкин бўлган жавобни танлаш топширилади.

Ижтимоий психологик тестлар. Тестлар психологиянинг махсус усулидир. Улар қисқа синов усули бўлиб, у ёки бу ижтимоий психологик ходиса қисқа муддат ичида бир техник восита сифатида унинг ёрдамида текширилади. Тестлар асримизнинг бошида кашф қилинган бўлиб, улар 20-30-йилларда ҳаётга, амалиётга шунчалик шиддат билан кириб келдики, натижада махсус соҳа - **психометрика** юзага келди. Тестларни қўллашнинг қулайлик томони шундаки, бир тест ёрдамида маълум объектнинг у ёки бу хусусиятини бир неча марта, такрор-такрор синаб кўриш мумкин. Лекин уларни универсал деб бўлмайди, чунки у ёки бу тест муайян турдаги объектда синалган бўлса, уни шунга ўхшаш объектлардагина қўллаш мумкин, холос, қолаверса, ундан олинган маълумотлар нисбий хусусият касб этади.

Ижтимоий психологик эксперимент. Ижтимоий психологик эксперимент – бу ижтимоий ходисаларни ўрганиш мақсадида текширувчи билан текширилувчи ўртасидаги мақсадга йўналтирилган мулоқотдир. Бундай мулоқотнинг юзага келиши учун экспериментатор, яъни текширувчи махсус шароит яратади ва ана шу шароитда аниқ режа асосида фактлар тўплайди. Умумий психологияда бўлгани сингари, ижтимоий психологияда ҳам унинг табиий ва лаборатория турлари фарқланади.

Лаборатория эксперименти одатда махсус шароитларда, алоҳида хоналарда, зарур асбоб-ускуналар ёрдамида ўтказилади. Чет элларда биринчи марта лаборатория шароитида ижтимоий психологик ходисаларни, хусусан, якка тартибда ва гуруҳ шароитида шахсдаги билиш жараёнлари, тафаккур, сезгирлик ва бошқа қатор жараёнларнинг намаён бўлишини Г.Оллпорт, В.Меде, Майер, К.Левин ва бошқалар ўрганган бўлса, Россияда биринчи лаборатория шароитида ижтимоий психологик тадқиқотни рус олими В.М.Бехтерев ўтказган эди. У махсус асбоблар ёрдамида идрокнинг аниқлигини, хотиранинг сифатини, кузатувчанлик хусусиятларини якка ҳолда ва гуруҳий шароитида солиштириб ўрганиш ҳамда гуруҳнинг борлиги ҳар бир унинг аъзоси психикасига бевосита таъсир этишини исбот қилди.

Лаборатория эксперименти кейинчалик Б.Г.Ананьев, Е.С.Кузьмин, В.С.Мерлин, В.Н.Мясищев, Л.И.Уманский кабилар томонидан янги қирралари ишлаб чиқилди ва ижтимоий психологияда аппаратура услуги кенг қўлланила бошланди. Масалан, инглиз олими Р.Эшби томонидан кашф қилинган, кейинчалик Ф.Д.Горбов ва бошқалар томонидан

такимлаштирилган гомеостат методи, Л.И.Уманский томонидан яратилган гуруҳ учун интеграторлар пайдо бўлди ва амалиётда бир гуруҳ доирасида рўй берадиган ҳодисаларни, хусусан, гуруҳдаги бирдамлик, ўзаро мослик, лидерлик каби ҳодисаларни текширишдан кенг фойдаланила борилди.

Проектив методлар. Улар тест усулларнинг бир кўриниши ҳисобланиб, уларда текширилувчига аниқ тизимга ёки кўринишга эга бўлмаган ноаниқ нарсалар тавсия этилади ва уларни шарҳлаш топшириғи берилади. Бинобарин, текширилувчига турлича талқин қилиш мумкин бўлган расмлар, тугалланмаган ҳикоялар, бирор аниқ кўриниши мавжуд эмас буюмлар, ёғочлар берилиши, ёки уларга қараб текширилувчи ўзининг ҳиссий кечинмалари, қизиқишлари, дунёқараши нуқтаи назаридан баҳолаши кутилади.

Проектив усуллар қаторига машҳур “Роршахнинг сиёҳ доғлари” тестини киритиш мумкин (1921 й.). Бу – икки томонлама симметрик шаклда берилган 10 хил доғлардан иборат бўлиб, ҳар бир доғ ҳар хил бўёқли фонда кўрсатилади. Текширилувчидан ҳар бир “доғ” ниманинг шаклини эслатиши сўралади. Унинг оғзидан чиққан сўзлар, ассоциацияларга қараб (уларни контент-таҳлил қилиб), шахс хусусиятлари юзасидан хулоса чиқарилади.

Яна бир проектив усул – бу С.Розенцвейгнинг расмли ассоциацияларидир. Бунда турмушда тез-тез учраб турадиган зиддиятли вазиятларни акс эттирган расмлар текширилувчига тавсия қилинади. Бу расмларда бир томонда турган персонажлар нималарнидир гапираётган ҳолда гавдалантирилади, унга қарама-қарши томондаги шахс эса ҳали жавоб қайтариб улгурмаган, текширилувчидан текширувчи тез, қисқа муддат ичида бўш катакларга қайтарилиши кутилаётган жавобни ёзишни сўрайди. Берилган жавобларга қараб шахснинг йўналиши, унинг зиддиятларга муносабати, жаҳолат ҳиссининг хусусиятлари, бу ҳиснинг кимларга қаратилганлиги ва шунга ўхшаш муҳим фактлар тўпланади.

Шундай қилиб, биз ижтимоий психологияда анъанавий қўлланиб келинаётган асосий методларга тўхталиб ўтдик. Лекин ҳозирги даврда ҳаёт фандан татбиқий хусусиятга эга бўлишини талаб қилаётганлиги туфайли бу қаторга бир туркум методларни киритиш лозимки, улар ижтимоий психологиядаги **фаол тайёргарлик методлари** деб аталади. Уларга ижтимоий психологик тренингнинг барча шакллари киритилади. Улар ўз моҳиятига кўра, шахс ва гуруҳнинг маълум сифатларини шакллантирувчи экспериментни эслатади. Лекин уларнинг фаол методлар тоифасига киритилишига асосий сабаб – бу усуллар ёрдамида қисқа фурсатда бевосита мулоқот шароитида кутилаётган самарага эришилишидир. Яъни, таҳлил қилиб чиқилган методлардан фарқли ўларок, фаол ижтимоий психологик методлар шахсда ёки гуруҳда шаклланган хусусиятларни қайд қилиш эмас, балки таркиб топтириш лозим хислатларни амалиётчи

психолог ёки ижтимоий ходимнинг фаол аралашуви орқали ҳосил қилишга қаратилгандир.

3.2. Этнопсихологик тадқиқотларда ишлатиладиган методлар ва уларга қўйиладиган методологик талаблар

Миллатлараро муносабатлар тобора яхшиланиб бораётган, ОАВ орқали дунёнинг қайси четидан бўлмасин у ёки бу халққа оид маълумотларга эга бўлиш жуду осон бўлиб қолган бир шароитда турли миллат ва халқларнинг психологиясини ўрганиш, миллаталараро қиёсий тажрибалар ўтказиш фан манфаатларига тўғри келади. Шу боис ҳам олимлар ижтимоий психологиянинг қайси муаммоси бўлмасин, уни у ёки бу ижтимоий-сиёсий, миллий-маданий муҳит нуктаи назаридан ўрганишни афзал кўрадилар. Бу этнопсихологик тадқиқотларда репрезентатив, ишончли методлар масаласини долзарб этади.

Чет элларда ва мамлакатимизда амалга оширилга илмий ишларни таҳлил қилар эканмиз, этнопсихологик тадқиқотларда хилма-хил услуб ва методлар қўлланилганининг гувоҳи бўламиз. Чунки бундай тадқиқотларда шахс хусусиятларини ўрганувчи турлича тестлардан тортиб, проектив методлар, экспрементларнинг турлича кўринишлари, сўроқ методлари-анкета, интервью, социометрия, шакл методлари ва бошқалар ишлатилади. Бу методлар ҳозирги кунларда ҳам “маданий муҳит ва шахс”, гуруҳлараро муносабатлар ҳамда қиёсий тадқиқотларда қўлланилмоқда. Бундай ишларни фақатгина ижтимоий психологлар эмас, балки умумий психология билан шуғуланувчи олимлар ҳам ўтказмоқдалар. Лекин шундай бўлишига қарамай, этнопсихологик методларнинг танқислиги кун сайин сезилмоқда. Чунки этнопсихология муоммоси билан шуғуланишни мақсад қилиб қўйган ҳар бир тадқиқотчи ё мавжуд методикалардан бирини қайта ўзгартиришга, ёки бўлмаса, ўзича янги методни кашф қилишга мажбур бўлмоқда. Ниҳоят, этнопсихологик методларни қўллашнинг ноқулайлиги шундаки, масалан, Америкада жуда яхши натижа бериб, ишончи маълумотлар тўпланган методика Осие мамлакатлари ёки бизнинг республикамиз шароитида умуман ҳеч нарсани ўлчамаслиги, аниқламаслиги мумкин. Масалан, Равеннинг матрик тести ва муҳит таъсирлари дахлсиз, деб ҳисобланган Кеттеллнинг интеллект тести ҳам барибир, қисман бўлсада, муҳит шароитларини ҳисобга олишни талаб қиладики, қолаверса уларни шарҳлар масаласида алоҳида эҳтиёткорлик зарур. Шунинг учун ҳам ҳозирда бутун жаҳон олимлари ҳар қандай маданий муҳитдан ҳам юқори турадиган, универсал тест ёки методика яратиш фикрининг асосизлиги ҳақида умумий фикр билдирмоқдалар.

Этнопсихологик тадқиқотлар ўтказишни мақсад қилиб қўйган ҳар қандай тадқиқотчи асосий принциплар сифатида маданий муҳит шароитларининг хилма-хиллиги ва уларнинг ўзаро бир – бирларига таъсир

кўрсатишини инобатга олмоғи зарур. Бу нарса этнопсихологик тадқиқот дастурини тузишда албатта ҳисобга олиниш керак. Мисол учун, Ўзбекистон шароитида тадқиқот ўтказилмоқчи бўлинса, қуйидаги нарсаларга эътиборни қаратиш лозим:

1) шу ҳудуд шароитида яшовчи барча миллатларга хос бўлган умумий психологик омиллар ва уларни аниқлаш усуллари;

2) фақат ўзбек миллатига хос бўлган психологик сифатлар ва омилларни аниқлаш;

3) аниқланган омилларни ёки психологик сифатларни ўлчайдиган ёки экспериментал усулда текширишга имкон берадиган методларни танлаш ва уларни конкрет шароитларга мослаш;

4) тадқиқотчилар гуруҳини текширалаётган миллий гуруҳ тилини, урф – одатини биладиган ходимлар билан таъминлаш. Чунки, тадқиқот объекти ҳисобланган гуруҳда ўша гуруҳ тилида тадқиқот ўтказиш керак, токи текширилувчиларга қўйилган ҳар бир талаб, савол ва топшириқлар улар учун тушунарли бўлсин.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, у ёки бу миллий гуруҳ психологиясини, ундаги этник стереотипларни текширишга қаратилган махсус методлар йўқ, шунинг учун ҳам тадқиқотлар мавжуд методлар орасидан керагини танлаб, уларни жой шароитларига мослаш керак бўлса, у тилдан бу тилга таржима қилиш керак. Таржима хусусида шуни айтиш керакки, махсус психологик тестлар ёки методларни (анкеталар, сўроқлар, шкалалар савлоллари) таржима қилиш таржимондан юксак билимдонлик ва профессионал сифатларни талаб қилади. Акс ҳолда, методика ўз қимматини йўқотиши ёки керакли сифатни аниқламаслиги ёки ўлчамаслиги мумкин. Ҳаттоки, новербал тестларни турли шароитларда қўллаб, олинган маълумотларни шархлаш босқичида унинг мазмуни ёки мақсади ўзгарганлиги кўплаб тадқиқотларда исботланган. Шунинг учун ҳам ҳар қандай методик услубни қўллашдан олдин уни кичикроқ гуруҳ доирасида синаб кўриш ва натижаларни экспертларга бериб ёки бошқа ёрдамчи методлар ёрдамида қайта синовдан ўтказиш йўли билан текшириб олиш мақсадга мувофиқдир.

Конкрет этнопсихологик тадқиқотларга қўйиладиган яна бир талаб - тадқиқотни табиий шароитларда, текширувчилар учун таниш бўлган жойларда қисқа кўрсатмалар бериш йўли билан ўтказишдир. Чунки этнопсихологик тадқиқотларда кўпинча турли ёш, касб ва маълумотга эга бўлган шахслар иштирок этадилар. Шунинг учун ҳам уларнинг барчаси учун тушунарли, аниқ топшириқлар тизимини туза олиш ҳам психологдан қатор профессионал малакаларни талаб қилади.

Бизнинг назаримизда, ҳозирги пайтда этнопсихологик муаммолар орасида энг муҳими у ёки бу миллат вакилларидаги этник стереотипларни тадқиқ қилишдир. Бунда қандай методлардан фойдаланиш мумкин? Рус

тадқиқотчиси Г.У. Кцоеванинг ёзишича, бу ерда тўрт гуруҳли методларни кўрсатиш мумкин:

1. **Шкалалар ўлчов методлари** – улар асосан миллат вакилларидаги турлича этник установакларни текширади. Масалан, Богардуснинг машҳур шкаласи: қиёсий фикрлаш йўли билан берилган жуфтликлар – установакларни ҳар бир текширилувчи томонидан аниқ баҳолашга асосланган. Ёки Лайкартнинг “баҳолашлар йиғиндиси” методи ҳам у ёки бу миллат вакилига хос установак – фикрларга текширилувчининг эътирози ёки эътирофини аниқлайди. Бу методлар бутун жаҳон миқёсида кўпгина тадқиқотларда ишлатилган ва жой шароитларга мослаштириш жиҳатидан рекорд кўйган десак бўлади.

2. **Кузатиш ва сўроқ методлари** – бунда ўша маданий муҳитга хос бўлган, унинг бевсоита бойликлари ҳисобланган моддий ва маънавий кадриятлар, маиший шароитлар, одатлар, анъаналар ва ҳоказолар ташқаридан ўрганилади. Сўроқ методлари ичида кўпроқ анкета усули қўлланилади, бунда ҳам миллат вакилининг турмуш тарзи, автобиографик маълумотлари аниқланиб, илмий хулосалар контент – анализ қилинади. Америкалик олимлар Д. Катц ва Брейлилар сўроқ методининг ўзига хос кўринишини этник стереотипларни аниқлашда ишлатишган. Масалан, улар кизиқтираётган масала бўйича имкони борича кўп жавоблар рўёхатини текширилувчига бериб, ундан шу жавоблар ичидан “ўзиникини” танлаб белгилашни сўрашган. Бундан ташқари, 84 хил сифатни ўз ичига олган рўйхатдан ўз миллатига ва бошқа миллатга хос бўлган 5 етакчи сифатни ажратиб бериш топшириғини беришган. Шу йўл билан этник стереотиплар аниқланган.

3. **Проектив методлар** – бу гуруҳга асосан Роршахнинг “сиёҳ доғлари” тести, тематик апперцепцион тест (ТАТ), бошланган жумлаларни тугатиш тести, фотосуратларни баҳолаш тести, Ловенфельднинг мозаикалари тести ва бошқалар киради. Мавҳум берилган топшириқларни бажариш сифати ва жавобларнинг йўналиши бўйича ҳам турли миллатларга оид стереотиплар ўрганилган.

4. **Шахснинг алоҳида сифатларини аниқлашга қаратилган тестлар**. Масалан, Г. Дейкер ва Н. Фрийдларнинг миллий характер хусусиятларини ўрганишга қаратилган тестлари. Улар асосан шахснинг таъсирчанлиги ва ҳиссий реакцияларини ўрганади. Бундан ташқари, шу гуруҳ тестларга алоҳида интеллектни текширувчи, маънавий дунёқарашни ўрганиш, адолат ҳиссини аниқлаш, бадиий дид тестлари ва бошқа тестлар киради. Айниқса, миллий стереотипларни аниқлашда миллатнинг тилини барча тилшунослик услублари билан ўрганиб чиқиш ҳам жуда қимматли маълумотлар тўплаш имконини беради. Чунки, тил у ёки бу миллат вакилининг ўзи мансуб миллатга хос миллий кадриятларни, стереотипларни ўзлаштиришда асосий восита ролини ўйнайди. Шунинг

учун ҳам этнопсихологик ўз тадқиқотларини тилшунос, этнограф , этнолог, социолог, тарихчилар ҳамкорлигида ўтказади.

Юқорида айтиб ўтилган методологик ва методик услублар миллий психологияни ўрганишда фақат асосийлари холос, чунки миллатнинг кўп қирралари психологик ҳолатини ўрганишда яна кўплаб усуллардан фойдаланиш мумкин, бу нарса тадқиқотнинг мақсадларига, тадқиқотчининг эса услубий тайёргарлик даражасига боғлиқдир. Нима бўлганда ҳам охириги йилларда Ўзбекистонда ўтказилаётган қатор илмий-тадқиқот ишларида энг аввало, айнан миллий-маданий муҳитимизга мос келадиган методикаларни ишлатиш, хорижликлар ишлаб чиққан методикаларни аввал миллий муҳитимизга мослаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунда ўша тест ёки методик услуб бир неча минг респондентларда қўлланиб кўрилади, олинган натижалар яна бир бошқа услуб ёрдамида олинган маъулмотлар билан экспертлар ёрдамида солиштирилади ва шундай сўнггина катта аудиторияларда қўллаш ва натижаларани шарҳлашга рухсат берилади. Бу ижтимоий психологик методикаларни қўллашда этика нормаларига риоя қилиш, демакдир.

4 – БОБ. Ижтимоий психология ўрганадиган асосий масалалар

4.1. Мулоқот ва шахслараро муносабатлар психологияси

4.1.1. Жамият ҳаётида Мулоқот одамлар амалга оширадиган мулоқотнинг тутган ўрни. фаолиятлар ичида етакчи ўринни эгаллаб, у **Мулоқот шакллари ва инсондаги энг муҳим эҳтиёжни** – жамиятда **босқичлари**

яшаш ва ўзини шахс деб ҳисоблаш билан боғлиқ эҳтиёжини қондиради. Шунинг учун ҳам унинг ҳар бир инсон учун аҳамияти каттадир.

Мулоқот – одамларнинг биргаликдаги фаолиятлари эҳтиёжларидан келиб чиқадиган турли фаолликлари мобайнида бир-бирлари билан ўзаро муносабатларга киришиш жараёнидир. Яъни, ҳар бир шахснинг жамиятда адо этадиган ишлари (меҳнат, ўқиш, ўйин, ижод қилиш ва бошқалар) ўзаро муносабат ва ўзаро таъсир шаклларини ўз ичига олади. Чунки ҳар қандай иш одамларнинг бир-бирлари билан тил топишишини, бир-бирларига турли хил маълумотларни узатишни, фикрлар алмашинуви каби мураккаб ҳамкорликни талаб қилади. Шунинг учун ҳам ҳар бир шахснинг жамиятда тутган ўрни, ишларининг муваффақияти, орттирган обрўси унинг мулоқотга кириша олиш қобилияти билан бевосита боғлиқдир.

Бир қарашда осонга ўхшаган шахслараро мулоқат жараёни аслида жуда мураккаб бўлиб, унга одам ҳаёти мобайнида ўрганиб боради. Мулоқотнинг психологик жиҳатдан мураккаб эканлиги ҳақида Б.Ф.Парыгин шундай ёзади: “Мулоқот шунчалик кўп қиррали жараёнки, унга бир вақтнинг ўзида қуйидагилар киради:

- а) индивидларнинг ўзаро таъсир жараёни;
- б) индивидлар ўртасидаги ахборот алмашинуви жараёни;
- в) бир шахснинг бошқа шахсга муносабати жараёни;
- г) бир кишининг бошқаларга таъсир кўрсатиш жараёни;
- д) бир-бирларига ҳамдардлик билдириш имконияти;
- е) шахсларнинг бир-бирларини тушуниши жараёни.

Мулоқотнинг турли шакллари ёки босқичлари мавжуд бўлиб, дастлабки босқич – одамнинг ўз-ўзи билан мулоқотидир. Т.Шибутани “Ижтимоий психология” дарслигида: “Агар одам озгина бўлса ҳам ўзини англаса, демак, у ўз-ўзига кўрсатмалар бера олади”- деб тўғри ёзган эди. Одамнинг ўз-ўзи билан мулоқоти аслида унинг бошқалар билан мулоқотининг характерини ва ҳажмини белгилайди. Агар одам ўз-ўзи билан ҳадеб мулоқот қилишни одат қилиб олиб, доимо жамиятдан ўзини четга тортиб, тортиниб юрса, демак, у бошқалар билан суҳбатлашишда, тил топишишда жиддий қийинчиликларни бошдан кечиради, дейиш

мумкин. Демак, ўзгалар билан мулоқот – мулоқотнинг иккинчи босқичи ва кўринишидир.

А.Н.Леонтьев ўзининг “Психика тараққиётидан очерклар” китобида мулоқотнинг учинчи шакли – авлодлар ўртасидаги мулоқотнинг аҳамияти тўғрисида шундай деб ёзади: “Агар барча катта авлод ўлиб кетганда, инсоният тури йўқ бўлиб кетмасди, лекин жамиятнинг тараққиёти анча орқага сурилибгина эмас, балки йўқолиб ҳам кетиши мумкин эди”. Ҳақиқатан ҳам, авлодлараро мулоқотнинг борлиги туфайли ҳар бир жамиятнинг ўз маданияти, маданий бойликлари, қадриятлари мавжуд бўладиги, бунинг аҳамиятини тушунган инсониятнинг энг илғор вакиллари уни доимо кейинги авлодлар учун сақлаб келадилар ҳамда таълим тарбия ва кундалик мулоқот жараёнида уни авлоддан-авлодга узатадилар.

Мулоқот мураккаб жараён бўлганлиги учун ҳам айрим олинган мулоқот шаклини таҳлил қилганимизда, унда жуда хилма-хил кўринишлар, жабҳалар ва қисмлар борлигини аниқлашимиз мумкин. Г.М.Андреева мулоқотнинг қуйидаги тузилишини таклиф этади:

1. **Мулоқотнинг коммуникатив томони** (яъни мулоқотга киришувчилар ўртасидаги маълумот ва ахборотлар алмашинуви жараёни).

2. **Мулоқотнинг интерактив томони** (яъни, мулоқотга киришувчи томонларнинг бир-бирларининг ижтимоий хулқ-атвориға таъсир кўрсатиш жараёни).

3. **Мулоқотнинг перцептив томони** (яъни, мулоқотга киришувчи томонларнинг бир-бирларини идрок этишлари ва тушунишлари билан боғлиқ бўлган мураккаб психологик жараён).

Бу тизимнинг ҳар бир томонини кейинги бўлимларда батафсил таҳлил этилади.

Кўпгина олимлар мулоқотнинг инсон ҳаётидаги аҳамиятига тўхталиб ўтар эканлар, унинг қатор вазифалари-функцияларини ажратадилар. Масалан, таниқли рус олими Б.Ф.Ломов унинг функцияларига қуйидагиларни киритади:

- а) маълумотлар алмашинуви функцияси;
- б) хулқ-атворни бошқариш функцияси;
- в) ҳиссиётлар алмашинуви.

Бу функциялар аслида Г.М.Андреева ажратган мулоқот жабҳалари-қисмларига ҳам мос келади, яъни ҳар бир мулоқот жараёнида Ломов қайд этган вазифаларни топиш мумкин.

Мулоқотнинг ҳаётимиздаги шакл ва кўринишларига келсак, унинг ҳар бир шахснинг ҳаётий вазиятларга мос келадиган, ўша вазиятлардан келиб чиқадиган кўринишлари ва турлари ҳақида гапириш мумкин. Лекин умумий ҳолда, ҳар қандай мулоқот ё *расмий ёки норасмий* тусда бўлади. Агар расмий мулоқот одамларнинг жамиятда бажарадиган расмий вазифалари ва хулқ-атвор нормаларидан келиб чиқса, масалан, раҳбарнинг ўз қўл остида ишлаётган ходимлар билан мулоқоти, профессорнинг талаба

билан мулоқоти, ўқитувчининг ўқувчиси билан муомаласи ва ҳоказо, норасмий мулоқат – бу одамнинг шахсий муносабатларига таянади ва унинг мазмуни ўша суҳбатдошларнинг фикр-ўйлари, ният-мақсадлари ва эмоционал муносабатлари билан белгиланади. Масалан, дўстлар суҳбати, поездда узоқ сафарга чиққан йўловчилар суҳбати, танаффус вақтида талабаларнинг спорт, мода, шахсий муносабатлар борасидаги мунозаралари норасмий муомала кўринишларидир. Одамларнинг асл табиатларига мос бўлгани учун ҳам норасмий мулоқот доимо уларнинг ҳаётида кўпроқ вақтини олади ва бунда улар чарчамайдилар. Лекин шуни таъкидлаш керакки, одамда ана шундай мулоқотга ҳам қобилиятлар керак, яъни, унинг қанчалик сергаплиги, очик кўнгиллилиги, суҳбатлашиш йўллари билиш, тил топишиш қобилияти, ўзгаларни тушуниши ва бошқа шахсий сифатлари кундалик мулоқотнинг самарасига бевосита таъсир кўрсатади. Шунинг учун ҳамма одам ҳам раҳбар бўлолмайди, айниқса, педагогик ишга ҳамма ҳам қўл уравермайди, чунки бунинг учун ундан ҳам расмий, ҳам норасмий мулоқот техникасидан хабардорлик талаб қилинади.

Мулоқот мавзуи ва йўналишига кўра:

а) *ижтимоий йўналтирилган* (кенг жамоатчиликка қаратилган ва жамият манфаатларидан келиб чиқадиган мулоқот, масалан, телебошловчининг томошабишларга мурожаати);

б) *гуруҳдаги фаолиятнинг предметида йўналтирилган* (ўзаро ҳамкорликдаги фаолиятни амалга ошириш мобайнидаги мулоқот – меҳнат, таълим жараёнидаги ёки конкрет топширикни бажариш жараёнида гуруҳ аъзоларининг мулоқоти);

в) *шахсий мулоқот* (бир шахснинг бошқа шахс билан ўз муаммоларини очиш мақсадида ўрнатган муносабатлари);

г) *педагогик мулоқот* (педагогик жараёнда иштирок этувчилар ўртасида амалга ошириладиган мураккаб ўзаро таъсир жараёни) турлари фарқланади.

Ҳар бир мулоқот турининг ўз қонун-қоидалари, таъсир усуллари ва йўл-йўриқлари борки, уларни билиш ҳар бир кишининг, айниқса, одамлар билан доимо мулоқотда бўладиганлар, жамоат ишларини бошқарувчиларнинг бурчидир.

Мулоқат жараёнининг мураккаб психологик табиатини билиш, турли шароитларда самарали муносабатлар ўрнатиш малакасини ошириш учун унинг таркибига кирувчи ҳар бир элемент ёки бўлақлар билан алоҳида танишиб чиқамиз.

4.1.2. Мулоқотнинг коммуникатив томони

Мулоқотнинг коммуникатив томони дейилганда, унинг шахслараро ахборотлар, билимлар, гоялар, фикрлар алмашинуви жараёни сифатидаги

вазифалари назарда тутилади. Бу жараённинг асосий воситаси бўлиб **тил** хизмат қилади. Тил шахслар ўртасида алоқа воситаси бўлиб, унинг ёрдамида кишилар билган маълумотлари, ахборотлар, ғоялар ва ҳоказоларни бир-бирларига етказадилар. Маълумки, алоқа воситаси сифатида нутқнинг асосан икки тури фарқланади: *ёзма нутқ ҳамда оғзаки нутқ.*

Оғзаки нутқнинг ўзи диалогик ва монологик турларга бўлинади. Диалогик нутқнинг мазмуни, унинг характери, давомийлиги мулоқотга киришган шахсларнинг шахсий қарашларига, қизиқишларига, бир-бирларига бўлган муносабатларига, мақсадларига бевосита боғлиқ бўлади. Шунинг учун ҳам ўқитувчи билан ўқувчининг, сиёсий раҳбарларнинг, дипломатларнинг, кўчада учрашиб қолган дугоналарнинг диалогик суҳбатлари бир-биридан фарқ қилади.

Монологик нутқ эса бир кишининг бошқа кишига ёки кишилар гуруҳига нисбатан мурожаати бўлиб, унинг психологик тузилиши, фикрларнинг мантиқан тугал бўлиши, гапираётган пайтда грамматик қонун-қоидаларга риоя қилиш кераклиги каби шартлари мавжуд. Масалан, маърузага тайёрланаётган талаба тайёргарлик пайтидан бошлаб, маъруза қилиб бўлгунга қадар, қатор ички руҳий кечинмаларни бошдан кечиради, унга кўп куч ва вақт сарфлайди. Диалогик нутққа нисбатан бу нутқ тури мураккаброқ ҳисобланади.

Одамлар мулоқот жараёнида сўзлардан ташқари турли хил ҳаракатлардан, қилиқлардан, ҳолатлардан, кулгу, оҳанглар ва бошқалардан ҳам фойдаланадилар. Қилиқлар, мимика, оҳанглар, тўхташлар (пауза), ҳиссий ҳолатлар, кулгу, йиғи, кўз қарашлар, юз ифодалари ва бошқалар ўзаро мулоқотнинг нутқсиз воситалари бўлиб, улар мулоқот жараёни янада кучайтириб, уни тўлдиради, баъзан эса нутқли мулоқотнинг ўрнини босади.

Буюк рус ёзувчиси Л.Толстой одамларда 97 хил кулгу тури ҳамда 85 хил кўз қарашлари тури борлигини кузатган. Г.М.Андреевнинг ёзишича, одам юз ифодалари, нигоҳларининг 2000 га яқин кўринишлари бор. Айниқса, биринчи бор учрашганда кўзлар тўкнашуви, нигоҳларнинг роли кейинги мулоқотнинг тақдирига кучли таъсир кўрсатиши махсус тадқиқотлар жараёнида ўрганилган. Буларнинг барчаси мулоқотнинг ҳиссий томондан бой, мазмундор бўлишини таъминлаб, одамларнинг бир-бирларини тушунишларига ёрдам беради. Мулоқотнинг новербал воситаларининг миллий ҳамда ҳудудий хусусиятлари борлигини ҳам алоҳида таъкидлаб ўтмоқ лозим. Масалан, ўзбек халқининг мулоқот жараёни бой, ўзаро муносабатларининг бевосита характери унда шундай воситаларнинг кўпроқ ишлатилиши билан боғлиқ. Болаларнинг ўз йиғиси билан онасига ўз ҳис-кечинмалари ҳамда хоҳишларини билдиришлари ҳам болаларнинг ёш хусусиятларига боғлиқ. Бошқа миллатлар маданиятига назар ташланадиган бўлса, уларда ҳам баъзи бир мулоқот воситаларининг

турли миллатларда турли мақсадларда ишлатилишининг гувоҳи бўлиш мумкин. Болгарлар агар бирон нарса бўйича фикрни тасдиқламоқчи бўлишса, бошларини у ёқ-бу ёққа чайқашар, инкор қилишмоқчи бўлса-чи, аксинча, бош силташар экан. Маълумки, ўзбеклар, руслар ва бир қатор бошқа миллатларда бунинг акси, “йўқ” дейиш ёки норозиликни билдириш учун бош сарак-сарак қилинади.

Новербал мулоқотда суҳбатдошларнинг фазовий жойлашувлари ҳам катта аҳамиятга эга. Масалан, аёллар кўпроқ ҳиссиётларга бой бўлганликлари сабабли, суҳбатлашаётганларида бир-бирларига яқин туриб гаплашадилар, эркаклар ўртасида эса доимо фазовий масофа бўлади. Олимларнинг аниқлашларича, болаларни одатдагидай орқам-кетин ўтказиб ўқитгандан кўра, уларни юзма-юз ўтказиб давра қилиб ўқитган маъқул эмиш, чунки бундай шароитда ўқувчиларда ҳам жавобгарлик ҳисси юқорироқ бўлар экан ҳамда эмоциялар алмашилиши учун ҳам гуруҳдаги психологик вазият ижобий бўлиб, болаларнинг предметга ва бир-бирларига муносабатлари анча яхши бўлар экан.

Демак, таълим-тарбия жараёнини ташкил этишда мулоқотнинг барча воситаларига, айниқса, нутққа эътибор бериш керак. Болаларни илк ёшлик чоғлариданоқ нутқ маданиятига ўргатиш, нутқини ўстириш чораларини кўриш керак. Педагог эса шундай нутқ маданиятига эга бўлиши керакки, у аввало унинг фаолиятини тўғри ташкил этишни таъминласин, қолаверса, болаларда нутқнинг ўсишига имконият берсин. Буюк педагогларимиздан В.А.Сухомлинский ҳам ўқитувчининг маданияти тўғрисида гапириб, бу маданиятнинг таркибий ва асосий қисми нутқ маданияти эканлигини бежиз таъкидламаган.

4.1.3. Мулоқот – интерактив ҳамкорлик сифатида

Мулоқотнинг бу хусусияти кишиларнинг мулоқат жараёнида биргаликдаги фаолиятда бир-бирларига амалий жиҳатдан бевосита таъсир этишларини таъминлайди. Шу туфайли одамлар ҳамкорликда ишлаш, бир-бирларига ёрдам бериш, бир-бирларидан ўрганиш, ҳаракатлар мувофиқлигига эришиш каби қатор қобилиятларини намоён қилишлари мумкин. Шу туфайли ўқитувчи бола шахсига мақсадга йўналган ҳолда таъсир кўрсатиши мумкин. Аслини олганда, ҳар қандай мулоқот, агар у бемаъни, мақсадсиз, куруқ гаплардан иборат бўлмаса, доимо мулоқотга киришувчиларнинг хулқ-атворини, уларнинг установакаларини ўзгартириш имкониятига эга.

Жамият миқёсида оладиган бўлсак, одамларнинг турли шароитларда ўзларини тутишлари, хулқ-атворларининг бошқарилиши маълум психологик қонуниятларга боғлиқлигини кўриш мумкин. Бунга сабаб жамиятда қабул қилинган турли нормалар, қонун-қоидалардир. Чунки, ўзаро мулоқот ва ўзаро таъсир жараёнида шундай хатти-

ҳаракатлар образлари кишилар онгига сингиб борадики, уларни ҳар бир киши норма сифатида қабул қилади. Масалан, ўсмир бола, умуман ёшлар жамоат жойларида катталарга ўрин бўшатиб беришлари кераклиги ҳам хулқ-атворнинг бир нормаси. Отанинг гапини бола томонидан бўлинмаслиги, катталар сўзлари ва панд-насиҳатларига эътиборли бўлиш ҳам бизнинг халқимиз учун норма ҳисобланади. Шу нормага амал қилиш ёки қилмаслик ижтимоий назорат тизими орқали бошқарилади. Яъни, юқоридаги шароитда агар ўсмир бола автобусда қарияга жой бўшатмаса, ёки отага гап қайтраилса, жамоатчилик, оиланинг бошқа аъзолари ўша заҳоти уни ижтимоий тартибга чақиради.

Демак, ҳар бир шахс турли шароитларда турлича ролларни бажаради, бу ролларнинг қандай бажарилаётганлиги, одамларнинг кутишларига мос келишлиги ижтимоий назорат тизими орқали кузатиб турилади. Шунинг учун ҳам мулоқотга киришган кишилар доимо ўз хулқ-атворларини, қолаверса, ўзгаларнинг хулқ-атворини назорат қилиб, ҳаракатларда бир-бирларига мослашадилар. Лекин баъзан шундай бўлиши ҳам мумкинки, ролларнинг кўплиги роллараро зиддиятларга олиб келиши мумкин. Масалан, мактаб ўқитувчисининг ўзи ўқитаётган синфда фарзанди бўлса, дарс пайтида шундай зиддиятни бошдан кечириши мумкин, яъни бир вақтнинг ўзида ҳам ота, ҳам ўқитувчи ролини бажаришга мажбур бўлади. Ёки хулқи ёмон ўқувчининг уйига келган ўқитувчи бир вақтнинг ўзида ҳам ўқитувчи, ҳам меҳмон роллари ўртасида қийналади.

Турли ролларни бажараётган шахсларнинг ўзаро мулоқотлари ижтимоий кутувлар (экспектация) тизими орқали бошқарилади. Масалан, хоҳлайдими ёки хоҳламайдими, ўқитувчидан маълум ҳаракатларни кутишадими, улар ўқитувчи ролига зид бўлмаслиги керак. Ўз ролларига мос ҳаракат қилган, доимо меъёр мезонида иш тутган кишининг ҳаракатлари одобли, нормал ҳаракатлар деб аталади. Масалан, ўқитувчининг одобли, ўз касбини устаси эканлиги, болалар қалбини тушуна олиши, уларнинг ёш ва индивидуал хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда иш тутиши унинг одобга эга эканлигининг белгисидир. Одобсиз одам эса бунинг аксидир.

Демак, ўзаро мулоқот жараёнида бир одам иккинчи одамга психологик таъсир кўрсатади. Бу таъсир иккала томондан ҳам англаниши ёки англанмаслиги мумкин. Яъни, баъзан биз нима учун бир шахснинг бизга нақадар кучли таъсирга эга эканлигини, бошқа бири эса, аксинча, ҳеч қандай таъсир кучига эга эмаслигини тушуниб етмаймиз. Бу эса педагогикада муҳим муаммодир. Ҳар бир педагогнинг ўз таъсир услублари ва таъсир кучи бўлади. Ўқитувчи шахсининг болаларга таъсири куйидаги экспериментда жуда яққол кузатилган. Бошланғич синф ўқувчиларига анчагина ўйинчоқлар бериб, шуларнинг ичида фақат биттасига, қизил ёғоч ўйинчоққа тегмаслик айтилган. Болалар ёлғиз қолдирилиб, ҳаракатлари пинҳона кузатилган. Жуда кўп болалар тақиқланган ўйинчоққа барибир

тегишган. Экспериментнинг иккинчи сериясида энди барча ўйинчоққа тегиш мумкину, фақат қизил қутичанинг қопқоғини очиш мумкин эмас, деб айтилган. Шу қутича тепасига эса шу болаларнинг ўқитувчиси сурати илиб қўйилган. Бу серияда биринчисига қараганда “таъқиқни бузувчилар” сони кескин камайган. Демак, бу нарса ўқитувчи шахсининг бола ҳаракатларига таъсирини яққол исботлаб турибди.

Шахслараро таъсир ҳақида гап кетганда, ўқитувчи обрўининг роли ҳақида ҳам айтиш лозим. Чунки, обрўли одам доимо ўша обрў қозонган гуруҳида ўз мавқеига ва таъсирига эга бўлади. Шахс обрўи унинг бошқа шахсларга иродавий ва эмоционал таъсир кўрсата олиш қобилиятидир. Маълумки, обрў амал ёки ҳаётий тажриба билангина орттирилмай, унинг ҳақиқий асоси – шахснинг одамлар билан тўғри муносабати, ундаги одамийлик хислатларининг, бошқа ижобий хислатларининг уйғунлашувидадир. Психологик обрў – таъсир кўрсатишнинг энг муҳим мезонидир.

4.1.4. Мулоқот – шахслараро бир-бирини идрок қилиш эканлиги

Мулоқот жараёнида одамлар бир-бирлари билан маълумотлар алмашиб, ўзаро таъсир кўрсатибгина қолмай, балки бир-бирларини тўғрироқ ва аниқроқ англашга, тушунишга ва идрок қилишга ҳаракат қиладилар. Бу томон шахсий идрок ва тушуниш муаммоси билан боғлиқдир. Биргаликдаги фаолият жараёнида шахсларнинг бир-бирларини тўғри тушунишлари ва аниқ идрок қилишлари мулоқотнинг самарали бўлишини таъминлайди. Рус психологи А.А.Бодалев бошчилигидаги лаборатория бир-бирларини идрок қилиш механизмларини аниқлаш борасида қатор психологик қонуниятларини кузатган. Бундай механизмларга *идентификация, рефлексия ва стереотипизациялар* киради. **Идентификация** шундай психологик ҳодисаки, бунда суҳбатдошлар бир-бирларини тўғрироқ идрок қилиш учун ўзларини бир-бирларининг ўрнига қўйиб қўйишга ҳаракат қиладилар. Яъни, ўзидаги билимлар, тасаввурлар, хислатлар орқали бошқа бировни тушунишга ҳаракат қилиш, ўзини биров билан солиштириш (онгли ёки онгсиз) идентификациядир. Масалан, биринчи марта учрашувга кетаётган йигитнинг ички ҳолатини унинг ўртоғи ёки акаси тушуниши мумкин.

Рефлексия мулоқот жараёнида суҳбатдошнинг позициясидан туриб, ўзини тасаввур қилишдир, яъни рефлексия, бошқа одамнинг идрокига тааллуқли бўлиб, ўзига бировнинг кўзи билан қарашга интилишдир. Чунки, бусиз одам мулоқот жараёнида ўзини аниқ билмаслиги, нотўғри мулоқот формаларини танлаши мумкин.

Стереотипизация одамлар онгида мулоқотлар мобайнида шаклланиб ўрнашиб қолган, кўникиб қолинган образлардан шаблон сифатида фойдаланиш ҳолларидир. Ижтимоий стереотиплар – ҳар бир

шахсда у ёки бу гуруҳли кишилар ҳақида шаклланган образлардир. А.А.Бодалев ва унинг шогирдлари бундай стереотиплар баъзан мулоқотни тўғри йўналганлигини таъминласа, бошқа ҳолларда эса ундаги хатоликларнинг сабаби бўлиши мумкинлигини кузатишган. Идрок ва тушуниш борасидаги бундай хатоликлар *каузал атрибуция* (лотинчасига “кауза”- сабаб, “атрибуцио”- бермоқ, қўшиб, бўрттириб бермоқ маъносини билдиради) деб аталади. Масалан, ўқитувчи билан ҳамсуҳбат бўлиб қолган одамда суҳбат бошидаёқ “ҳозир одоб-ахлоқдан дарс беришни бошламасмикан” деган шубҳа пайдо бўлиши мумкин. Бу ҳам стереотип. Бундан ташқари, одамлар биринчи марта кўрган одам тўғрисида тасаввурга эга бўлиш мақсадида унинг ташқи қиёфаси билан характери ўртасида боғлиқликлар ўрнатишга ҳаракат қиларкан. Шундай боғлиқликларни аниқлаш мақсадида А.А.Бодалев талабалар гуруҳига турлича қиёфали шахсларнинг фотосуратларини кўрсатган. 72 кишидан 9 таси ияги катта кишилар кучли ирода эгалари эканлигини, 17таси пешонаси кенг одамлар ақлли эканликларини, 3 киши сочи қаттиқ одамларнинг қайсарроқ, қатъий эканликларини, 5 киши кичик бўйли одамлар ҳокимиятга интилган, бошқалар устидан буйруқ беришга мойил, чиройли одамлар ё ўта ўзига бино қўйган ёки нодон бўлишлигини айтишган ва ҳоказо.

Табиийки, бундай фикрлар мутлоқ тўғри эмас, лекин кишилар онгида авлоддан-авлодга ўтиб келаётган тасаввурлар шундай образларни шакллантирган. Нотаниш одам ҳақида тушунчанинг шаклланишида у ҳақида берилган бирламчи маълумот катта роль ўйнайди. Масалан, ўша Бодалев талабаларнинг икки гуруҳига бир хил портрет кўрсатиб, биринчи гуруҳда бу одам йирик олим, иккинчисида эса, бу – давлат жинойтчиси деб, унга иккала ҳолда ҳам ижтимоий-психологик характеристика беришларини сўраган. Кўрсатмалар ҳар хил бўлганлиги сабабли берилган таърифлар ҳам ҳар хил бўлган. Биринчи гуруҳдаги талабалар бу одам меҳнаткаш, меҳрибон, шафқатли, ғамхўр, ақлли бўлса керак, дейишган бўлса, иккинчи гуруҳдагилар уни – бешафқат, маккор, агрессив, қатъиятли деб таърифлашган. Биринчи гуруҳдагилар портретдаги кўзларни доно, мулойим дейишган бўлса, бошқалар уларни ёвуз, бешафқат деб айтишган.

Шундай қилиб, ижтимоий перцепция ёки одамларнинг бир-бирларини тўғри идрок қилиш ва тушуниш жараёни мулоқотнинг муҳим муаммоларидан биридир. Бу жараён психологик жиҳатдан мураккаб бўлиб, унда мулоқотга киришаётган томонларнинг ҳар бири алоҳида ана шу идрокнинг ҳам объекти, ҳам субъекти бўлиб фаолият кўрсатадилар. Идрокнинг объекти сифатида шахс қаралганда, унда ҳосил бўладиган “бошқа одам образи” нинг барча сифатлари ва қирралари назарда тутилади. Бундай образ пайдо бўлишига хизмат қиладиган белгиларга: ўша одамнинг ташқи қиёфаси, унинг кийиниши, ўзини тутиши, ҳиссий ҳолати, овози, нутқи, қилиқлари, юриши ва ҳоказолар қиради. Лекин шуларнинг ичида одамнинг юзи мулоқот мобайнида суҳбатдошга энг кўп маълумот

берадиган объектдир. Шунинг учун ҳам телефонда суҳбатлашгандан кўра юзма-юз суҳбатлашиш анча осон ва ахборотларга бойдир.

Одамларнинг бир-бирларини тўғри идрок қилишлари уларнинг перцептив, яъни ҳиссий билиш (идрок, сезиш) соҳасига алоқадор бўлса, бир-бирларини тушуниши уларнинг тафаккур соҳаларига бевосита тааллуқли бўлиб, мураккаб жараёндир. Бошқа одамни тўғри тушунган шахс унинг ҳиссий ҳолатига кира олган ҳисобланади, бошқача қилиб айтганда, унда эмпатия – бировларнинг ҳис кечинмаларини тушуна олиш қобилияти ривожланган бўлади. Юксак онгли, маданиятли, “кўпни кўрган” шахсгина бошқаларни тўғри тушуниши, уларнинг мавқеида тура олиши мумкин.

Аниқ ва тўғри тушунишга тааллуқли қонуниятларга қуйидагилар киради:

1. **Бошқа одам ҳақидаги маълумотнинг миқдорий томони.** Биринчи бор тўқнашган одамларда бир-бирлари ҳақида фақат бирламчи тасаввургина ҳосил бўлиши мумкин. Америкалик тадқиқотчилар талабаларга бошқа талабаларга баҳо бериш топшириғини беришган. Баҳолар биринчи тўқнашув натижасига кўра, бир ҳафтадан кейинги қайта тўқнашув натижасида ва икки ҳафтадан кейин текширилган. Маълум бўлишича, энг аниқ тасаввур икки ҳафталик танишувдан кейингина пайдо бўлар экан.
2. **Маълумотларни олиш тартиби.** Бошқа одам ҳақида берилган маълумотга асосан унда ўша одам ҳақида муайян фикр ҳосил қилиш осон, лекин уни қайта қуриш, ўзгартириш анча мушкул.
3. **Нормал интеллектнинг бўлиши.** Интеллект жуда юқори бўлганда ҳам, жуда паст бўлганда ҳам бошқа одамни тўғри тушуниш қийин.
4. **Махсус тайёргарликнинг бўлиши.** Мутахассислар 5 курсда ўқиётган психолог талабалар билан портрет чизадиган рассомларнинг бошқаларга берган баҳоларини солиштиришлари натижасида рассомларнинг баҳолари анча аниқроқ бўлиб чиққанининг гувоҳи бўлишган.
5. **Ҳиссий ҳолатнинг таъсири.** Нуррей деган олимнинг тадқиқотларида турли эмоционал ҳолатни бошидан кечираётган шахсларга бошқа одамни баҳолаш топшириғи берилган. Бир серияда текширилувчиларга электр токи билан таъсир этиб туриб, бошқа одамнинг расмини баҳолашни тавсия этишганда, баҳоланаётган шахсда жоҳилликка яқин сифатлар ҳам борлиги айтилган. Яхши эмоционал ҳолат бошдан кечириляётган серияда эса ўша одамда асосан яхши сифатлар қайд этилган.
6. **Шахснинг очиқлиги.** Кундалик мулоқотда очиқ, самимий одам билан тунд, писмиқ одам баҳолари ўртасида сифат фарқлари аниқланган. Бундан ташқари, одамнинг мулоқот тажрибасининг бойлиги ҳам унинг бошқалар ҳақидаги тасаввурларининг аниқ бўлишини таъминлайди.

Демак, юқоридаги барча қонуниятларни ҳисобга олган ҳолда, шахс тарбияси билан шуғулланиш уни келгусидаги мураккаб ва хилма-хил мулоқот жараёнларига психологик тайёрлайди. Бундай тайёргарлик, айниқса, бўлгуси психологлар учун муҳимки, улар ўз касблари туфайли турли мулоқот вазиятларига дуч келадилар ва ҳар бир вазиятда улардан ниҳоятда ўткир дидлилик, одоб ва кишилар психологиясини билган ҳолда уларни тўғри тушуниш малакаси талаб қилинади. Бир сўз билан айтганда, бу мулоқотдаги билимдонликдир. Ижтимоий психологиянинг бу борада ноёб усули бор, у ҳам бўлса, ижтимоий психологик тренингдир.

Тренинг усулининг ижтимоий-психологик моҳияти шуки, бу усул орқали одамларда мулоқот малакалари ҳосил қилиниб, улар турли ижтимоий шароитларда ўзини тўғри тутишга одатлантирилади. Бошқача қилиб айтганда, тренинг мулоқотга ўргатишдир. Тўғри, одам кишилар жамиятида яшар экан, кундалик мулоқот жараёнида турли мулоқот шаклларига ўрганиб, ўзида маълум мулоқот малакаларини шакллантириб боради. Лекин инсонда бундай малакалар стихияли тарзда ёки мақсадга қаратилган ҳолда ҳам ҳосил қилиниши мумкин. Охирги ҳолат ҳозирги замон кишисининг турли ишлаб чиқариш ва муомала шароитларида тўғри мослашишига ёрдам беради. Бу нарса инсонда, Ю.Н.Емельянов таъбири билан айтганда, ижтимоий ақл-заковатнинг шаклланишига олиб келади. Ижтимоий ақл-заковатга эга бўлган шахс ўзини ҳам, ўзгаларни ҳам, уларнинг ўзаро муносабатларини ҳам тўғри англайди ҳамда турли мулоқот шакллари башорат қила олади. Ана шундай ақлнинг бўлиши учун психологлар махсус тайёргарлик гуруҳлари ёки тренинг гуруҳлари ташкил этишни аллақачон таклиф қилиб чиқишган. Шундай мақсадларда Ғарбда машҳур бўлган Т-гуруҳлар ташкил этилиб, унга ихтиёрий мулоқот жараёнида маълум қийинчиликларни ҳис қилаётган шахслар таклиф этилади. Ижтимоий психологик тренингнинг асосий методларига гуруҳий мунозаралар, ролли ўйинлар ва психологик сезгирликни оширувчи тренинглар киради. Т-гуруҳ аъзолари одатда 7 кишидан 15 кишигача бўлиб, машғулотлар бир неча кундан бир неча ойларгача давом этади. Т-гуруҳнинг аҳамияти шундан иборатки, у биринчидан, одамлар ўртасида илиқ ўзаро муносабатларнинг шаклланишига олиб келиб, шахсда бировни тушунишга интилиш, унинг манфаати йўлида ўз қарашларини ҳам қайта анализ қилиш эҳтиёжини пайдо қилади. Иккинчидан, Т-гуруҳ аъзолари ўртасида шундай умумий “психологик тил” пайдо бўладики, улар тез орада ўзгаларни ва ўз ҳис-кечинмаларини англабгина қолмай, балки бир-бирларига ҳам ижобий таъсир кўрсатиш қобилиятига эга бўладилар. Уларда мулоқот мобайнида ўзини “ўзгалар” ўрнига қўйиш, уларнинг ички оламини тўғри тушуниш қобилияти ва истаги тарбияланади. Учинчидан, Т-гуруҳдаги машғулотлар мулоқот жараёнининг турли мураккаб қирраларидан ташқари, унинг мазмуний томонлари бўйича ҳам иштирокчиларни чиниқтирадики, улар муомаладаги ҳар бир ибора ва имо-

ишоранинг туб маъносини тушунишга эришадилар. Масалан, “хайр, яхши қолинг” иборасини унинг қандай оҳангда, қай ҳолатда айтилишига қараб, суҳбатдошнинг “яширин” ниятларини ўқиб олиш ва шунга кўра ҳаракат қилишга ўргатади.

Ижтимоий-психологик тренингнинг методик талабларига қуйидагилар киради:

1. Ўқув жараёнида гуруҳда ташкил этилган мулоқот орқали гуруҳий жараён ёки ҳолатлардан индивидуал ҳолатларга, яъни ҳар бир иштирокчининг ўз шахсий “Мени” ни тушунишга олиб келиш лозим. Чунки мунозара ёки ўйинлар жараёнида иштирокчилар вазиятни ёки ролни фаол ўзлаштириб, ҳар бир ҳолатдан ўзи учун хулоса чиқаришга олиб келиш зарур, ёки бўлмаса, интерпсихик жараёндан интрапсихикка айланиши керак.

2. Т-гуруҳларда мулоқотнинг нутқ шаклларида ташқари, унинг нутқсиз-новербал шакллари ҳам кенг қўлланилиши, яъни ҳар бир ўрганувчи ўз хулқ-атворини вербал назорат қилишдан ташқари, ўз танаси, ҳар бир ҳаракат, ритмнинг моҳиятини ҳам тушунган ҳолда уни ҳаётда, амалда ишлатишига эришиш зарур.

3. Т-гуруҳнинг ҳар бир иштирокчиси албатта ўз-ўзини кузатиш кундалигини юритмоғи, унга ҳар галги машғулотдан сўнг ўз ҳис-кечинмалари, муаммоларни ечишдаги шахсий иштироки, тасаввурлари ва бошқаларни одилонга ёзиб бориши ҳам муҳимдир.

4. Т-гуруҳга аъзо бўлиш ихтиёрий бўлганлиги учун ҳам унинг ҳар бир аъзоси машғулотларни сира ҳам қолдирмасликка ҳаракат қилиши зарур, чунки бу нарса ўқув гуруҳининг муҳитига, аъзоларнинг ўзаро муносабатларига бевосита таъсир қилади.

5. Машғулотлар махсус хоналарда, шовқин-сурондан холи ерда ташкил этилиши, у ер дид билан безалган, шинам бўлмоғи лозим.

6. Т-гуруҳ аъзолари машғулотларга ўзлари учун қулай кийимларда келишлари лозимки, бу нарса бошқаларда ҳам, ўзида ҳам ортикча ҳиссиётларни туғдирмаслиги керак.

7. Инструктор ёки шу машғулотларни ўтказувчи тренерга алоҳида эътибор бериш зарур. У ўзи махсус тайёргарликдан ўтган, хушмуомала, дид билан кийинган, ҳар бир машғулотга атайлаб тайёргарлик кўриш имкониятига эга бўлган шахс бўлиши лозим. У ўз кайфияти, мунозара ёки ўйинга шахсий муносабати билан машғулотнинг табиий кечишига ҳалақит бермаслиги, сабр-тоқатли, маданиятли бўлиши зарур

Машғулотларни ташкил этиш шаклига келсак, у мақсад ва мазмунга мос ҳолда “юмалоқ стол” атрофида, тўртбурчак стол атрофида, гилам устида, баъзан тик ҳолда амалга оширилиши мумкин.

Афсуски, Т-гуруҳлар айрим ҳолларда йирик шаҳарлардаги йирик саноат корхоналари раҳбарларини мулоқотга тайёрлаш, масъул шахсларни қайта тайёрлаш курсларида, психологлар даврасидагина ўтказилмоқда.

Ваҳоланки, мулоқотдаги билимдонликка эришиш, “ижтимоий ақл” га эга бўлиш барча мутахассисларга зарур. Амалий психолог хоҳ мактабда бўлсин, хоҳ саноат корхонаси ёки бошқа идора ва ўқув юртида бўлмасин, маҳаллий шароитни чуқур ўрганган ҳолда, у ерда раҳбарият билан келишилган ҳолда Т-гуруҳлари ташкил этмоғи ва шу йўсинда ҳам ўзининг, ҳам атрофдагиларнинг билимдонлигини ошириб бормоғи зарур.

4.2. Мулоқот ва шахслараро зиддиятлар

Низолар психологияси ва Ижтимоий ҳаётда, шахслараро унинг келиб чиқиши. муносабатларда айрим алоҳида низолар,

ўзаро келишмовчиликларни бўлиб туриши муқаррар. Шунинг учун баъзан олимлар зиддият ёки низоларнинг нафақат салбий, балки ижобий томонлари ҳам бўлиши мумкинлигини очик эътироф этадилар. Масалан, Г. Андреева айрим зиддиятларнинг конструктив оқибатлари тўғрисида ёзади. Унинг фикрича, баъзан икки шахс ўртасида келиб чиққан низо уларнинг истикболда тўғри хулоса чиқариб, шундай ҳаракатни бошқа қайтармасликка, омилкорликка, хушёрликка ундайди. Ёки бир қарашда танбеҳга асосланган шахслараро зиддият шахсни ўз устида муттасил ишлашга, ўз хулқини ўзи тузатишига сабаб бўлади. Бундай низолар оқибатида кўра **конструктив** деб аталади. **Деструктив** низонинг оқибати эса кўпинча салбий бўлиб, у шахслараро антогонизмни келтириб чиқаради, томонларнинг асаблари чарчайди, улар хасталаниб қолиши ҳам мумкин. Ёки эр ва хотин ўртасида, ёхуд қайнона ва келин ўртасидаги низо оила ажримига сабаб бўлиши ва бир бутун оила бузилиб кетиши мумкин. Ҳўш, ижтимоий психологик феномен сифатида низо ёки зиддиятга қандай таъриф бериш мумкин?

Конфликт, низо ёки зиддият – бу айрим алоҳида олинган шахс онгида, ёки шахслараро мулоқот жараёнида, гуруҳ доирасида ёки гуруҳлараро ўзаро мулоқот ва таъсир пайтларида бирор муаммо, масала ёки қарашлар борасида бир-бирига тўғри келмайдиган, қарама-қарши фикр, қараш ва позицияларнинг тўқнашуви оқибати пайдо бўлган салбий хиссиётларга тўла муносабатлар маромини билдирувчи ижтимоий психологик ходисадир.

Конфликтни келтириб чиқарувчи омиллар, сабаблар ниҳоятда кўп, лекин уларни 5 асосий гуруҳга бўлиб ўрганиш мумкин:

1. **Информацион-ахборот омиллари:** мулоқот жараёнида шерикларга нотўғри тарзда етиб келадиган нотўлиқ, ноаниқ фактлар, миш-мишлар; шубҳалар, тўла аниқлик киритилмаган атайлаб ёки билмай туриб деярли хуфёна тарзда етказилаётган маълумотлар; ахборот манбаига нисбатан ишончнинг йўқлиги; айрим ходиса, воқеаларга алоқадор бўлган тортишув ва клишмоқчиликларга сабаб бўлган қоидалар, ақидалар, чақириқлар, қонун нормалари ва бошқалар ҳам шахслараро ёки гуруҳлараро зиддиятларнинг омили бўлиши мумкин.

2. **Жамият миқёсидаги айрим тизимларнинг фаолиятига боғлиқ омиллар:** мулкчиликка оид муаммолар, ижтимоий мақом таллашиш, ҳокимият йўналишидаги амал ва ҳисоботларга оид жанжаллар, турли ижтимоий нормалар, анъаналар, стандартлар, хавфсизлик масалаларидаги қарама-қаршиликлар, рағбатлантириш ва жазолаш, уй-жой, мулк

тортишувлари, ресурслар, товар, хизмат ва фойдалар тақсимооти жараёнларида кузатиладиган низолар;

3. **Қадриятларга алоқадор омиллар** (ўзимиз эътироф этган ёки рад этган тамойиллар): жамоавий, группавий ёки шахсий эътиқод, ишонмаган ва ишонган қадриятларимиз ва уларнинг хулқда намоён бўлиши, мафкуравий, маданий, диний, ахлоққа оид, сиёсий, профессионал қадриятлар ва эҳтиёжлар борасида келиб чиқиши мумкин бўлган низолар;

4. **Муносабатлар омили**: бундай омиллар бевосита ўзаро алоқалар ва мулоқотдан инсоннинг қониқиши ёки номаъқул, деб эътироф этишидан келиб чиқади. Шахслараро ўзаро муносабатларда кўпроқ бир шахснинг кутишларига бошқа бир инсоннинг ёки одамларнинг муомаласи мос келмаслиги ҳолатларида шахсий низолар келиб чиқадики, уларнинг бартараф бўлиши турли вазиятларда турлича тус олиши, чўзилиб кетганда, багтар “газзак” отиши, қисқа фурсатда ҳал этилса, муаммо ҳал бўлиши ҳам мумкин. Шахсий мулоқотдаги низолар шахснинг ҳаётий тажрибаси, маълумотлилиги даражаси, профессионал маҳоратига боғлиқ равишда турли кўринишларда ўз ечимини топиши мумкин;

5. **Хулқ-атвор билан боғлиқ омиллар**: манфаатлар, қизиқишлар, ўзига бўлган баҳога зид келадиган ёки хавф-хатар туғдирувчи вазият пайдо бўлиши билан гўёки, ҳимоя воситаси сифатида пайдо бўлувчи омиллар туркуми бўлиб, бу иккинчи томоннинг худбинлиги, адолатсизлиги, масъулиятсизлиги ёки лоқайдлик, бепарволик оқибатида келиб чиқади. Низокашлар бундай шароитда ўзларига нисбатан бўлаётган салбий муносабатни хатти-ҳаркатда кўриб, сезиб турганлари боис ҳақгагарчилик келиб чиқади ва бу конфликт билан тугайди.

Конфликт ёки низолар ўзаро муносабатлардаги одамларнинг субъектив хатолари сабабли ҳам келиб чиқиши мумкинки, шу нуқтаи назардан ҳам конфликтларнинг турлари фарқланади:

Шахснинг ўзига алоқадор бўлган ички низолар – одатда бевосита ижтимоий психология томонидан ўрганилмайди, бу каби низолар умумий, педагогик ҳамда патопсихологиянинг предмети бўлиб, у асосан бир инсон қалбидаги турли ҳис-кечинмалар, истак-ҳохишлар ва мотивларнинг бир бирига зид келиши, қарама-қарши фикрларнинг пайдо бўлиши оқибатида юзага келади. Бундай низо шахсгагина маълум бўлмайди, баъзан эса одам қилиб қўйган ишининг айнан ўзининг ички низолари оқибати эканлигини англамаганда унга психоаналитик ёки патопсихолог ёрдамга келади.

Шахс ва гуруҳ ўртасида содир бўладиган низолар одатда бир шахс қарашлари, ҳатти-ҳаракатининг у мансуб бўлган ёки иши тушган гуруҳнинг нормалари, хулқ-атвор маромларига зид келиши, шахс кутишларининг гуруҳ нормаларидан оғиши оқибатида келиб чиқади. Агар бу меҳнат жамоасида рўй берса, бу гуруҳ аъзоларининг малакасизлиги ёки раҳбарнинг одамларни бошқаришдаги укувсизлиги натижасида келиб чиқиши мумкин. Демак, бундай жамоада психологик, маънавий муҳит

носоғлом бўлдайки, шахс билан бошқа шахслар ўртасида келишмовчиликка олиб келади.

Гуруҳлараро зиддият ёки низо - икки ёки ундан ортиқ гуруҳларнинг бир-бирлари билан мурасага келишолмай қолган тақдирда руй беради ва бунда уларнинг ўз мақсадлари эришишларига бир-бирларининг ҳалақит беришлари асосий омиллардан ҳисобланади. Кўпинча муайян формал, расмий гуруҳ аъзолари гуруҳбозликка берилиб, ҳар бир кичик гуруҳ манфаатлари бир-бирига мос келмай қолганда ҳам низо келиб чиқади. “Гуруҳбозлик” деб аталмиш бундай ҳолат ҳам ижтимоий психологик нуқтаи назаридан зарали бўлиб, бу яхлит жамоадаги маънавий муҳитга жиддий салбий таъсир кўрсатади. Баъзан бир жамоа раҳбарияти ва расмий тизими билан гуруҳ ичидаги норасмий тузилма ўртасида ҳам низо келиб чиқади. Лекин бу ҳолатларни соғлом рақобатга асосланган манфаатлар келишмовчилиги, масалан, сиёсий партиялар ўртасидаги рақобатдан фарқлаш лозим.

Шахслараро низо – бир ёки бир неча конкрет шахсларнинг ўзаро ёки гуруҳ доирасидаги зиддиятидир. Бу кенг тарфалган низолардан бири бўлиб, бундай низолар расмий жамоаларда ҳам норасмий мулоқотлар оқибатида ҳам юзага келиши мумкин. Бундай низолар одамларнинг феъл-атворида ҳам, конкерет вазиятларга ҳам боғлиқ тарзда келиб чиқиши ва вазиятнинг характерида боғлиқ ҳолда турлича кечиши мумкин. Кенг тарқалган шахслараро низолар бири – бу эр ва хотин, ота-она ва фарзандлар, қайнона-келин ўртасидаги низолар ҳисобланади. Уларнинг табиати ҳам, давом этиш муддати ҳам, хал бўлиш йўллари ҳам турлича бўлиб, ҳар қандай кўринишда ҳам барибир бундай низо икки ва ундан ортиқ шахслар ўртасидаги психологик масофани тобора узоқлаштиради, самимиятнинг камайишига олиб келади.

Шахслараро низоларнинг келиб чиқиши қуйидаги ҳолатларга боғлиқ бўлади:

- меҳнат жараёнлари ва ишлаб чиқариш вазиятларига;
- жамоа аъзоларининг шахсий хусусиятларига;
- турли вазиятларга шахснинг субъектив муносабатига;
- шахслараро муносабатларнинг турли вазиятлардаги турлича намоён бўлишига.

Шахслараро низо очик ёки яшириш тарзда намоён бўлиши мумкин.

Очиқдан очик юз берадиган низолар одатда тортишиб қолган шахсларнинг тўғридан-тўғри, бевосита хатти-ҳаракатлари тарзида намоён бўлади. Бундай низони кузатиш, қайд этиш ва унга кеарк бўлса, аралашиш ҳам мумкин бўлади. Яширин низо эса очик намоён бўлмайди, балки у турли хуфёна усуллар билан амалга оширилади. Ташқаридан қараган одам бундай низонинг мавжудлигини сезмайди.

Баъзан низолар объектив сабаблар, шарт-шароитлар боис вужудга келади. Масалан, агар бу ишлаб чиқаришда бўлса – иш шароитларининг

ёмонлиги, хизмат вазифаларининг ноўрин тақсимланганлиги, кадрлар салоҳиятига безътиборлилик, меҳнатни рағбатлантиришдаги адолатсизлик кабилар одамлар ўртасида муайян тангликларни келтириб чиқарадики, бу шахслараро ўзаро муносабатларда ўз аксини топиб, уларнинг ўзаро ва ходимларнинг раҳбарлар билан урушиб қолишига, яширин ёки очик конфронтацияга олиб келади. Бу каби низоларни бартараф этиш учун уни келтириб чиққан объектив шарт-шароитларни ўзгартириш ёки камчиликларни йўқотиш орқалигина амалага оширилади. Чунки жамоадаги бундай низолар ўзига хос сигнал функциясини бажарадики, у орқали раҳбарлар меҳнат жамоасида номаъқул психологик муҳит пайдо бўлаётганлигидан хабардор бўладилар.

Субъектив сабаблар ёки омиллар туфайли келиб чиқадиган низоларга аксарият ҳолатларда одамларнинг ўзлари, уларнинг шахсий хусусиятлари, улардаги эҳтиёж, истак ва маслакларнинг номутаносиблиги асос бўлади. Бунда қарор қабул қилувчининг қарори бошқаларга номаъқул бўлиши, улар меҳнати адолатсиз баёуланиши, айрим шахсларнинг эса очик табиатан жанжалкаш эканлиги сабаб бўлади.

Бундан ташқари, низолар қуйидагича тоифаланади:

- **горизонтал** – бир-бирига бўйсунмайдиган, тобе бўлмаган оддий ходимлар ўртасида;
- **вертикал** – ўзаро бир-биридан амал поғонаси бўйича фарқ қилувчилар, масалан, раҳбар билан ходим ўртасида;
- **аралаш** - шахслараро муносабатларда у ва бу ҳолат уйғун келганда. Одатда ишлаб чиқариш фаолиятида энг кўп тарқалган низо тури вертикал ва аралаш бўлиб, улар жами низоларнинг 70-80 фоизини ташкил этади.

4.2.2. Низоларни бартараф этиш усуллари

Низоларнинг олдини олиш ёки у пайдо бўлган бўлса, бартараф этиш учун унинг келиб чиқиш сабабини, асосий айбдорларни ёки объектив сабабларни аниқлаш лозим. Мутахассислар низоларни бартараф этишнинг кўплаб усуллари ва йўллари борасида тавсиялар ишлаб чиққанлар. Масалан, Х. Корнелиус ва Ш. Фейерлар уни хал қилиш учун **низо харитасини** тузишни таклиф этади. Унга кўра, низоли вазиятни аниқлаш учун қуйидагилар инобатга олиниши лозим:

- 1) низони келтириб чиққан муаммонинг умумий қирраларини очиш, масалан, агар ишлаб чиқаришдаги низо иш хажмининг тўла бажарилмаганлиги сабабли келиб чиққан бўлса, аввало иш тақсимоти диаграммасини тузиш керак;
- 2) низонинг асл сабабини аниқлаш, зеро, айнан шу иш одатда энг мушкул иш ҳисобланади;
- 3) низонинг ҳақиқий иштирокчиларини аниқлаш – алоҳида шахсми, гуруҳми ёки уюшмами;

4) низога сабаб бўлган шахсий хоҳиш, истаклар, низокашларнинг айнан нимани истаётганлигини аниқлаш;

5) низога қадар низокашларнинг ўзаро муносабатлари қандай бўлганлигини билиш;

6) бевосита низода иштирок этмаган, лекин унинг ижобий ҳал этилишидан манфаатдор бўлган шахсларнинг низога муносабати.

Бу каби стратегия аввало низонинг чуқурлашиб кетмаслиги, унга яна кўплаб шахсларнинг аралашиб кетмаслигини таъминлайди.

Табий, мутахассислар ва олимларни шахслараро муносабатлар жараёнида турли вазиятларда пайдо бўладиган низоларни баратарф этиш масаласи қизиқтиради. Рус олим Г.Н Смирнов турли низоларни баратарф этишга имкон берувчи икки гуруҳ усулларни таклиф этади – тизимий ҳамда шахслараро.

Низоларни ҳал қилишга боғлиқ бўлган тизимий усулларга у қуйидагиларни киритади:

1) *ишга нисбатан қўлланиладиган талабларни тушунтириш*, масалан, ишчи ёки ходим ўз хизмат вазифасини тўлақонли адо этолмаганлиги сабабли у билан раҳбар ўртасида низо келиб чиққан бўлса, низони баратарф этишга аҳд қилган икмса шу хизмат лавозимида қўйиладиган талаблар, ходимнинг меҳнат ҳуқуқлари билан қаторда унинг бурч ва масъулиятини ҳам яна бир маротаба уқтириб қўяди;

2) *мувофиқлаштирувчи ва бирлаштириш усуллари*. Одатда бир ходимнинг иш самараси бошқа бир ходимга ёки ходимларга, қолаверса, бошқа тузилмаларнинг аниқ ва яхши ишлашига боғлиқ бўлади. Шунинг учун бир ходим ёки ходимлар гуруҳида низоли вазиятнинг пайдо бўлишига бошқа бир тузилма ишидаги номувофиқликлар сабаб бўлиши мумкин. Бундай шароитда раҳбар низони баратарф этиш учун ўша бошқа айбдор тузилманинг фаолиятини аниқ йўлга қўйиши, ёки ходимлар ўртасида муроса бўлиши учун бошқа бир қўшимча мувофиқлаштирувчи бир бўғинни ишлаб чиқаришда жорий этиши мумкин. Масалан, ишлаб чиқариш низосининг сабаби – хом ашёнинг вақтида етказиб берилмаётганлиги бўлса, раҳбар таъминотчилар ишини мувофиқлаштиради, улар фаолияти билан ишлаб чиқарувчилар ўртасида бирлик ва ҳамжиҳатлик бўлишига эришиш йўлида аниқ йўналишларни белгилайди;

3) *барча ишлаб чиқариш субъектлари фаолиятини ягона мақсад атрофида бирлаштириш* ҳам ишлаб чиқариш жараёнларида низоларнинг содир этилмаслигини кафолатлайди. Бундай шароитда раҳбарлар ва гуруҳ лидерларининг роли катта бўлади;

4) *рағбатлантириш тизимини жорий этиш* самарали иш усулларида хисобланади. Бундай шароитда одамларнинг хулқ-атворида таъсир этиш, пайдо бўлиши мумкин бўлган низоли вазиятларга барҳам бериш ёки содир бўлган бўлса, уни баратарф этиш учун ташаккур билдириш, мукофотлаш,

хизмат лавозимни кўтариш кабиларни қўллаш ижобий самара бериши мумкин.

Низоларни бартараф этишнинг **шахсларо муносабатларга алоқадор усуллари**га куйидагилар киради:

1) *бош тортиш* – низога нисбатан шундай реакцияки, бунда низога гувоҳ бўлганлар аслида унинг мавжудлигини тан олмайдилар, унга аралашидан бош тортадилар. Одатда бундай шароитда раҳбар ё айти пайтда вақти йўқлигини, имконият йўқлигини, низонинг сабаби арзимас ҳолат эканлигини ваҳ қилиб, уни ҳал қилишга аралашидан бош тортади. Ёки у вазият тақозоси билан пайдо бўлган низо вақт ўтиши билан ўз ўзидан ечимини топади, одамлар инсофга келиб қолишига умид қилади;

2) *текислаш* – бу низолашувчи томонлардан бирини мавжуд ҳолатга “кўндириш”, мослаштириш ва шу йўл билан ўзининг ҳам муайян манфаатларини ҳимоя қилишдир. “Майли мен ютқазсам ҳам, сенинг ишинг битиб кета қолсин” деган нақлда низога аралашган шахс вазиятни юмшатишга эришади, гўёки “ўзни қурбон қилиб” бўлса ҳам томонларнинг ярашиб кетиши учун барча имкониятни яратади;

3) *компромисс* – бу очиқ мулоқот ва вазиятни, низокашларнинг ҳулқ-атвори ва фикрларини муҳокама қилиш йўли билан иккала томон учун ҳам маъқул бўлган ечимни қидиришдир. Бу усулнинг самарадорлиги шундаки, низога аралашган шахс иккала томоннинг ҳам айбини, улар томонидан йўл қўйилган хатоларни очиқ, холис ўртага ташлайди ва энг маъқули – ўар бир шахс ўз бурч ва масъулиятларини тарозига солиб олишлари эканлигини уқтиради. Натижада иккала томонда ҳосил бўлган танглик маълум маънода юмшайди ва оқилона қарорлар қабул қилиш имконияти туғилади. Низокашлар жанжал бўлгандан кўра ёмон бўлса ҳам бир қарорга келинганлигидан хурсанд бўлиб, ўз фикрларидан маълум маънода қайтадилар, вақт ўтгач эса вазият умуман юмшаб, томонлар ярашиб кетиши мумкин. Одатда оилавий низоларда компромисс йўлини тутган оиланинг катта аъзоси ёки эркак киши низонинг олдини олишга эришади, бунда бирор томоннинг “бир гапдан қолиши” катта роль ўйнайди;

4) *рақобат* – одатда бир томоннинг иккинчиси устидан устун келиши ҳисобига бошқасининг батамомо енгилишини назарда туттади. Яъни, бунда “Мен ютишим учун сен мутлоқ енгилишинг шарт” деган тамойил устивор бўлади. Бундай усул албатта, психологик нуқтаи назардан самарасиз ва нотўғри бўлса ҳам, айрим ҳолатларда масаланинг айнан шу тарзда ечилиши бошқаларнинг иқтидори ёки иродасининг кучайишига сабаб бўлиши мумкин. Масадан, оилавий мажорода келин агар ноҳақ бўлиб, ёшлиги туфайли аразлаб, барчанинг дилини хира қилиши ва ушбу вазиятда барибир қайнонанинг сабр билан устун келиши, барибир айтганини қилдириши ёш келинчакнинг келгусини шу каби хатти-ҳаракатни бошқа қайтармаслиги учун сабоқ бўлиши мумкин;

5) *ҳамкорлик* – бу низони ҳал қилишнинг шундай усулики, бунда иккала томоннинг шахсий манфаатлари низони келтириб чиқаран муаммодан устун қўйилади. Бундай ҳолатларда низокашлар бир томон манфаатининг инобатга олинмаслиги, иккинчи томоннинг бошқа манқаатини ерга уришини тушунгани учун ҳам муроса йўли тўғри эканлиги, яхшиси мавжуд муаммонни ечишга тенг киришиш лозимлиги фикрига келиб тўхтайдилар.

Шундай қилиб, реал ҳаётда низонинг келиб чиқиши, унинг қандай кечиши ва ечими уни келтириб чиқарган вазиятдан ҳам кўра, ушбу вазиятда иштирок этаётган инсонларнинг унга нисбатан субъектив муносабатларига боғлиқ бўлади. Шунинг учун ҳам ҳар қандай низоли, зиддиятли ҳолатларда унга алоқадор бўлиб қолган инсонлар қўйидаги қоидаларни ёдда тутишлари лозим:

1. Низоли вазиятда ақл эмас, балки ҳиссиётлар устун бўлишини унутманг, ҳиссиётлар эса одамнинг жаҳли чиқиб, ақли кетиб қолишига туртки бўлади ва у ўз хатти-ҳаракатлари ва гапираётган сўзларини назорат чилиш қобилиятидан маҳрум бўлади. Вақт ўтиши билан шу қилган ишингиз учун ўзингиз қаттиқ азият чекиб, хижолат бўлиб қолишингиз мумкин. Шу боис ҳам ишдами, оиладами ёки жамоатчилик жойларидами одамлар билан мулоқот қилганда, уларнинг инсоний нафсониятига тегадиган, шаъни ва ориятига тегиб кетадиган мулоҳазалардан ўзингизни сақланг, ўзингизни ўзгалардан устун қўйишдан эҳтиёт бўлинг, камтарлик шиорингиз бўлсин.

2. Ўзгалар билан муомалада уларнинг ҳурматини жойига қўйиб, сўзлашишнинг юмшоқ маромини танланг. Масалан, “Кечирасиз..”, “Сиздан миннатдор бўлардим, агар...”, “Сизга малол келмайдими?” каби ибораларни ишлатиш одатга Сизга нима сабабдандир ёмон муносабатда бўлаётган инсонни ҳам юмшатади, ундаги салбий ҳисларнинг жунбушга келишига йўл қўймайди.

3. Иш фаолият билан боғлиқ мунозараларда агар суҳбат таранглашиб бораётган бўлса, иккала томоннинг манфаати тўғрисида эмас, асл масаланинг, муаммонинг моҳияти хусусида кечишига эътибор бериб, холис фактларга кўпроқ урғу беринг. Имкон борича суҳбатдошни тинглашга интилинг, зеро, тинглаш олиш маҳорати сизнинг яхши суҳбатдош эканлигингизнинг муҳим кўрсаткичидир. Бу ўринда Дейл Кареги каби мулоқот усталарининг тажрибасини эсланг.

4. Ҳар қандай масала хусусида унинг ечими ягона бўлмаслигини унутманг, чунки барча ҳолатларда қийин вазиятдан чиқишнинг бир қатор усуллари, йўлларибўлиши табиий. Шунинг учун Сизнинг фикрингизга зидроқ келаётган фикрни суҳбатдошдан эшитганингизда, “Балки мен хато қилаётгандирман” деб унинг фикрлаш тарзидаги тўғри мулоҳазаларни таҳлил қилинг, унинг фикридаги ижобий ва салбий жиҳатларни ажратинг, уларнинг реал оқибатларига баҳо бериб кўринг. Бундай ҳолатларда ҳеч

бўлмаганда “Мен Сизнинг фикрингизга тўлиқ кўшилмасамда, берган таклифингизни албатта ўйлаб кўраман, менга бироз имкон беринг” десангиз олам гулистон!

5. Низоли вазиятнинг хал бўлишининг ўзингиз учун манфаатли томонларини анланг ва ўзингизга шундай савол беринг: “Агар ечим топилмаса, нима бўлади?”. Бундай муносабат низони шахслараро муносабатлардан муаммонинг ечимига кўчирилишига туртки бўлади.

6. Агар суҳбатдош иккалангиз ҳам аччиқланиб турган бўлсангиз ва иш урушиб қолишгача бориб етаётганлигини англасангиз, ўзингиздаги ички тангликни, “зарда”ни чиқариб юборишга ҳаракат қилинг. Чунки агар аччиғингизни ташқарига чиқарсангиз, бу у томоннинг ҳам қайнаб кетишига сабаб бўлиб, вазиятни назорат қилиб бўлмай қолади. Энг яхшиси, ўзингизни тийиб, гапиришдан тўхтанг, майли суҳбатдошингиз ичидаги тўкиб солаверсин, ундаги жаҳл ва салбий ҳиссиётларни бетига айтишдан ўзингизни тийинг, келгусида унинг шундай важлхатга тушиши мумкинлигини унутманг.

7. Сиз билан урушиб қолган одамнинг ҳам қандайдир фазилатлари, яхши сифатлари борлигини унутманг ва диққатингизни ана шу жиҳатларга қаратинг. Масалан, эр ва хотин урушиб қолган пайтда аёл қанчалик баланд овозда ўз дардини тўкиб солаётганлигига қарамай, унинг фарзандларнинг онаси, меҳрибон эканлигини, уларга шунадй қилиқлар қилмаслигини эр ёддан чиқармаса бас.

8. Суҳбатдошингизга сизнинг ўрнингизга туриб, масалани хал қилиш йўлини ўйлашга чорланг, масалан, унга тахминан шундай мурожаат қилинг: “Мени ўрнимда бўлганингизда нима қилган бўлар эдингиз?” Бундай мурожаат суҳбатдошни ҳиссиётлардан реал вазиятни холис баҳолаш мақомига ўтишига асос бўлади ва унда танқидий руҳни бироз бўлса-да, юмшатади.

9. Суҳбатдош олдидаги афзалликларингиз, хизматларини миннат қилиб, хаспўшланманг. Содир бўлган низоли вазият ва воқеанинг сабабчиси фақат суҳбатдошингиз эканлиги фикридан қайтинг.

10. Пайдо бўлган зиддият қандай хал бўлишидан қатъий назар, шу инсон билан батамом муносабатларни узил-кесил узиб ташланманг. Масалан, агар бу эр ва хотин ўртасидаги ихтилоф бўлиб, у ажрим билан тугаган тақдирда ҳам ўртада фарзанд борлигини, барибир ҳаёт сўқмоқларида бир кун бўлмаса бир кун учрашиб, қандайдир янги бир муаммони биргалиқда хал қилишга тўғри келишини сира унутманг.

Шу каби вазиятлар турли фаолият жабҳаларида учраши мумкин, юқоридаги қоидаларни унутмаслик инсоннинг ўзига, саломатлигига, одамлар орасидаги обрўсига бевосита алоқадор эканлигини, яшаш баъзан зиддият ва низолар билан янада яхши бўлишини ҳеч ким унутмаслиги керак.

4.3. ГУРУҲЛАР ИЖТИМОЙ ПСИХОЛОГИЯСИ

4.3.1. Катта ижтимоий гуруҳлар психологияси

Ҳар бир шахс ўз фаолиятини турли гуруҳлар шароитида ёки турли гуруҳлар таъсирида амалга оширади. Чунки жамиятдан четда қолган ёки инсонлар гуруҳига умуман қўшилмайдиган индивиднинг ўзи йўқ, инсон жамиятда яшар экан, у доимо турли ўзига ўхшаш шахслар билан мулоқотда, ўзаро таъсирда бўлади, бу мулоқот жараёнлари эса доимо кишилар гуруҳида рўй беради. Шунинг учун ҳам гуруҳлар муаммоси, уни ўрганиш ва гуруҳларнинг шаклланишига оид илмий хулосалар чиқариш ижтимоий психологиянинг асосий мавзуларидан ва муаммоларидан биридир.

Психологик маънода *гуруҳ* – бу умумий белгилар, умумий фаолият, мулоқот ҳамда умумий мақсад асосида бирлашган кишилар уюшмасидир. Демак, одамлар гуруҳи ташкил топиши учун албатта қандайдир умумий мақсад ёки тилаклар, умумий белгилар бўлиши шарт. Масалан, талабалар гуруҳи учун умумий нарсалар кўп: ўқув фаолияти, билим олиш, ёшларга хос бирликлар (ўспирин ёшлар), маълум ўқув юртида таълим олиш истаги ва ҳоказо. Кўчада бирор тасодиф рўй берганлиги учун тўпланган кишилар учун ҳам умумий бўлган нарса бор – бу қизиқувчанлик бўлиб ўтган ҳодисага гувоҳлик, унга умумий муносабатдир.

Гуруҳни алоҳида шахслар ташкил этади, лекин ҳар бир гуруҳ психологияси уни ташкил этувчи алоҳида шахслар психологиясидан фарқ қилади ва ўзига хос қонуниятларига бўйсунди. Айни шу қонуниятларни билиш эса турли типли гуруҳларга бошқариш ва ана шу гуруҳларни ташкил этувчиларни тарбиялашнинг асосий мезонидир.

Гуруҳларнинг турлари кўп, шунинг учун ҳам уларни турли олимлар турлича классификация қиладилар. Бизнинг назаримизда, Г.М.Андреевнинг “Ижтимоий психология” дарслигидаги классификация гуруҳларнинг асосий турларини ўз ичига қамраб олган. У ҳар қандай кишилар гуруҳини аввало *шартли ва реал гуруҳларга* бўлади. Реал гуруҳлар аниқ тадқиқот мақсадларда тўпланган лаборатория типдаги ҳамда табиий гуруҳларга бўлинади. Конкрет фаолият ва одамларнинг эҳтиёжлари асосида ташкил бўладиган бундай табиий гуруҳларнинг ўзи кишиларнинг сонига қараб *катта, кичик гуруҳларга* бўлинади. Катта гуруҳлар уни ташкил этувчиларнинг мақсадлари, фазовий жойлашишлари, психологик хусусиятларига қараб уюшган ва уюшмаган турларга, кичиклари эса ўз навбатида энди шаклланаётган – диффуз ҳамда тараққиётнинг юксак поғонасига кўтарила олган жамоа турларига бўлинади. Гуруҳларнинг ижтимоий психология учун айниқса муҳим ҳисобланган турларига таъриф бериш ва уларнинг психологик

қонуниятларини ўрганишни мақсад қилиб қўйган ҳолда, бевосита катта гуруҳларнинг ижтимоий психологик қонуниятларини ўрганишга ўтамиз.

Катта гуруҳлар психологиясига хос хусусиятлар ва уларни илмий тадқиқ қилиш принциплари. Катта гуруҳлар кишиларнинг шундай бирлашмаларики, ундаги одамлар сони аввало кўпчиликни ташкил этиб, маълум синфий, илмий, ирқий, профессионал белгилар уларнинг шу гуруҳга мансублигини таъминлайди. Катта гуруҳларни ташкил этувчилар кўп сонли бўлганлиги ва улар хулқ-атворини белгиловчи механизмларининг ўзига хослиги туфайли бўлса керак, ижтимоий психологияда олимлар кўпинча кичик гуруҳларда иш олиб боришни афзал кўрадилар. Лекин катта кишилар уюшмасининг психологиясини билиш жуда катта тарбиявий ва сиёсий-мафкуравий аҳамиятга эга. Бу соҳадаги тадқиқотларнинг камлиги бир томондан, айтиб ўтилганидек, кўпчиликни камраб олишдаги қийинчиликлар бўлса, иккинчи томондан, катта гуруҳлар психологиясини ўрганишга қаратилган методик ишлар захирасининг камлигидир, яъни, катта гуруҳларнинг психологиясини ўрганишга мўлжалланган махсус методикалар кам ишлаб чиқилган. Масалан, ишчилар ёки зиёлилар синфи психологияси ўрганилиши керак, дейлик. Аввало ўша ишчиларнинг сони кўп, қолаверса, ишчиларнинг ўзи турли ишлаб чиқариш шароитларида ишлаётган, турли иқлим шароитларида яшаётган турли миллатга мансуб кишилардир. Уларнинг барчасини камраб оладиган ягона ишончли методикани топиш масаласи тадқиқотчи олдида жуда жиддий муаммоларни қўяди. Шунинг учун ҳам ҳар бир катта гуруҳга тааллуқли бўлган асосий, етакчи сифатни топиш ва шу асосда унинг психологиясини ўрганиш ҳозирча ижтимоий психологиядаги асосий методологик йўлланма бўлиб келмоқда. Қолаверса, катта гуруҳлар жамиятнинг тарихий тараққиёти мобайнида шаклланган гуруҳлар бўлгани учун ҳам ҳар қандай гуруҳни ўрганишдан олдин, хоҳ бу синфлар бўлсин, хоҳ миллатлар ёки халқлар психологияси бўлсин, унинг ҳаёт тарзи, унга хос бўлган одатлар, удумлар, анъаналар ўрганилади.

Ижтимоий психологик маънода, *ҳаёт тарзини ўрганиш* деганда, у ёки бу гуруҳга тааллуқли бўлган кишилар ўртасида амалга ошириладиган мулоқот типлари, ўзаро муносабатларда устун бўлган психологик омиллар, қизиқишлар, қадриятлар, эҳтиёжлар ва бошқалар назарда тутилади. Ана шуларнинг умумийлиги туфайли ҳар бир шахсда, яъни у ёки бу катта гуруҳга мансуб бўлган шахсда типик хислатлар шаклланади. Масалан, 90-йиллар ёшларига хос бўлган типик сифатлар ана шу ёшлар ўртасида кенг тарқалган урф-одатлар, мода, сўзлашиш хусусиятлари, қадриятлар, қизиқишлар ва ҳоказолар туфайли шаклланади. Шунинг учун ҳам 20 ёшли кишининг психологиясини тўлиқ равишда ўрганиш учун ундаги билиш жараёнларининг ўзига хослиги, шахси, характери ва бошқа индивидуал психологик хусусиятларидан ташқари, яна унга ўхшаш ёшларда устун бўлган психологик хислатларнинг қанчалик намоён бўлишини, у мансуб

бўлган ва асосан вақтини ўтказадиган гуруҳлар психологиясини, миллий сифатларини ҳам назарда тутиш ва уларни ўрганиш зарур. Бу дегани, ҳар бир шахс онгида унинг якка, алоҳида орттирган шахсий тажрибасига алоқадор психологик тизимлардан ташқари, унинг қайси миллат, элат синфга мансублигига алоқадор психологик хусусиятлар ҳам мавжуддир ва уни илмий тадқиқотчи инкор этмаслиги керак.

4.3.2. Кичик гуруҳлар психологияси

Кичик гуруҳлар муаммоси ижтимоий психологияда энг яхши ишланган ва кўплаб илмий тадқиқотлар ўтказилган объектлардандир. Бу анъана Америкада асримиз бошида ўтказилган кўплаб экспериментал тадқиқотлардан бошланган бўлиб, уларда олимлар олдида қўйилган асосий муаммо шу эдики, индивид якка ҳолда яхши ишлайдими ёки гуруҳда яхшироқ самара берадими, бошқа одамларнинг ёнида бўлиши унинг фаолиятига қандай таъсир кўрсатади каби саволларга аниқ илмий асосланган жавоб топиш заруратидир. Шунини таъкидлаш лозимки, бундай шароитларда индивидларнинг ўзаро ҳамкорлиги (*интеракция*) эмас, балки уларнинг бир вақтда бир ерда бирга бўлганлиги фактининг (*коакция*) таъсири ўрганилди. Олинган маълумотлар шунини кўрсатадики, бошқалар билан ҳамкорликда бўлган индивид фаолиятининг тезлиги ошади, лекин ҳаракатлар сифати анча пасайиши аниқланди. Бундай маълумотлар америкалик Н.Триплетт, немис олими А.Майёр, рус олими В.М.Бехтерев, яна бир немис олими В.Мёде ва бошқаларнинг тадқиқотларида ҳам қайд этилди. Бу психологик ҳодиса ижтимоий психологияда ***ижтимоий фацилитация*** номини олди, унинг моҳияти шундан иборат эдики, индивиднинг фаолият маҳсулларига унинг ёнида бўлган бошқа индивидларнинг бевосита таъсири бўлиб, бу таъсир аввало сенсор кучайишлар ҳамда иш-ҳаракатларнинг, фикрлашларнинг тезлигида намоён бўлади. Лекин айрим экспериментларда тесқари эффект ҳам кузатилди, яъни, бошқалар таъсирида индивид реакцияларидаги тормозланиш фаолиятининг сусайиши ҳолатлари кузатилди. Бу ҳодиса фанда ***ингибиция*** номини олди. Лекин олинган фактларнинг қандайлигидан қатъи назар, олимлар учун кичик гуруҳлар асосий тадқиқот мавзусига айланиб қолди ва улар натижасида қатор қонуниятлар очилди.

Биринчидан, кичик гуруҳларнинг ***ҳажми***, уни ташкил этувчи шахслар сони хусусида шундай фикрга келиндики, кичик гуруҳ “диада” икки кишидан тортиб, то мактаб шароитида 30-40 кишигача деб қабул қилинди. Икки кишилиқ гуруҳ дейилганда, аввало оила – янги шаклланган оила кўпроқ назарда тутилади. Лекин самарали ўзаро таъсир назарда тутилганда “плюс-мунис 7 – 2” киши назарда тутилади. Бундай гуруҳ турли ижтимоий психологик тадқиқотлар учун ҳам, социал психологик тренинглар ўтказиш учун ҳам қулай ҳисобланади.

Иккинчидан, гуруҳнинг *ўлчами* қанчалик катта бўлса, унинг алоҳида олинган шахслар учун кадрсизланиб бориш хавфи кучаяди. Яъни, шахснинг кўпчиликдан иборат гуруҳдан ўзини тортиш ва унинг нормаларини бузишга мойиллиги ортиб боради.

Учинчидан, гуруҳнинг ҳажми кичиклашиб борган сари шахслараро *ўзаро муносабатлар таранглашиб* боради. Чунки, шахсларнинг бир-бирлари олдида масъулиятларининг ошиши ва яқиндан билишлари уларнинг ўртасидаги алоқаларда доимо аниқлик бўлишини талаб қилади. Муносабатлардаги ҳар қандай дисбаланслар очиқ ҳолдаги зиддиятларни келтириб чиқаради.

Тўртинчидан, агар гуруҳ аъзоларининг сони *тоқ* бўлса, улар ўртасидаги ўзаро муносабатлар жуфт бўлган ҳолдагидан анча яхши бўлади. Шундан бўлса керак, бошқарув психологиясида одамларни бирор лавозимларга сайлашда, сайлов компанияларида номзодларни электоратга тақдим этишда ва умуман расмий танловларда гуруҳдаги одамлар сони тоқ қилиб олинади.

Бешинчидан, шахснинг *гуруҳ таъйиқига* берилиши ва бўйсунлиши ҳам гуруҳ аъзоларининг сонига боғлиқ. Гуруҳ сони 4-5 киши бўлгунга қадар, унинг таъсири кучайиб боради, лекин ундан ортиб кетгач, таъсирчанлик камайиб боради. Масалан, кўчада содир бўлган бахтсиз ҳодисанинг гувоҳлари сони ортиб борган сари, жабрланганга ёрдам беришга интилиш, масъулият ҳисси пасайиб боради.

Бу қонуниятларни билиш, табиий гуруҳларни бошқариш ишини анча енгиллаштиради. Бу қонуниятлар айниқса, мактаб педагоглари ва мураббийлар учун аҳамиятли ҳисобланади. Чунки улар аслида таълим-тарбия жараёнида муайян кичик гуруҳларни ташкил этувчиларни тарбиялайдилар, бунинг учун эса улар мансуб бўлган гуруҳ фаолиятини бошқариш, гуруҳ орқали айрим-алоҳида шахсни тарбиялашни зиммаларига оладилар.

4.3.3. Кичик гуруҳларнинг классификацияси

Тарихан кичик гуруҳларни *расмий ва норасмий* турларга бўлиш қабул қилинган. Бундай бўлинишни америкалик олим Э.Мэйо таклиф этган эди. Унинг фикрича, *расмий гуруҳ* ҳар бир аъзоларнинг расмий ролларга эга эканлиги, улар мавқеининг ва гуруҳда тутган ўрнининг аниқлиги билан характерланади. Бундай гуруҳларда муносабатлар асосан “вертикал” тарзда рўй бериб, гуруҳнинг бир ёки бир неча аъзосида “ҳокимият” бўлганлиги учун ҳам, улар бошқаларни бошқариш, уларга буйруқ, расмий кўрсатмалар бериш ҳуқуқига эга бўладилар. Расмий гуруҳга мисол қилиб ҳар қандай биргаликдаги фаолият мақсадлари асосида шаклланган жамоаларни – ишлаб чиқариш бригадаси, талабалар гуруҳи, синф ўқувчилари, педагогик жамоа ва бошқаларни олиш мумкин.

Расмий гуруҳлардан фарқли ўлароқ *норасмий гуруҳлар* ҳам мавжуд бўладики, улар асосан стихияли тарзда, аниқ мақсадсиз таркиб топади ва уларда аъзоларнинг аниқ мавқелари, роллари олдиндан белгиланган бўлмайди. Кўпинча норасмий гуруҳ расмий гуруҳ таркибида ташкил топади ва уларни бошқариш ҳам олдиндан белгиланган бўлмай, одамлар ичидан у ёки бу шахсий сифатлари туфайли ажралиб чиққан аъзолар норасмий раҳбарлик ролини бажаришлари мумкин.

Бундан ташқари, ижтимоий психологияда *референт гуруҳ* тушунчаси ҳам бор. Бу тушунча фанга биринчи марта америкалик тадқиқотчи Г.Хаймен томонидан 1942 йилда киритилган эди. У ўз тадқиқотларида шуни исбот қилдики, маълум бўлишича, гуруҳ аъзолари учун шу гуруҳ ичида ёки бошқа доираларда шундай шахслар гуруҳи мавжуд бўлар эканки, у ўз хатти-ҳаракатлари, фикрлари ва йўналишларида ўша гуруҳ аъзоларига эргашиш, уларни танқидсиз қабул қилишга мойил ҳамда тайёр бўлар экан. Шундай шахслар гуруҳи референт гуруҳ номини олди. Ўқувчи учун бундай гуруҳ ролини мактабдаги бир неча ўқитувчилар, отаси ёки онаси, яқин дўсти ёки қариндошларидан кимдир ўйнаши мумкин. Шуниси характерлики, шахс доимо шу гуруҳга эргашади, уни қадрлайди, у билан мулоқотда бўлишга интилади. Рус психологлари бу гуруҳни одатда шахс учун мавжуд ҳақиқий гуруҳ (аъзолик гуруҳи) таркибида ёки унга қарши бўлган гуруҳ сифатида қарайдилар. Нима бўлганда ҳам ана шундай гуруҳнинг мавжудлиги шахс учун аҳамиятли бўлиб, унинг хулқ-атвори учун эталон ҳисобланади. Тадқиқотчи ёки тарбиячининг вазифаси, ана шу гуруҳни аниқлай олиш ва аниқлагандан сўнг нима учун айнан шу гуруҳ референт ролини ўйнаганини билиш муҳимдир. Референт гуруҳга қараб шахсга баҳо бериш, унинг хулқ-атворини башорат қилиш мумкин.

4.3.4. Кичик гуруҳлардаги динамик жараёнлар

Маълумки, гуруҳда тўпланган кишилар ўртасида доимий мулоқот ва муносабатлар мавжуд бўладики, уларнинг мазмуни ва йўналишига кўра, ўзига хос социал психологик муҳит шаклланади. Бу муҳит гуруҳнинг тараққиётини ҳам, ундаги турли жараёнларни ҳам белгилайди. Гуруҳнинг *динамик жараёнлари* деганда аввало унинг шаклланиш жараёни, лидерлик ва гуруҳда турли қарорларни қабул қилиш жараёни, гуруҳнинг ҳар бир шахсга таъсири кабилар тушунилади.

Гуруҳнинг шаклланиши, унинг пайдо бўлиши ҳақида гапириладиган бўлса, аввало шуни таъкидлаш лозимки, гуруҳ жамият эҳтиёжлари ва ижтимоий талаблар асосида пайдо бўлади. Масалан, синф жамоаси доимо болаларнинг туғилиши, ривожланиши ва уларнинг мактабларда таълим олишлари кераклиги учун, талабалар гуруҳи ҳам шунга ўхшаш олий маълумотли шахслар керак бўлганлиги учун пайдо бўлади ва ҳакозо. Лекин бу масаланинг ижтимоий томони. Уни соф психологик томони ҳам борки, у

одамларнинг нима учун жамоаларда ишлаши, одамлар ичида бўлиши билан боғлиқ. Чунки ҳар бир нормал инсонда мулоқотга бўлган эҳтиёж ҳамда турли ҳаётий вазиятларда ўзини ижтимоий ҳимояда сезиш эҳтиёжи борки, бу нарса турли кичик жамоаларда уларнинг бўлиниши тақозо қилади. Лекин гуруҳга аъзо бўлиш билан биргаликда ҳар бир индивид қатор гуруҳий жараёнларнинг гувоҳи бўлади.

Биринчидан, гуруҳ ўз аъзоларига маълум тарзда *психологик таъсир* кўрсатади. Бу ҳодиса психологияда **конформизм** деб аталади (ўзбек тилида “мосланиш” маъносини билдиради). Бу ҳодисанинг моҳияти шундан иборатки, у индивиднинг гуруҳда қабул қилинадиган нормалар, фикрлар, ҳулқ-атвор стандартларини қанчалик қабул қилиш ёки қабул қилмаслиги билан боғлиқ. Гуруҳ фикрини қанчалик тез қабул қилиш, унинг таъсирига берилиш индивид билан гуруҳнинг зиддиятларини олдини олиши мумкин. Шунинг учун ҳам индивид ана шундай ҳатти-ҳаракат қилишга интилади. Лекин ана шундай гуруҳ фикрига, ҳаракатига қўшилиш турли шаклларда бўлиши мумкин: **ташқи конформлилик** - индивид гуруҳ фикрига номигагина қўшилади, аслида руҳан у гуруҳда қарши туради: **ички конформлилик** – индивид гуруҳ фикрига тўлиғича қўшилади ва руҳан қабул қилади. Ана шундай ҳолларда индивид билан бошқалар ўртасида зиддият ёки конфликтлар пайдо бўлмайди. Бу ўринда яна бир тушунча ҳам бор, у ҳам бўлса **“негативизм”** тушунчасидир, бу индивиднинг ҳар қандай шароитда ҳам гуруҳ фикрига қарши туриши ва ўзича мустақил фикр, мавқени намоён қилишидир. Бу табиий индивид учун ноқулай, лекин мустақил фикр, одил ҳаракатлар доимо ҳурмат қилинадиган жамоаларда негативизм ҳодисаси ёмон иллат сифатида қабул қилинмайди.

Гуруҳлардаги яна бир жараён - бу гуруҳнинг **уюшқоқлиги** муаммосидир. Гуруҳ аъзоларининг бир-бирларини яхши билишлари, бир-бирларининг дунёқарашлири, ҳаётий принциплари, қадриятларини яхши тасаввур қилишлари бундай уюшқоқликнинг биринчи омилидир. Иккинчи асосий омил - бу ўша гуруҳни бирлаштириб турган фаолият мақсадларини, унинг йўналиши ва мазмунини билишдаги ғоявий бирликдир. Умуман, экспериментал тадқиқотларда қайд этилган гуруҳга оид фикрлардаги умумий уюшқоқликка ижобий замин ҳисобланади.

Гуруҳлардаги лидерлик ва умумий қарорларга келиш ҳам динамик жараёнларга киради, лекин бу масалаларни бошқариш психологияси масалалари доирасида кейинги бҳлимларда ўрганамиз.

4.3.5. Этник гуруҳлар психологияси

Ижтимоий психологияда катта гуруҳлар ичида этник гуруҳлар психологияси, яъни этнопсихология бўйича кўпроқ тадқиқотлар ўтказилди. Айниқса, ҳозирги даврда ҳар бир республикалар алоҳида, мустақил давлат

мавқеини олган, лекин бошқа томондан қараганда, ҳамдўстлик мамлакатлари иттифоқи шароитида миллатлар ўртасида муттасил алоқалар мавжудлигидан келиб чиқиб, миллий психология масалалари кун тартибида аввалгидан ҳам муҳим масала сифатида қўйилмоқда. Шунинг учун ҳам катта гуруҳлар ичида миллий гуруҳларга кўпроқ эътибор беришни лозим топдик, бундай эътиборнинг яна бир боиси – Ўзбекистонда бу соҳада нисбатан тадқиқотларнинг кўпроқ ўтказилганлиги, лекин улар кўп ҳолларда миллий психология даражасига олиб чиқилмаганлигидандир.

Миллий психология нима ва уни қандай қилиб ўрганиш мумкин? Бу ҳозирда, яъни мустақил Ўзбекистон шароитида, кўпгина тадқиқотчиларни кизиқтираётган масаладир. Чунки давр этнопсихологиядан шундай эмпирик маълумотлар кутмоқдаки, у фақатгина миллий онга тааллуқли бўлган ҳозирги ва ўтмишдаги ҳолатни эмас, балки миллатнинг эртанги кунини, унинг онги қайси томонга ўзгаришини, миллатлараро содир бўладиган жараёнларни башорат қилмоғи лозим. Бунинг учун эса унга кучли этнопсихологик назария ва ишончли методлар керак. Ўзбекистон олимлари охириги пайтларда масаланинг худди ана шу томонига катта эътибор бермоқдалар. Чунки собиқ Иттифоқ шароитининг ўзи ана шундай кучли назариянинг бўлиши учун анчагина тўғаноқ бўлган, эмпирик тадқиқотлар эса, аввал таъкидлаганидек, тор гуруҳлар доирасидан, аввало, оилалар доирасидан чиқмаган эди.

Этнопсихология – бу психологиянинг шундай тармоғики, у айрим олинган миллатлар психологиясидан ташқари, турли халқлар психологиясини, кичик миллий гуруҳларни ҳам ўрганади. Маълумки, бу борадаги биринчи илмий тадқиқотларни В.Вундт бошлаб берган эди. Унинг тадқиқотларидаги “халқ” тушунчаси аслида этник уюшма маъносида тушунтирилган эди. Унинг фикрича, этник гуруҳлар психологиясини ўрганиш учун уларнинг тилини, одатларини ва ана шу халқларда кенг тарқалган афсоналар ва бошқа онг тизимларини ўрганиш керак. Шуниси диққатга сазоворки, Вундтдан кейинги даврда ўтказилган муҳим тадқиқотлардан бири бизнинг ўлкамизда ўтказилган бўлиб, уни психолог А.Р.Лурия амалга оширган эди. Бу экспериментал тадқиқот бўлиб, уни ўтказишдан асосий мақсад Л.С.Виготскийнинг маданий-тарихий ёндашув ғоясини текшириш эди. Лурия бошчилигидаги олимлар гуруҳи революция бўлиб ўтган Ўзбекистон шароитида турмуш тарзининг ўзгариши билан ўзбек халқи психологиясининг ҳам ўзгарганлигини исбот қилмоқчи бўлганлар. Асосий мақсад билиш жараёнларининг ўзгарганлигини исбот қилиш бўлса ҳам тадқиқотчилар ўз-ўзини англаш ва ўз хулқ-атворини анализ қилиш борасида ҳам уйда ўтирадиган аёллар, эндигина савод олиш мақсадида саводхонлик курсларида ўқиётган хотин-қизлар ҳамда педагогика билим юртларида таълим олаётган қизлар ўртасида фарқ бор-йўқлигини текширишди. Тадқиқот асосан ўз-ўзини анализ қилиш методи ёрдамида ўтказилган бўлиб, тадқиқот мобайнида

аёлларга турли саволлар орқали ўз шахсига хос хусусиятларни, ўзидаги етакчи сифатларни аниқлаш ва баъзи психологик ҳолатларга баҳо бериш топшириғи берилди. Лекин жавобларнинг сифати, тўлиқлиги аёлларнинг билим савиясига ва ижтимоий алоқалар тизимида тутган ўрнига боғлиқ бўлиб чиқди. Уйда ўтирган аёллар кўп ҳолларда кўйилган саволни ҳам англамасликлари маълум бўлди. Лурия шу нарсага иқдор бўлдики, ўзбеклардаги онг асосан бошқа одамлар фикрига боғлиқ эканлиги, тобелик психологияси кучлилигини аниқлади. Масалан, аёлларга ўзидаги ёмон сифатларни айтиш топшириғи берилганда, улар ёмон кўшнилари кўрсатишар ва умуман ўз-ўзини баҳолашдан кўра бошқаларни баҳолаш, уларга сифат характеристикалари бериш анча енгил туюларди.

Юқорида таъкидлаганимиздек, А.Р.Луриянинг асосий мақсади миллий психологик хусусиятларни ўрганишда тарихий тамойилига таяниш лозимлигини исботлаш ҳамда миллий психологиянинг ҳаёт тарзига, шахснинг жамиятда кишилар муносабатлари тизимида тутган ўрнига бевосита боғлиқлигини исбот қилиш эди. Лекин тадқиқотнинг аҳамияти шунда эдики, унда биринчи марта миллий психологияни ўрганишга ёрдам берувчи методлар ва методологик тамойиллар синаб кўрилди. Тўғри, бу тадқиқотда тўпланган маълумотлар ва илмий хулосалар билан бугунги кунда келишиб бўлмайди, қолаверса, бу концепциянинг ўзи неча бор қайта ишловни талаб қилди, лекин миллий психология бўйича ўтказилган кросс-тадқиқот сифатида унинг аҳамияти каттадир. Қўлланган пиктограмма – “сўз портретлари”ни, ўз-ўзини анализ қилиш методларини ҳозирги замонавий тадқиқотларда ҳам фақат янгича методологик принципларда қўллаш мумкин.

Охириги йилларда чет эл ва собиқ Иттифоқ олимларининг тадқиқотларини умумлаштириб, этнопсихологик ишларга ягона илмий ёндашувни топиш ҳаракатлари сезилмоқда. Бу соҳада машҳур рус этнографи ва психологи Ю.Бромлей олиб борган ишлар, унинг лабораториясида тўпланган маълумотлар мисол бўлиши мумкин. Ю.В.Бромлей этник гуруҳлар психологиясида икки томонни фарқ қилади:

1) *психик асос* – этник характер, темперамент, миллий анъаналар ва одатлардан иборат барқарор қисм;

2) *ҳиссий соҳаси* этник ёки миллий ҳис-кечинмаларини ўз ичига олган динамик қисм. Лекин тадқиқотчилар нима учундир, миллий психология масалалари билан шуғулланишганда, миллий қирралар ёки сифатларни аниқлаш билан шуғулланадилар-да, у ёки бу миллатларгагина хос бўлган қирраларни топишга уринадилар, лекин фан-техника ривожланган, миллатлар уйғунлиги, миллатларнинг доимий ўзаро ҳамкорлиги ва мулоқоти шароитида, аралаш никоҳлар кенг тарқалган шароитда фақат у ёки бу миллатга хос бўлган қирралар ҳақида гапириш жуда қийин. Масалан, ўзбекистонликлар ўртасида ўтказилган кичик тадқиқот натижасида шу нарса маълум бўлдики, меҳмоннавозлик,

камтарлик, самимийлик каби ижобий сифатлар ўзбек халқигагина хос эмиш. Тўғри, бу сифатлар албатта ўзбекларда бор. Лекин, айнан шу сифатлар бошқа миллатлар вакилларида йўқ дейишга ҳаққимиз йўқ. Худди ҳар бир шахс онгида турлича стереотиплар, яъни, ўрнашиб қолган образлар бўлганидек, ҳар бир оила, яқин ошна-оғайнилар ва ўзига ўхшаш шахслар билан мулоқот жараёнида у ёки бу миллат вакилида ҳам ўз миллатига хос бўлган сифатлар ҳақида стереотиплар пайдо бўлиб, улар онгида ўрнашиб боради. Бундай стереотиплар ўз миллатига ва бошқа халқларга нисбатан бўлиб, бошқалар ҳақидаги тасаввурлар анча содда, юзаки, мазмунан тор бўлади. Шундай тасаввурлар асосида бошқа миллатларга нисбатан ёқтириш (симпатия) ёки ёқтирмаслик (антипатия) ва бефарқлик муносабатлари шаклланади. Ўз миллати ҳақидаги тасаввур ва стереотиплар эса миллий “этноцентризм” ҳиссини шакллантирадики, шу ҳис туфайли шу миллий гуруҳ вакилларида бошқа миллатларга нисбатан иррационал муносабатлар пайдо бўлиши, бу эса миллий антогонизм ва миллий адоватларни келтириб чиқариши мумкин. Миллатлараро адоват ва миллий этноцентризмнинг ўзига хос туси борасида давлатимиз раҳбари Ислон Каримова ўзининг “Ўзбекистон ХХI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари” номли тарихий асарлари жуда теран фикрларни баён этганлар. Асарда таъкидланганидек, “Ўзбекистон аҳолисининг кўп миллатлилиги ўзбек халқининг миллий ўзлигини англаши ва маънавий қайта тикланишининг ўсиши билан чамбарчас боғлиқ ҳолда жамиятни янгилаш, уни демократлаштиришга ундовчи зўр куч бўлиб хизмат қилмоқда. Бу республиканинг жаҳон ҳамжамиятига қўшилиши учун қулай шарт-шароит яратмоқда”.⁸ Лекин таъкидлаш жоизки, мусатқилликнинг дастлабки йилларида юртимизда кўп йиллар мобайнида собиқ иттифоқ шароитида аҳолини бир хил “байналмилаллаштириш”, ягона “совет халқи” ғоясини сингдириш мафқураси таъсирида бўлган халқлар ва миллатларнинг миллий ўзлигини англаши, шу билан биргаликда миллатларао ва диний бағрикенглик сиёсатини олиб бориш унчалик осон кечмади. Президентимизнинг жамики юртимизда истиқомат қилаётган юздан зиёд миллат ва элатларнинг манфаатларини бир хил ҳимоя қилиш, улар ўртасида дўстлик ва ҳамжиҳатликни кучайтиришга қаратилган доно сиёсати туфайли, бугуни кунда барча ўзбекистонликлар шу юрт, шу Ватан равнақи йўлида бир хил курашиш билан биргаликда ўз миллий қадриятлари, маданияти, санъати, яшаш тарзини ҳурмат қилишга, унинг энг жозибали ва тарбиявий нуқтаи назардан ноёб анъаналарини давом эттириш, намоён этиш имкониятига эга бўлдилар. Зеро, давлатимиз раҳбари таъкидлаганларидек, “Ҳар қандай миллат, у нақадар кичик бўлмасин – инсониятнинг бойлигидир ва ҳар қандай миллий бирликнинг, унинг тил, маданий ва бошқа

⁸ И.А. Каримов. Ўзбекистон ХХI аср бўсағасида.- Т.: Ўзбекистон, 1997 – 72 б.

хусусиятларининг йўқ бўлиб кетиши Ер юзидаги маданий ва генетик фонднинг, шахс имкониятларининг қашшоқлашувига олиб келади. Шу боис ҳар бир этник бирликни сақлаб қолиш унга мансуб одамларнинг энг муҳим мақсади бўлмоғи керак.”⁹ Демак, мустақил юртимизда миллатлараро ва эламтлар ичидаги ўзаро алоқалар муаммолари стратегик аҳамиятли бўлиб, бу ўз навбатида олимлар, хусусан, этнопсихологлар олдида миллатлар дўстликни ва баҳамжиҳатликни такомиллаштиришга йўналтирилган фундаментал ва тадбиқий ишларни амалга ошириш, натижалари билан юртимизда тинчлик ва тотувликни барқарорлаштиришга ҳисса қўшиш вазифасини кўяди.

Бу борада, ижтимоий психологлар ва мафкурачилар олдида турган муаммолардан бири миллат вакилларида *миллий гурур*ни соф ижтимоий психологик феномен сифатида ўрганиш, унинг ёшларда мафкуравий иммунитетнинг шаклланишидаги ролига алоқадор психологик механизмларни тадқиқ этишни кўндаланг қилиб кўяди. Чунки кўпинча миллий гурур туфайли айрим шахсларда бошқа миллатларни менсимаслик, улардаги гурур ёки миллий ҳисларни тан олмаслик ҳоллари кузатилиши мумкин. Умуман, бизнинг фикримизча, миллий адоватлар асосида ётган этноцентризм ва миллий гурурнинг салбий кўринишлари бошқа миллатларнинг тарихини, уларнинг анъаналарини, тили ва ҳоказоларини билмасликдан келиб чиқади. Миллий психология бўйича ўтказилиши лозим бўлган тадқиқотларнинг мақсадларидан бири ҳам бошқа миллатлар психологиясини билиб, уни бошқа миллатларга етказиш туфайли, ҳар бир миллат вакилига ҳурмат - иззат ҳиссини кучайтиришдир. Чунки ўзини ҳурмат қилмаган одам бошқани ҳурмат қилмайди, бунинг учун эса ўз психологиясини ҳам, ўзгалар психологиясини ҳам билиши керак. Шундагина шахслараро зиддиятларга барҳам берилиши мумкин. Бу нарса миллатлар психологиясига ҳам хосдир. Яъни, фан жамиятга шундай этнографик ва этнопсихологик маълумотлар мажмуини яратиб бериши лозимки, ундаги маълумотлар асосида катта гуруҳ ҳисобланган миллатлар психологиясини ҳам бошқариш мумкин бўлсин.

⁹ Ислом Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида... – Т.: Ўзбекистон, 1997 – 73-74 б.

4.4. ИЖТИМОЙ ПСИХОЛОГИЯ ВА ШАХС

4.4.1. Ижтимоий психологияда шахс муаммоси

Ижтимоий психологияда шахс муаммоси. Шахснинг ижтимоий - психологик тизими. Шахсни тарбияловчи макро- ва микро муҳит тушунчаси

Маълумки, шахсни кўплаб фанлар турли хил томондан ўрганadi. Бир йўналиш биологик бўлса, бошқаси – социологик, яна бир тури индивидуал психологик ва

Ниҳоят, яна бир ёндашув ижтимоий психологикдир. **Биологик** нуқтаи назардан шахс тараққиёти индивид наслий жиҳатдан орттирган генетик дастурларнинг амалда рўёбга чиқиши тарзида тасаввур этилади. **Социологик** ёндашув шахснинг маданий-тарихий муҳит таъсирида камол топишини тан олади. Улардан фарқли **индивидуал-психологик** ёндашув шахснинг ривожланишига унинг тана тузилиши ёки конституционал жиҳатлари ва асаб тизими типининг таъсири борлигини таъкидлаб, ўрганadi.

Шахсни ўрганишнинг **ижтимоий-психологик ёндашуви** уни ижтимоийлашунинг бевосита махсули сифатида қараб, унинг ижтимоий психологик тизимини бевосита ўраб турган ижтимоий муҳит таъсирида ўрганadi. Бу борада бир қанча олимларнинг ўзига хос нуқтаи назарлари ҳам мавжуд. Масалан, *К.К. Платонов* шахс тизимида тўртта асосий жабҳани ажаратади:

- 1) **Шахснинг йўналганлиги ва муносабатлари тизими**: унинг майллари, хоҳиш-истаклари, қизиқишлари, лаёқати, идеаллари, дунёқараши, эътиқоди кабиларни ўз ичига олади. Бу тизимдаги хусусиятлар ижтимоий характерга эга бўлиб, улар инсоннинг жамиятда яшаши, ундан оладиган тарбия шакллари, мафкуравий муҳит асосида шаклланади.
- 2) **Шахснинг индивидуал ижтимоий таърибаси**: бу жабҳадаги сифатлар инсон ҳаёти мобайнида орттирадиган билимлари, малака ва кўникмалари асосида намоён бўлади. Бу сифатлар ижтимоий характерли бўлиб, кўпроқ таълим жараёнида шаклланади.
- 3) **Инсон психик жараёнларининг индивидуал хусусиятлари**: хотира, идрок, сезгилар, тафаккур, қобилиятлар каби бир қарашда туғма омилларга боғлиқ хусусиятлар инсон умри давомида такомиллашиши ва унинг бошқа ижтимоий сифатлари таъсирида индивидуал ўзига хослик касб этиши мумкин.
- 4) **Биологик хусусиятларга боғлиқ шахс сифатлари**: бунга шахснинг типологик, ёшига оид, жинсий хусусиятлари киради ва у кўпинча биоижтимоий омиллар сифатида қаралади.

А.Н. Сухов ва А.А. Деркачларнинг таъкидлашларида шахснинг ижтимоий психологик хусусиятлари ҳақида гап кетганда, аввало унинг фикрлаш тарзи, қадриятлари тизими, мотивацион белгилари (йўналганлик, ҳаётий мақсадлар, режалар, ҳаёт тарзи), когнитив сифатлар (ижтимоий тасаввурлар, ҳаёт манзаралари тўғрисидаги фикрлари), “Мен”-концепцияси, “Мен”-образи, ўзига муносабати, ўзига нисбатан баҳоси; ўзини назорат қилиш локуси, психологик билимдонлиги, ролли мақомлари, ижтимоий ҳис-туёғулари ва бошқалар назарда тутилади.

Ижтимоий психология учун ҳар бир шахснинг қай тарзда ўз ҳаёт йўлини белгилаши ва жамиятда шахслараро муносабатлардаги **мақоми – статуси** муҳимдир. Бу борада уни ўраб турган катта – *макро ижтимоий борлиқ* ҳамда *микро – кичик ижтимоий борлиқнинг* таъсирларини ўрганиш катта аҳамиятга эга.

Шахсга таъсир этувчи **макро муҳит** – бу инсон умри ўтадиган ва ҳаёти мобайнида унга таъсир этадиган табиий, ижтимоий ва ижтимоий шарт-шароитлар мажмуидир. Яъни, бизни ўраб турган жами борлиқ ўзининг ўзгарувчан ва нисбатан барқарор шарт-шароитлари билан бизнинг дунёқарашимиз, фикрлаш тарзимиз, қадриятларимизнинг шаклланишига таъсир кўрсатади. Масалан, қадимий шаҳарлар – Самарқанд, Хива, Бухоро қабилар ўзларининг тарихий обидалари билан маънавий қадриятларимиз тизимини белгиласа, Фарғона водийси, Қашқадарё воҳаси, бетакрор Бойсун табиати эстетик дидларни тарбиялаш билан биргаликда шахснинг олам ва одам, ҳаёт маъноси ва қадриятлари каби тушунчаларини кенгайтиради, унинг ижтимоий тасаввурларини такомиллаштиради.

Макро муҳит ҳақида гап кетганда, олимлар унинг глобал мифёсдаги ҳамда худудий таъсирларини фарқлайдилар. Бугунни очик ахборот маконида барчамиз бутун дунёда юз бераётган воқеа ва ходисаларни идрок этиш ва уларга нисбатан муайян позициямизни шакллантиришга муваффақ бўлган бўлсак, бу глобал макро муҳит таъсирлари майдонини ташкил этади. Бунда ОАВ орқали берилаётган маълумотлар, телесериаллар, реклама роликлари, турли шоу-кўрсатувлар, компьютер ўйинларининг роли сезиларлидир. Айниқса, ёшларнинг диди, талаблари, орзу-ҳаваслари, модага муносабати пайдо бўлишида шу каби глобал таъсирларнинг сезиларли эканлигига барчамиз гувоҳимиз.

Худудий жабҳада макро муҳитнинг таъсири қуйидаги омиллар орқали кечади:

- **демографик омил** – бу аҳоли зичлиги, туғилиш ва ўлимнинг динамикаси, умр давомийлиги, миграция жараёнлари ва б.қ.; масалан, аҳоли репродуктив маданиятининг ўзгариб бораётганлиги, оилада туғилаётган болалар сонинг камайиши, одамларнинг соғлом турмуш тарзи тўғрисидагитасаввурларининг ўзгариб бораётганлиги, замонавий тиббиётнинг инсон умрини узайтириш борасида қўлга киритаётган олмашумул ютуқлари, табиий, ҳар бир алоҳида олинган

шахс психикасида муайян давр ва худудга нисбатан ўзгаришларнисодир этиши табиийдир;

- **табиий-экологик омил** – яшаш жойининг қаерда ва қанча территорияда жойлашганлиги, ҳаво ҳарорати, фойдали қазилмаларнинг мавжудлиги, экологик вазият ва шу кабилар; масалан, Ер қурасида глобал ҳарорат исиши жараёни кўплаб худудларда истиқомат қиладиган одамларнинг турмуш тарзига ўзгартиришлар киритиши билан биргаликда уларнинг дунёқарашини, ҳаётий позицияларини ҳам ўзгартиради, албатта;
- **илмий-техника омили** – худуддаги фан ва технологияларнинг қай даражада ривожланганлиги, компьютерлаштириш даражаси, техника тараққиёти ва бошқалар айниқса, болалар психологияга бевосита таъсир кўрсатмоқда; бугун олимлар, психологлар ёш болаларни қандай қилиб, компьютердан, Интернет тармоғидан биров бўлса-да, чалғитиш, улар қизиқишлар оламига бошқа техник воситаларни тақдим этишни ўйламоқдалар, чунки доимий техника билан мулоқот инсоний муносабатларнинг қадрият сифатида чекинишига олиб келиши, ўз навбатида шахс тизимида айрим салбий хусусиятларни шакллантириши мумкин;
- **иқтисодий омил** – аҳоли даромадлари манбаи, инфляция даражаси, ишсизлик ва аҳолининг иш билан бандлиги ва хоказолар ҳам шахсга таъсир этувчи муҳим омиллар бўлиб, аҳоли даромад манбаларининг ортиб бораётганлиги шахснинг ўз имкониятлари, профессионал қобилиятлари даражасининг юқори бўлишини тақозо этади;
- **сиёсий-ҳуқуқий омиллар** – мамлакатдаги сиёсий тузилма, расмий мафқуранинг бор ёки йўқлиги, қонунчилик тизимининг мукамаллиги, инсон ҳуқуқларининг ҳимоя қилиниши даражаси ва бошқалар ҳам шахсга таъсир этади. Масалан, Ўзбекистонда хотин-қизларнинг давлат ва жамият қурилишидаги ролини кучайтиришга қаратилган қатор Президент Фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари уларнинг сайловлардаги иштирокини, давлат органлариива қарор чиқарувчи органлар фаолиятидаги иштироклари учун равон йўлларни очиб берди. Шу боис бугун мамлкат Парламентининг қўйи Палатасида ҳам, юқори палатаси – Сенатда ҳам хотин-қизларнинг улуши сезиларли даражада ошди;
- **ижтимоий-маданий омиллар** – халқ маънавияти, маданияти, анъаналари, удумларининг сақланганлиги, динга муносабатнинг ижобий томонга ўзгарганлиги, буюк шаҳарлар юбилейларининг, турли халқаро ва республика миқёсидаги санъат анжуманларининг мунтазам ўтказилиб келинаётганлиги, шаҳар ва қишлоқлар қиёфасининг кескин ўзгариб, ободошлашгани, ёшлар Форумлари, спорт мусобаҳалари, Универсиада, Бркамол авлод спорт мусобаҳалари кабилар миллий психологияда ҳам шахс

психологиясида ҳам фақат ижобий фазилатларнинг намоён бўлишига реал замин яратди.

Шахснинг микро муҳити – бу умумий ижтимоий муҳитнинг бир бўлаги бўлиб, у бу муҳитни ташкил этувчилар билан кундалик ижтимоий фаолиятида бевосита мулоқотда бўлиш имкониятига эгадир. Ушбу муҳитдаги ижтимоий муносабатлар шахслараро ўзаро ҳамкорлик, ҳамжиҳатлик, биргаликдаги фаолиятни амалга ошириш тарзида кечади. Бу муносабатларда бевосита макро муҳит таъсирлари бўлиши, унда ҳар бир шахснинг ёш, жинс, гуруҳий хусусиятлари, қайси оилада тарбияланганлиги каби жиҳатлар ўз инъикосини топади. Яъни, микро муҳит ҳар бир алоҳида ҳолатларда шахсни ўраб турган ижтимоий гуруҳ бўлиб, унинг ҳар бир вазиятдаги ўрни, йўналганлиги, мақсад-муддаолари бўлиши табиийдир.

4.4.2. Шахснинг ижтимоий психологик типологияси Шахсни ижтимоий психологик нуқтаи назардан типларга бўлиш кўп ҳолатларда унинг одамлар билан ўрнатадиган муносабатлари характериға қараб амалга оширилади. Америкалик психолог *А. Маслоу* бир инсон бошқасига худди ўзига муносабатда бўлгандай қараса, у иккинчи бошқаларға кибр билан, худди буюм ёки ходисаға қарагандай муносабат билдириши мумкин, деб одамлар ўртасидаги фарқнинг муфаррарлигини исботлаган эди. Э. Шостром Маслоу ўз фикрини ривожлантириб, биринчисини актуализатор, иккинчисини манипулятор, яъни, ўз манфаатиға бўйсундирувчи, бошқарувчи деб таърифлайди. Шу каби турли инсоний муносабатларни таҳлил этган олимлар шахснинг типологиясига ўзгача қарайдиган.

Э. Шпрангер таклиф этган типологияда шахс турли ҳаётий кадриятлар доирасида таърифланади: иқтисодий, эстетик, ижтимоий, сиёсий, диний. Америкалик Хорни эса шахсни бошқалар билан мулоқот объекти сифатида қараб, унинг уч тоифасини фарқлайди:

“Ёпишқоқ, киришимли шахс” – унда ўзгалар билан мулоқотға киришиш эҳтиёжи ўта кучли, кимни кўрса у билан дўстлашиб кетгиси, ўзини ёқтиртиргиси, суюкли бўлишни хоҳлайди ва унга доимой эътиборли бўлишлари, ғамхўрлик кўрсатишларини истайди, унинг шиори: “У мени севиши ва менга ғамхўрлик кўрсатиши керак”.

“Агрессив тип” – ўзгалар билан мулоқотдан ҳамиша манфаатдор бўлиш керак, бошқалардан доимо устун бўлишлари керак, акс холда жанжаллашишдан ҳам тоймайди, унинг шиори: “Менга бу одамдан фойда, наф чиқармикин?”.

“Бегоналашган тип” – учун ўзглаардан узоқроқ юриш маъқул, чунки шахслараро мулоқот, уларнинг фикрича ҳеч қачон яхшиликка олиб келмайди, гуруҳларда ишлашдан кўра ёлғиз ишлашни, ўқишни афзал кўради. “Мени тинч қўйишармикин?” унинг доимий шиори.

Норакидзе инсон хулқи ва унга ундовчи ички мотивларға кўра шахснинг қуйидаги турларини фарқлайди:

Баркамол шахс – унда ички туйғулар, мотивлар, истаклар билан ташқи хатти-ҳаракатда зиддият бўлмайди, дилидаги билан тилидаги мос, айтганини қиладиган, лавзли, вижлонли, имон-эътиқодли инсон. Бутун ақлий салоҳияти ва виждони билан ўзгаларнинг манфаатини ўйлайдиган ва шу билан биргаликда ҳамиша ўз устида ишлайдиган инсон баркамоллик йўлида бўлади.

Зиддиятли, низоли шахс – хулқи билан мотивлари ўртасида доимо қарама-қаршилик кузатилади, у одамлардан кўпроқ камчилик қидириб, ўзидаги нуқсонларни тан олмайди.

Импульсив шахс – ҳамиша ҳиссётларга берилади, ўйламай гапириш, бировларни дилини оғритиб қўйиш кейин афсусланиш унга хосдир. Кўпчилик орасида уларни фикридан кўра ўзини маъқуллаштиришни истайди, лекин ҳамиша ҳам ўз ҳукмини ўтказолмай, одамлардан хафа бўлиб юради.

Бу каби шахслар орамизда кўп, лекин ҳар бир шахснинг кимлиги, қандай инсон эканлиги албатта вазиятга, тарбияланган ижтимоий муҳитига, бажараётган амалларининг, хизмат бурчларининг қандай виждонан адо этилаётганлигига боғлиқ. Муҳими – ҳар бир шахс жамиятда ўзининг муносиб ўрнини топиш, ўзгалар манфаатини ўз манфаатлари доирасида тасаввур эта олиши керак.

4.4.3. Шахс томонидан ижтимоий таъсирларнинг англашиши

Шундай қилиб, шахс ижтимоий психологик мавжудот сифатида ҳамиша ижтимоий муҳит таъсирида бўлади ва уларни англайди. Ижтимоий нормалар, санкциялар, роллар ижтимоий механизмлар сифатида шахс хулқ-атворини маълум маънода бошқариб, мувофиқлаштириб туришга ёрдам беради. Лекин инсоннинг комиллиги, унинг ахлоқи, ижтимоий нормалар доирасидаги мақбул ҳаракати унинг ўзига ҳам боғлиқдир. Одамнинг ўз-ўзини англаши, билиши ва ўз устида ишлаши аввало унинг диққати, онги бевосита ўзига, ўз ички имкониятлари, қобилиятлари, ҳиссий кечинмаларига қаратилишини тақозо этади. Яъни, **ижтимоий хулқ** – шахс томонидан уни ўраб турган одамлар, уларнинг хулқ-атвориغا эътибор беришдан ташқари, ўзининг шахсий ҳаракатлари ва уларнинг оқибатларини мунтазам тарзда таҳлил қилиб бориш орқали, ролларни мувофиқлаштиришни ҳам тақозо этади.

Шахснинг ўзи, ўз хулқ-атвори хусусиятлари, жамиятдаги мавқеини тасаввур қилишидан ҳосил бўлган образ – “Мен” – образи деб аталиб, унинг қанчалик адекватлиги ва реалликка яқинлиги шахснинг жамиятдаги ижтимоий мавқеини белгилайди ва унинг баркамоллиги мезонларидан ҳисобланади.

“Мен” – образининг ижтимоий психологик аҳамияти шундаки, у шахс тарбиясининг ва тарбияланганлигининг муҳим омилларидан ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан олиб қаралганда, **тарбия - шахснинг**

ўзи ва ўз сифатлари тўғрисидаги тасаввурларининг шаклланиши жараёндир, деб таъриф бериш мумкин. Демак, ҳар бир инсон ўзини, ўзлигини қанчалик аниқ ва тўғри билса, тасаввур қилолса, унинг жамият нормаларига зид ҳаракат қилиш эҳтимоли ҳам шунчалик кам бўлади, яъни у тарбияланган бўлади.

Ўз-ўзини англаш, ўзидаги мавжуд сифатларни баҳолаш жараёни кўпинча конкрет шахс томонидан оғир кечади, яъни, инсон табиати шундайки, у ўзидаги ўша жамият нормаларига тўғри келмайдиган, ноъмақул сифатларни англамасликка, уларни “яширишга” ҳаракат қилади, ҳаттоки, бундай тасаввур ва билимлар онгсизлик соҳасига сиқиб чиқарилади (бу фикр австриялик олим З.Фрейд назариясига ҳам мос келади). Бу атайлаб қилинадиган иш бўлмай, у ҳар бир шахсдаги ўз шахсиятини ўзига хос ҳимоя қилиш механизмидир. Бундай ҳимоя механизми шахсни кўпинча турли хил ёмон асоратлардан, салбий, ўзи учун ёқимсиз ҳиссий кечинмалардан асрайди. Лекин шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, “Мен” – образининг ижобий ёки салбийлигида яна ўша шахсни ўраб турган ташқи муҳит, ўзгалар ва уларнинг муносабати катта рол ўйнайди. Одам ўзгаларга қараб, гўёки ойнада ўзини кўргандай тасаввур қилади. Бу жараён психологияда рефлексия деб аталади. Унинг моҳияти – айнан ўзига ўхшаш одамлар образи орқали ўзи тўғрисидаги образни шакллантириш, жонлантиришдир. Рефлексия “Мен” – образи эгасининг онгига тааллуқли жараёндир. Масалан, кўчада бир танишингини учратиб қолдингиз. Сиз тинмай унга ўз ютуқларингиз ва машғулотларингиз ҳақида гапирмоқдасиз. Лекин гап билан бўлиб, унинг қаергадир шошаётганлигига эътибор бермадингиз. Шу нарсени сиз унинг бетоқатлик билан сизни тинглаётганлигидан, ҳаёли бошқа ерда турганлигидан билиб қоласиз ва шу орқали айни шу пайтда “маҳмадона, лақмароқ” бўлиб қолганингни сезасиз. Кейинги сафар шу ўртоғингиз билан учрашганда, олдинги хатога йўл қўймаслик учун “ўртоқ, шошмаяпсанми?” деб сўраб ҳам қўясиз. Ана шу илгариги рефлексиянинг натижасидир. Яъни, суҳбатдош ўрнига туриб, ўзингизга ташланган назар (“мен унга қандай кўриняпман?” дейиш) – рефлексиядир.

Шахснинг ўзи ҳақидаги образи ва ўз-ўзини англаши ёш ва жинсий ўзига хосликка эга. Масалан, ўзига нисбатан ўта қизиқувчанлик, ким эканлигини билиш ва англашга интилиш айниқса, ўсмирлик даврида ривожланади. Бу даврда пайдо бўладиган “катталиқ” ҳисси қизларда ҳам, ўсмир йигитчаларда ҳам нафақат ўзига, балки ўзгалар билан бўладиган муносабатларини ҳам белгилайди. Қизлардаги “Мен” – образининг яхши ва ижобий бўлиши кўпроқ бу образнинг аёллик сифатларини ўзида мужассам эта олиши, аёллик ҳислатларининг ўзида айни пайтда мавжудлигига боғлиқ бўлса, йигитлардаги образ кўпроқ жисмонан баркамоллик мезонлари билан нечоғлик уйғун эканлигига боғлиқ бўлади. Шунинг учун ҳам ўсмирликда ўғил болалардаги бўйнинг пастлиги, мускулларнинг заифлиги ва шу асосда

қурилган “Мен” – образи қатор салбий таассуротларни келтириб чиқаради. Қизларда эса ташқи тарафдан гўзалликка, келишганлик, одоб ва аёлларга хос қатор бошқа сифатларнинг бор-йўқлигига боғлиқ ҳолда “Мен” образи мазмунан идрок қилинади. Қизларда ҳам ортиқча вазн ёки терисида пайдо бўлган айрим тошмалар ёки шунга ўхшаш физиологик нуқсонлар кучли салбий эмоцияларга сабаб бўлса-да, барибир, чиройли кийимлар, тақинчоқлар ёки сочларнинг ўзига хос турмаги бу нуқсонларни босиб кетадиган омиллар сифатида қаралади.

Шахснинг жамиятдаги ижтимоий Ижтимоий норма – шахс ҳаётида **мавқеи. Ижтимоий нормалар,** шундай категорияки, у жамиятнинг **санкциялар ва шахс.** ўз аъзолари хулқ-атвориға, кўпчилик

томонидан эътироф этилган ҳаракатларга нисбатан талабларидир. Масалан, ўзбеклар учун бирор хонага кириб келган инсоннинг ким бўлишидан қатъий назар, “Ассалому алайкум” деб келиши – норма; ўқувчининг ўқитувчи берган топшириқларни бажариши лозимлиги – норма; хотиннинг эр ҳурматиғни ўрниға қўйиши, қайнонаға гап қайтармаслик – норма, автобусда ёки бошқа жамоат транспортида кичикнинг катталарға, ногиронларға ўрин бўшатиши – норма ва ҳоказо. Бу нормаларни айрим – алоҳида одам ишлаб чиқмайди, улар бир кун ёки бир вазиятда ҳам ишлаб чиқилмайди. Уларнинг пайдо бўлиши ижтимоий тажриба, ҳаётий вазиятларда кўпчилик томонидан эътироф этилганлиги фақти билан характерланади, ҳар бир жамият, давр, миллат ва ижтимоий гуруҳ психологияда муҳрланади.

Ижтимоий нормаларнинг у ёки бу даврда, у ёки бу тоифа вакили бўлмиш шахс томонидан қай даражада бажарилиши ёки унга амал қилинаётганлиги ижтимоий санкциялар орқали назорат қилинади. **Ижтимоий санкциялар** – нормаларнинг шахс хулқида намоён бўлишини назорат қилувчи жазо ва рағбатлантириш механизмлари бўлиб, уларнинг борлиги туфайли биз ҳар бир алоҳида вазиятларда ижтимоий хулқ нормаларини бузмасликка, жамоатчиликнинг салбий фикри объектиға айланиб қолмасликка ҳаракат қиламиз. Масалан, юқоридаги мисолда, агар жамоат транспортида катта мўйсафид кишиға ўрин бўшатишни норма деб қабул қилмаган ўсмирга нисбатан кўпчиликнинг айблов кўз билан қараши, ёки оғзаки танбеҳ бериши, жуда кам ҳолларда ўзини бебош тутаётган ўсмирнинг кўлидан тутиб, нима қилиш кераклигини ўргатиб, “кўзини мошдай қилиб очиб қўйиш” ижтимоий санкциянинг ҳаётдаги бир кўринишидир.

Ҳар бир алоҳида шахс жамият томонидан ишлаб чиқилган ва қабул қилинган ижтимоий нормалар ва санкцияларни у ёки бу ижтимоий

ролларни бажариши мобайнида хулқида намоён этади. *Рол* – шахсга нисбатан шундай тушунчаки, унинг аниқ бир ҳаётӣ вазиятлардаги ҳуқуқ ва бурчларидан иборат ҳаракатлари мажмуини билдиради. Масалан, талаба ролини оладиган бўлсак, уни бажариш – у ёки бу олий ўқув юртида таҳсил олиш, унинг моддий базасидан фойдаланиш, кутубхонасига аъзо бўлиш, стипендия олиб, маъмуриятнинг ижтимоӣ ҳимоясида бўлиш каби қатор ҳуқуқлар билан биргаликда ўша олийгоҳ ички тартиб-интизоми нормаларига сўзсиз бўйсунуш, дарсларга ўз вақтида келиш, рейтинг баҳолов талаблари доирасида кундалик ўзлаштириш нормаларини бажариш, амалиётда бўлиш, деканатнинг берган жамоатчилик топшириқларини ҳам бажариш каби қатор бурчларни ҳам ўз ичига олади. Бу рол унинг уйга боргач бажарадиган “фарзандлик” роли (ота ва она, яқин қариндошлар олдида) талаб ва имтиёзларидан фарқ қилади, яъни аниқ бир шахснинг ўзига хослиги ва қайтарилмаслиги у бажарадиган турли-туман ижтимоӣ ролларнинг характеридан келиб чиқади. Шунга кўра, кимдир “тартибли, баъмани, фозил, ахлоқли ва одобли” дейилса, кимдир – беъмани, бебош, ўзгарувчан, иккиюзламачи (яъни, бир шароитда жуда қобил, бошқа ерда – бетартиб) деган ҳаётӣ мавқега эга бўлиб қолади.

Ҳаётда шахс бажарадиган ижтимоӣ роллар кўплиги сабабли ҳам турли вазиятлардаги унинг мавқеи – статуси ҳам турлича бўлиб қолади. Агар бирор рол шахс ижтимоӣ тасаввурлари тизимида унинг ўзи учун ўта аҳамиятли бўлса (масалан, талаба роли), у бошқа ролларни унчалик кадрламаслиги ва оқибатда, ўша вазиятда бошқачароқ, ноқулай ва нобопроқ мавқени эгаллаб қолиши мумкин. Қолаверса, ролларнинг кўплиги баъзан роллар зиддиятини ҳам келтириб чиқариши мумкинки, оқибатда – шахс ички руҳий қийинчиликларни ҳам бошдан кечириши мумкин. Масалан, сиртдан таҳсил олаётган талаба сессия пайтида ишлаб турган корхонасига комиссия келиши ва унинг фаолиятини текшираётганлигини билиб, руҳий азобга тушади – бир томондан, талабалик ва унинг талаблари, иккинчи томондан – касбдошлар олдида уялиб қолмаслик учун ҳар куни ишхонага ҳам бориб келиш.

Ҳозирги ижтимоӣ–иқтисодӣ вазият ва бозор муносабатлари шароитидаги рақобат муҳити шахсдан бир вақтнинг ўзида қатор қобилиятлар ва малакаларни талаб қилмоқдаки, айниқса, ёшлар ўзгарувчан шароитларга тезроқ мослашиш учун баъзан бир-бирига зид ҳислатларни ҳам хулқда намоён қилишга мажбур бўлишмоқда. Масалан, ёш оила бошлиғи, талаба, ота-оналарга моддий жиҳатдан қарам бўлмаслик учун, бир вақтнинг ўзида ҳам итоаткор, интизомли талаба ва ишдан кейин эса – чакқон ва уддабурон, тадбиркор, тижоратчилик билан шуғулланишга мажбур бўлиши мумкин. Бу ҳолат табиӣки, шахсдан кучли ирода, доимий интилувчанлик ва ўз устида мутгасил ишлашни талаб қилади.

4.4.4. Шахснинг ижтимоӣлашуви

Ижтимоийлашув ёки социализация тушунчаси соф ижтимоий-психологик ва социологик категория бўлиб, бу шахснинг уни ўраб турган ташқи ижтимоий муҳит таъсирларига берилиши, унинг норма ва қоидаларини ўзлаштиришга мойиллиги, ўзлаштирганлик даражасини ифодаловчи жараёндир. Бу тушунчанинг умумий маъносида инсоннинг туғилиб, ўзини бевосита ўраб турган ташқи муҳит таъсирида улғайиши, шу жамият, шу атроф-муҳит қуршовида тарбияланиши ётади. Оила муҳити ҳар бир шахс учун ана шундай *бирламчи, дастлабки* ижтимоийлашув ўчоғи, маскани ҳисобланади. Ижтимоийлашувнинг иккиламчи масканлари ҳам мавжудки, унга барча босқичдаги таълим муассасалари, Меҳрибонлик уйлари, махсус интернатлар ҳамда ҳарбий билим юртлари киради. Чунки у ерда нисбатан узоқ вақт мобайнида бола тарбияланди, ўша ернинг нормалари, кадриятлари ва талаблари таъсирида дунёқараши шаклланади, шахс бўлиб етилади. Агар дастлабки ёки иккиламчи социализациядан чекиниш, ундан маҳрум бўлиш ёки хулқнинг ташқи салбий таъсиротлар натижасида девиант шаклга келиши қайд этилса, унда илмий тилда айтганда, **ресоциализация** деб номланган жараён назарда тутилади.

Шундай қилиб, тор маънода ижтимоийлашув шахснинг ижтимоий муҳитга кириб бориши, унда сингиб кетиши, ташқи ижтимоий муҳит нормаларини қабул қилиб уларга риоя қилиши ёки қилмаслигини тушунтирувчи жараёндир. “Ижтимоийлашув” тушунчаси маъно жиҳатдан яқин бўлган икки хил тушунча билан боғлиқ: “*тарбия*” ва “*мослашув*”. Ижтимоийлашув *тарбия* жараёнидан анча кенгроқдир, чунки унинг маъно-мазмунида ҳар доим ҳам қолипга солиб бўлмайдиган, ҳар доим ҳам шахс томонидан англамайдиган ҳолатлар ҳам мавжуд бўлади. *Мослашув* эса ижтимоийлашувнинг бир таркибий қисми, унинг механизми сифатида қаралиши мумкин. **Ижтимоий психологик мослашув**, яъни, шахснинг ижтимоий муносабатларга кўникиши ва мослашиши орқали орттирган тажрибаси умумий ижтимоийлашувнинг бир кўринишидир.

Ижтимоийлашув жараёнида инсон жамиятдаги ижтимоий нормаларни ўзлаштиради, турли ролларни бажаришга ўрганади, жамоатчилик шароитида ўзини тутиш кўникмаларини ҳосил қилади. Шахснинг ижтимоийлашуви шу маънода унинг ижтимоий борлиқни билишига, англашига асосланади.

Ижтимоийлашув манбаларига қуйидагилар киради:

- 1) *болалик даврида орттирилган тажриба* – бу жараён психик функцияларнинг шаклланиши ва дастлабки ижтимоий хулқ нормаларининг намоён бўлиши билан параллел равишда кечади;
- 2) *ижтимоий институтлар* – таълим ва тарбия тизими; оиладан бошлаб, то олий ўқув юртлари ва ундан юқори поғоналардаги таълим олишга имкон берувчи масканлар, меҳнат жамоалари шулар

жумласидандир;

- 3) *мулоқот ва ҳамкорликдаги фаолият жараёнидаги одамларнинг таъсири*. Бу ўринда ҳам расмий, ҳам норасмий шароитларда одамларнинг бир-бирлари билан мулоқоти, муомала маромлари назарда тутилади.

Инсон ҳаёти мобайнида бажаридиган ҳар бир ролида уни ўраб труган ижтимоий борлиқнинг нормалари, қоидалари, хулқ-атвор мезонлари ўз аксини топган бўлади. Ҳар бир одам ҳаёти мобайнида хаддан зиёд кўп турли ролларни бажарадики, уларнинг барчаси унинг ижтимоийлашув тажрибасида муносиб из қолдиради. Шунинг учун ушбу жараёнда ҳар бир одам ўзининг жамиятда ўрнини топишга интилади ва самарасига кўра у ёки бу мавқега эришади. Аслини олганда ижтимоийлашувнинг ҳар бир босқичида шахс ўзининг “Мен”ини тобора англаб, унга керакли тузатишлар киритиб боради. Агар шахсий тажриба ижобий бўлиб, одам кўрган-кечирганларидан яхши ва тўғри хулосалар чиқариб, тўғри турмуш тарзини шакллантира олса, унинг одамлар орасида обрўси юқори, акс холда шахс деградацияси, хулқдаги депривациялар ҳақида хулоса чиқарилади.

Демократик жамиятда ижтимоийлашувнинг маъноси одамнинг ўз “Мен”ини тўла ифода эта олиши, ўз иқтидори, салоҳияти ва имкониятларини ўз камоли ва одамлар манфаатига бўйсундира олиши билан ифодаланади. Тоталитар тузум эса аксинча, одамларда мазохизм (тобеликка кўникиш, ахлоқан паст кетишликлар), садизм (ўзгалар устидан чексиз хукмрон бўлишга интилиш, одамларни кўрkitиш, улар устидан зўравонликни намоён этиш), деструкция (ўз ночорлигидан қутулиш учун бутун дунёга зарар келадиган ҳаракатларлардан жирканмаслик), конформизм (ўз “Мен”идан воз кечиб бўлса ҳам ўзгалар хукмига итоат этишга ўрганиб қолиш) каби ҳолатларни келтириб чиқаради.

Демократик ўзгаришлар, инсон манфаатларининг ҳурмат қилиниши қандай ижобий ҳолатларга олиб келишини биз мустақил Ўзбекистоннинг демократик ислохотлари ва уларнинг юртимизда яшаётган, туғилиб камол топаётган инсонлар тақдирида ҳам кўриб турибмиз. Мустақиллик йилларида бизнинг юртдошларимизнинг нафақат дунёқараши, фикрлаш тарзи ва ментал қобилиятлари, балки ўзларига, ўзгаларга, Ўзбекистонни ўзининг ягона Ватани деб тан олган минглаб қардош миллат вакилларига ҳам муносабатлари яхши томонга ўзгарди, барча бунёдкорлик, Ватан тараққиёти, юрт тинчлиги ва халқ фаровонлиги йўлида бир тан, бир жон бўлиб, ҳаракат қилишга ўрганди. Шунинг учун ҳам ўсиб келаётган ёш авлод катта авлоддан кўра ақлли, доно, илмга чанқоқ, демократик ўзгаришларга кўникканроқ бўлиб вояга етмоқда. Чунки уларнинг ижтимоийлашуви учун юртимизда барча шарт-шароитлар яратилган. Айниқса, Президентимиз ташаббуслари билан ҳукуватимиз томонидан яратилган шароитлар боис амалга оширилаётган “Соғлом она – соғлом

бола” ҳаракати, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг кенг кўламда барча таълим босқичларида муваффақиятли жорий этилганлиги ўзининг жуда катта ижтимоий самарасини бермоқда.

4.4.5. Оилавий ижтимоийлашув ва унинг ўзига хослиги

Оилавий ижтимоийлашувнинг қадри ва аҳамияти шундаки, унинг таъсирида биринчидан, шахс катта, мустақил ҳаётга, жумладан, оилавий ҳаётга тайёрланади, ўзига яраша сифат ва фазилатларни шакллантириб боради, иккинчидан, ҳар томонлама етук, баркамол, ақлли, соғ ва саломат шахс бўлиб етишиш имкониятига эга бўлади. Яъни, оила ва унинг соғлом маънавий муҳити болани жамиятда яшашга, ўзига ўхшаш шахслар билан муроса қилиш, ҳамкорликда фаолият юритиш, касб-хунарли бўлиш, муомалада ахлоқ-одоб нормаларига бўйсунушга ўргатади, психологик жиҳатдан тайёрлайди.

Рус социолог олими *А. Антонов*нинг таъкидлашича, оила ижтимоий-психологик яхлитлик сифатида шахсга шундай норматив ва ахборот таъсирларини кўрсатадики, оқибатда бола энг аввало, жамиятдаги қонуний нормалар, хулқ андозаларини эгаллайди.¹⁰ Оила қанчалик иноқ, уюшган ва мустаҳкам бўлса, унинг норматив таъсири ҳам шунчалик ижобий самарали бўлади. Бундай оилада ўзининг қадриятларидан ташқари, жамиятнинг қадриятлари, қонун-қоидалар ва нормалар ҳурмат қилинади, бола бошидан жамиятда яшашга ўргатилган бўлади. Унинг аҳамияти шундаки, фарзанд мактабгача тарбия муассасасида ҳам, кейинчалик мактаб, коллеж ёки лицейда ўқиганда ҳам тартибли, интизомли, айтилган вазифа, берилган топшириқларни масъулият билан виждонан бажарадиган бўлиб, болалар жамиятида ҳамиша ўзининг ўрнига эга бўла олади. Бундай фарзандга турли бидъатлар, бемаза чақириқлар, даъватлар таъсир этмайди, мустқил фикрли, пок виждонли инсон бўлиб етишади. Чунки, оила бу кичик жамият, жамиятнинг кичиклашган андозаси, оила мустаҳкам бўлса, жамият ҳам мустаҳкам бўлишини ўзбек халқи жуда яхши билади, шунинг учун ҳам айниқса, мустақиллик йилларида оила бизнинг Ватанимизда кадрланади, никоҳ муқаддас ришта сифатида эъзозланади. Президенимиз Ислам Каримовнинг 2007 йилда имзо чеккан “Ёш оилаларни моддий ва маънавий кўллаб-қуватлашга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони айнан юртимизда оила институтини мустақкамлаш, унинг ёш авлодни маънавий жиҳатдан баркамол бўлиб вояга етишини таъминлашга қаратилган тарихий ҳужжатдир. Унда кўзда тутилган вазифаларнинг муваффақитли адо этилиши оилавий ижтимоийлашувнинг самарадорлигини таъминлайди.

Шундай қилиб, боланинг ижтимоийлашув жараёнига бевосита ва

¹⁰ Социология семьи: Учебник / Под ред. проф. А.И. Антонова. - М.: ИНФРА-М, 2005 – С. 220

билвосита таъсир кўрсатувчи қатор ижтимоий омиллар мавжуд. Масалан, жамият миқёсида амалга оширилаётган ислохотлар, давлатнинг ёшлар сиёсати, таълим муассасалари ва у ерлардаги таълим ва тарбия стандартлари, диний муассасалар (мачитлар), бозор муносабатлари каби қатор жараёнлар ушбу масаланинг мазмун ва моҳиятини белгилайди. Юқорида айтилган ресоциализация жараёнидан ташқари, оила муҳитининг ўзи ҳам айрим ҳолатларда салбий маънодаги ижтимоийлашувга алоқадор бўлиб қолиши мумкин. Олимлар ўтказилган қатор тадқиқотлар асосида ана шундай омилларнинг тўрт гуруҳини ажратганлар:

- ота-оналар ўртасида муросанинг йўқлиги, оилавий ўзаро муносабатларни мустаҳкамлаш борасида аниқ белгиланган ахлоқий тамойилларнинг мавжуд эмаслиги;
- ота-оналарнинг руҳий носоғломлиги ва қонунбузарлиги;
- яшаш шароитларининг яхши эмаслиги, боланинг тўлақонли ўсиши, дарс тайёрлаши, жисмонан чиниқиши учун шароитларнинг етарли эмаслиги;
- мактаб шароитининг талаб даражасида эмаслиги;
- маҳалла ҳудудида оила обрўсининг яхши эмаслиги, нотинч, ноқобил оила мақомига эгалик;
- глобал ахборотлашув шароитида турли ахборот манбалари, жумладан, Интернет тармоғи орқали бола онгига етиб келаётган турли маълумот, иғво, уйдирма, миш-миш, оила кадриятларига зид ахлоқ намуналари ва бошқалар охириги йилларда бола ижтимоийлашувига салбий таъсир кўрсатаётган ижтимоий омиллар жумласидандир.

Юқоридаги ҳолатлар айниқса, глобаллашув даврида оила институтининг бола социализацияси ва ижтимоий тарбиясидаги ўрни нечоғли сезиларли эканлигини яна бир маротаба исботламоқда.

4.4.6. Шахсининг ижтимоий установакалари

Шахс ижтимоийлашуви муаммоси кўтарилганда, ижтимоий тажрибанинг у томонидан қандай йўл билан ва қай даражада ўзлаштирилганлиги ижтимоий установака феномени орқали тушунтирилади.

Маълумки, установака муаммоси дастлаб грузиялик психологлар, жумладан, Д.Н. Узнадзе томонидан фанга киритилган эди. Лекин ушбу жараённинг психологик қонуниятларини ўрганиш оддий установака билан ижтимоий установака ўртасида муайян фарқлар борлигини исботлади. Чунки Д. Узнадзе концепциясига мувофиқ, “установака субъектнинг яхлит бир динамик ҳолатини, унинг қандайдир фаоллик ва ҳаракатларга тайёрлигини билдиради ва асосан икки омилнинг таъсирида нмоён бўлади: субъектнинг эҳтиёжлари ва муайян объектив вазиятнинг ҳолати”. Яъни,

конкрет бир вазиятларда у ёки бу эҳтиёжни қондиришга йўналтирилган ва қандайдир маънода одатий шакл олган ҳолат установа деб аталади. Узнадзе установакани келтириб чиқарувчи вазиятни таҳлил қилганда, унинг ижтимоий омилларга боғлиқ томонларига, шахс ҳаёти мобайнида орттирган ижтимоий тажрибаси нуқтаи назаридан қарамаган эди.

Г.М. Андреевнинг таъкидлашича, Узнадзе таклиф этган установакалар концепцияси асосан инсондаги оддий физиологик эҳтиёжларнинг қондирилиши билан боғлиқ ҳолатларни тушунтиришга бағишлангандир. Чунки унинг тушунишича, установа кўпроқ онгсиз ҳаракатларни тушунтиришда қўл келади. Ҳаётда ижтимоий вазиятлар уларда шахс орттирган тажрибанинг ўзлаштирилиши катта аҳамиятга эга бўлганлиги сабабли, ижтимоий психологияда, социологияда уни алоҳида психологик ҳолат сифатида қараш мақсадга мувофиқдир.

Ғарб ижтимоий психологиясида ижтимоий установакаларни ўрганиш ва уни тавсифлаш учун *“attitud”- attitude* тушунчаси қўлланилади. Хорижлик олимлар аттитюдга таъриф берганларида унинг ижтимоий ҳулққа алоқадор эканлигини, индивиднинг илгариги тажрибаси таъсирида у ёки бу вазиятларга реакция бериши ҳолати эканлигига кўпроқ урғу берадилар. Шундан келиб чиқиб, аттитюднинг тўртта асосий *вазифаси* мавжуд эканлигига эътибор қаратилган:

- 1) *мослаштирувчи* – аттитюд субъектни унинг мақсад ва манфаатига алоқадор бўлган объектларга йўналтиради, мослаштиради;
- 2) *билиш функцияси* – конкрет объектга нисбатан мавжуд вазиятда анчагина қулай бўлган ҳулқ-атвор шаклини танлашга ёрдам беради;
- 3) *намоён этиш функцияси* – индивидни шахс сифатида, муайян кадриятларга эътиқоди бор инсон сифатида тутишини таъминлайди;
- 4) *ҳимоя вазифаси* – шахснинг ички зиддиятларини бартараф этиш ва турли вазиятлардан чиқиб кетишига имкон беради.

Бу функцияларни бажарувчи аттитюд олимлар фикрича ўзига яраша *тизимга* ҳам эга бўлади. Америкалик М. Смит аттитюднинг уч компонентли тизимни фарқлайди:

- I. *Когнитив компонент* – бу ижтимоий установа объектини англаш билан боғлиқ жиҳатлар;
- II. *Аффектив компонент* – бу объектга нисбатан ҳиссий муносабатлар, уни эмоционал баҳолаш, ёқтириш-ёқтирмаслик билан боғлиқ субъектив ҳолатлар;
- III. *Ҳулқ-атвор компоненти (ёки конатив)* – объектга нисбатан реал хатти-ҳаракатни тушунтирувчи жиҳатлар.

Бу учала компонентлар ўзаро бир-бирлари билан боғлиқ бўлиб, вазиятга қараб у ёки бу компонентнинг роли устунроқ, сезиларлироқ бўлиши мумкин. Шунини ҳам таъкидлаш жоизки, компонентлараро монандлик бўлмаслиги ҳам мумкин. Масалан, айрим талабалар талабалик бурчи ва ички тартиб интизом билан жуда яхши таниш

бўлсалар-да, ҳар доим ҳам унга риоя қилавермайди. “Тасодифан дарс қолдириш”, “жамоатчилик жойларида тартибни бузиш” каби ҳолатларда когнитив ва хулқ-атвор компонентларида уйғунлик йўқлигини кўрсатади. Бу бир қарашда сўз ва иш бирлиги принципнинг турли шахсларда турлича намоён бўлишини эслатади. Агар одам бир неча марта била туриб, ижтимоий хулққа зид ҳаракат қилса ва бу нарса бир неча марта қайтарилса, у бу ҳолатга ўрганиб қолади ва бу установкага айланиб қолиши мумкин. Шунинг учун ҳам биз ижтимоий меъёрлар ва санкциялар воситасида бундай қарама-қаршилик ва тафовут бўлмалигига ёшларни ўргатишимиз лозим. Бу шахснинг ижобий тажрибаси учун реал асосдир.

Ушбу феноменга қизиқиш билдирган, унинг психологик моҳиятини очган олимлар кейинчалик унинг ижтимоий хулқни мувофиқлаштирига қаратилган “испозициялар” нуқтаи назаридан ўрганганлар. Масалан, рус олими **В.А. Ядов** инсондаги турли эҳтиёжлар ва турли ижтимоий вазиятларда намоён бўлиши муқаррар бўлган хулққа оид бир неча жабҳани ўз ичига олган *диспозицион назария*ни илгари сурган. Унинг фикрича, шахснинг ижтимоий эҳтиёжлари ва уни ўраб турган ижтимоий борлиқдаги фаолияти ўзаро боғлиқ бўлиб, улар қуйидаги жабҳаларда намоён бўлади.

Биринчи жабҳа – бевосита оилавий шароит бўлиб, унда инсоннинг асосий оддий эҳтиёжлари илк ёшлиқдан қондирилади.

Иккинчи жабҳа – бевосита мулоқот амалга ошириладиган контакт, кичик гуруҳлар бўлиб, индивид бу муҳитда ўзини намоён этади.

Учинчи жабҳа индивид ҳаёт-фаолиятини амалга оширадиган кенгрок ижтимоий борлиқ бўлиб, унда у меҳнат қилади, дам олади, маиший муаммоларини хал қилади.

Тўртинчи жабҳа шахсни бевосита ўраб турган миллий-маданий борлиқ, ундаги мафкуравий и маданий қадриятларнинг ўзлаштирилиши туфайли намоён бўладиган ҳатти-ҳаракат актларини қамраб олади. Бу конкрет географик худуд, Ватан, юрти ва ундаги қадриятлардир.

Демак, юқорида ажратилган ҳар бир жабҳада инсон ўзига яраша алоҳида эҳтиёжларини қондиради ва у мос равишда муайян иш-ҳаракатларга тайёр бўлади.

Ядов юқоридаги жабҳаларга мос келадиган конкрет вазиятларни ва уларнинг индивидга таъсир кўрсатиш даражаларини ҳам ажратади. Масалан, биринчи, энг қуйи босқичдаги вазиятларда оддий предметли мулоқот ва тез ўзгарувчан эҳтиёжларга алоқадор ҳолатлар намоён бўлади. Иккинчисида кўпроқ гуруҳ доирасидаги мулоқот ва ундан орттирилган тажриба назарда тутилади. Учинчисида – нисбатан турғун бўлган, хадеб ўзгарвермайдиган иш фаолият турлари, маиший эҳтиёжлар, проффоссионал соҳаларда кўзга ташланадиган ижтимоий хулқ назарда тутилган. Ниҳоят, тўртинчи вазиятлар босқичи муайян ижтимоий, иқтисодий, мафкуравий вазиятларда кўпчиликда шаклланадиган қадриятларнинг намоён бўлишини

тақозо этади. Муаллиф юқоридаги жабҳалар, вазиятлар ва уларнинг шахс индивидуал ва ижтимоий тажрибасида намоён бўлишини тушунтириш учун уларга мос диспозицияларни фарқлайди:

1) **Диспозицияларнинг биринчи даражаси** шахсдаги элементар, оддий установкаларни тушунтириб беради. Бу Д. Узнадзе схемасига мос келадиган предметли вазиятларда намоён бўладиган *оддий қайд этиладиган установкалардир*;

2) **диспозицияларнинг иккинчи даражаси** мураккаброқ бўлиб, улар инсоннинг бевосита кичик гуруҳларда рўй берадиган мулоқоти, муомаласидан пайдо бўлган ижтимоий тажрибасини тушунтиради. Бу ўша америкаликлар таъкидлаган *аттитюддир*;

3) **диспозицияларнинг учинчи даражаси** шахс умумий дунёқараши, қизиқишлари асосида ҳосил бўладиган ижтимоий фаоллигини ўз ичига олади ва унинг профессионал йўналиши, иш фаолияти, дам олиши, бўш вақтини қандай ўтказишларида кўринадиган *асосли установкаларида* намоён бўлдаи;

4) **диспозицияларнинг тўртинчи юқори даражаси** шахсдаги мавжуд кадриятлар тизими, турмуш тарзи, юрти ва Ватани тақдирига, юртдошларидаги кадриятлар тўғрисидаги тасаввурларга яқин бўлган билим, малака ва кўникмалари бўлиб, унда даврга, замон ва маконга алоқадор тушунчалар акс этади ва *ижтимоий тажрибага* асос бўлади.

Шундай қилиб, тақлиф этилган диспозициялар назарияси шахснинг турли вазиятлардаги муносабатлар тизимининг мувофиқлаштириш ва унинг сабабларини тушунтиришга имкон беради. Ижтимоий психологияда шу каби турли даражадаги ижтимоий установкаларни ўзгартириш муаммоси муҳим бўлиб, бу масала махсус тадқиқотлар ва тарбия воситаларининг ишлаб чиқилишини тақозо этади.

4.5. БОШҚАРИШ ПСИХОЛОГИЯСИ АСОСЛАРИ

4.5.1. Психологияда бошқариш муаммоси

Охирги йилларда инсон омилига эътиборнинг ортиб бориши муносабати билан бошқариш психологияси масалаларига ҳам қизиқиш кучайди. Шу асосда ижтимоий психологиянинг махсус бўлими - бошқариш психологияси пайдо бўлди. Бошқариш психологияси психологиянинг шундай тармоғики, у бошқарув фаолияти билан боғлиқ бўлган муаммоларни, шахс ва шахслар гуруҳи томонидан бошқа гуруҳлар фаолиятини самарали ташкил этиш ва биргаликдаги фаолиятни амалга оширишнинг психологик механизмларини ўрганади.

Бошқариш муаммолари ҳам бир қанча фанлар томонидан ўрганилади, жумладан фалсафа, тарих, иқтисод, ҳуқуқшунослик ва психология унинг ўзига хос томонларини очиш билан шуғулланади. Психология бошқаришни ҳам объекти, ҳам субъектини ўрганади. Психологик тадқиқотларда ўрганиладиган олимлар жамоаси, алоҳида шахс, уларнинг психологик ҳолатлари, улардаги айрим жараёнлар ва вазифалари бошқарув объекти деб айтилади.

Бошқарувнинг субъекти ўрганилганда эса одатда бошқарувчи шахс ёки одамлар гуруҳи назарда тутилади. Психология кўпроқ бошқарувчи шахс фаолиятининг психологик асосларини ўрганади ва шу асосда ходимлар ишларини самарали ташкил этиш, аниқ ва тўғри қарорлар чиқариш учун қандай психологик ҳолат ва жараёнларни ўзида тарбиялаш лозимлиги каби қатор муаммоларни ечади. Масалан, конкрет ҳаётий шароитларда агар бошлиқ мажлис олиб бораётган бўлса, ҳар бир сўзга чиқувчиларнинг фикрлари, маърузалари ва ҳоказолар орқали уларнинг психологик ҳолатлари аниқланади, янги иш дастурлари ишлаб чиқарилади, қабул қилинган қарорларга кўра бошлиқнинг ва ходимларнинг ҳар бирига алоҳида илмий кўрсатмалар ва маслаҳатлар берилади.

Бошқарув психологияси бошлиқ фаолиятини анализ қилганда асосий диққатни бошқариш унинг эҳтиёжи ёки қобилиятларига мос ёки мос эмаслиги, қайси индивидуал хусусиятларига кўра у бошлиқ даражасига кўтарилди, ишни муваффақиятли амалга ошириш учун у бошқарувнинг қай усулларидан фойдаланяпти, ходимларга психологик таъсир кўрсатиш мақсадида у қандай таъсир услубларини қўллаяпти каби қатор масалаларга қаратади. Бошлиқ бўлиш ишига турли шахсларнинг муносабатлари ҳархил: кимдир бошлиқда бўлган имтиёзларга қизиқади, кимдир унга берилажак ҳуқуқларни афзал кўради, кимгадир юксак маъсулиятларни бўйнига олиш маъқул келади. Шахснинг бошлиқ функциялари ҳақидаги тасаввурлари қанчалик хилма-хил бўлмасин, бошлиқ реал шароитларда одамлар гуруҳини аниқ мақсад асосида фаолиятга йўллаш, уларга уларга бош бўлиш, турли тадбирларни амалга ошириш, обрўга эга бўлиш, ҳар бир

қилинган иш учун жавобгарлик ўз бўйнига олиш каби кўплаб сифатларнинг талаб қилинади.

Айниқса, бошлиқ учун турли гуруҳлардаги, кўп ҳолда бир бошлиқ учун бир вақтнинг ўзида бир қанча гуруҳлардаги шахслараро муносабатларнинг характериға жавобгар бўлиш қийинчиликлар туғдиради, чунки ўша гуруҳларни ташкил этган ҳар бир шахснинг ўзига хос индивидуаллиги бошқарувчи ҳақидаги улар тасаввурининг ҳар хиллиги ва гуруҳларда норасмий лидерларнинг борлиги бошлиқдан одамлар билан ишлаш борасида ҳам тажрибанинг, ҳам психологик фаҳм- фаросатнинг ва сабр қаноатнинг бўлишини талаб қилади. Шунинг учун ҳам кундалик ҳаётимизда ҳам илмий адабиётларда тез-тез ёнма-ён ишлатиладиган “лидер” ва “ бошлиқ” тушунчаларининг психологик мазмунларини таҳлил қилиб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

4.5.2. Гуруҳларда раҳбарлик ва лидерлик

Гуруҳлардаги ўзаро муносабатлар юқоридан пастга ёки аксинча бўлиб, гуруҳ аъзоларининг конкрет мавқелари, бошлиқ билан бўйсунувчилар ўртасидаги муносабатларни ўз ичига олади. Бу борада “лидер” ва “бошлиқ” тушунчалари ўртасидаги фарқлар ҳақида гапириш лозим. Б.Д. Паригин бу икки тушунчани фарқлаб шундай ёзади:

1) лидер асосан гуруҳдаги шахслараро муносабатларни бошқарса, раҳбар – шу гуруҳдаги расмий муносабатларни бошқаради;

2) лидерлик кичик гуруҳларгагина хос бўлган ҳодиса бўлса, раҳбарликнинг ҳақ-ҳуқуқлари катта гуруҳлар доирасида ҳам содир бўлиши, амалга оширилиши мумкин;

3) агар лидерлик стихияли, бетартиб жараён бўлса, раҳбарлик мақсадга қаратилган жамиятда ишлаб чиқилган нормалар тартиблар асосида сайловлар оқибатида содир бўладиган ҳодисадир;

4) лидерлик раҳбарликка нисбатан вақтинчалик ҳодиса бўлиб гуруҳ аъзоларинг кутишлари, уларнинг кайфиятлари, фаолият йўналишига қараб, узоқроқ муддатда ёки қисқа муддатда рўй беради.

5) раҳбарнинг лидердан фарқи яна шундаки, у лидерда йўқ бўлган жазолаш ва рағбатлантириш тизимиға эға бўлиб, шу асосда ходимларига ўз таъсирини ўтказиш мумкин;

6) лидер гуруҳда у ёки бу қарорлар, кўрсатмалар ташаббусларни ўз ихтиёрича бевосита чиқариши мумкин, раҳбарда эса бу йўналишда кўплаб кўрсатмалар, режалар, нормалар, буйруқлар мавжудки, раҳбар улар доирасидан чиқиб кетиши, ўзбошимчалик қилиши қийин.

7) лидернинг фаолияти фақат кичик гуруҳлар доирасида амалга оширилса, раҳбар шу гуруҳдаги, кенгроқ ижтимоий доирадаги, жамиятдаги вакили бўлганлиги учун, унинг ваколатлари ҳам кенг, фаолият имкониятлари ҳам ортиқдир.

Лидер ҳеч қачон ёлғиз бўлмайди, у доимо гуруҳ аъзолари даврасида қаралади, шу гуруҳ аъзоларини у ёки бу ҳаракатларга қорлайди. Чунки лидер шу гуруҳ аъзоларининг психологияси, уларнинг қайфиятлари, интилишлари, қизиқишлари ва ҳақозоларини ҳаммадан яхши билади, уларнинг ичида энг ташаббускоридир. Агар синф доирасида қараладиган бўлса, турли хил лидер борлигини аниқлаш мумкин. Масалан, гуруҳ аъзолари ичида энг билағони, ақл ўргатувчи, топқир *интеллектуал лидер*, болалар ичида ҳазилкаш, дилгир, хушчақчақ, кўнгил сўровчи, ўзгаларни тушуна оладиган - *эмоционал лидер*, гуруҳни иш фаолиятга қорлай оладиган, дадил, қатъиятли, иродали - *иродавий лидерлар* бўлиши мумкин. Улар айна вазиятларда вазият талабига кўра пайдо бўладилар ҳамда болалар онгида ўз сифатларига кўра обрў қозонадилар. Лидер сифатлари ичида яхши ва ёмонлар ҳам бўлиши мумкин, лекин гуруҳ лидерга эришганда, уни ибрат сифатида танқидсиз қабул қилади ва шунинг учун ҳам барча ишларига эргашиб, кўрсатмаларига амал қилади. Мактабда болалар ичида хулқи мактаб нормаларига тўғри келмайдиган лидерларнинг борлиги, улар маълум гуруҳ ичида сўзсиз обрўга эга эканлиги ҳам шу билан тушунтирилади. Масалан, лидер “кетдик” деб кўрсатма берса, унга эргашганларнинг дарсни ҳам ташлаб кета олиши шу билан тушунтирилади. Шунинг учун ҳам синф раҳбари ўз синфидаги расмий лидерлар билан ишлаш билан чекланмайди, балки норасмий лидерларни ҳам аниқлай билиши, улар билан ҳамкорликда ишлаши зарур. Тўғри, баъзи ҳолларида расмий ва норасмий лидер бир шахс бўлиши мумкин. Бу жуда қулай, лекин лидерлик вазиятга боғлиқ бўлгани учун ҳам уларнинг ўзгариб туришини ҳисобга оладиган бўлсак, ўқитувчининг бошқариш маҳорати ёки саъати унинг норасмий лидерлар билан самарали ишлаш усулидир.

Шундай қилиб, ҳар қандай лидер обрўга эга. Обрўлилик шахснинг шундай хусусияти, у бошқа шахсларга ҳам ҳиссий - эмоционал, ҳам иродавий таъсир кўрсата олиш қобилиятига эгадир. Норасмий обрўлилик, яъни шахсларо муносабатлар маҳсули сифатида орттирилган обрў самаралидир. Одамлар кўнглига йўл топиш, уларни турли вазиятларда тушуна олиш, ишонч ва шунга ўхшашлар обрў орттириш мезонларидандир.

Лидерлик ҳодисаси тўғрисида гап кетар экан, лидерлик назариялари ҳақида ҳам қисқача тўхталиб ўтиш ўринлидир. Ҳозирги кунда қадар лидерлик тўғрисида асосан учта назария мавжуд.

Биринчиси **“лидерлик сифатлари назарияси”**дир ёки харизматик назария. Унинг моҳияти шуки, ҳамма ҳам лидер бўла олмайди, айрим шахсларда шундай сифатлар йиғиндиси туғма мавжуд бўлиб, бу сифатлар мажмуи унинг гуруҳда лидер бўлишини таъминлайди. Масалан 1940 йилда америкалик К. Берд 79 сифатдан иборат бўлган лидерлик қирралари рўйхатини тuzди. Бу рўйхатда, жумладан, ташаббускорлик, мулоқотга

кириша олиш, юмор ҳисси, ўзига ишонч, тез ва аниқ қарорлар қабул қила олиш, ташкилотчилик каби сифатлар бор эди. Лекин бу назариянинг хатолиги шунда эдики, биринчидан, у юқоридаги сифатлар қандай қилиб намоён бўлади-ю, қандай шаклланиши тушунтириб бера олмади, иккинчидан, сўроқлар мобайнида бирорта сифат ҳам мутлақ кўп марта қайд этилмади. Тадқиқот ниҳоясида ўша бошида таклиф этилган сифатларнинг атиги 5 фоизигина аксарият ремпондентлар жавобида қайд этилди. Бу лидерлик моделини яратиш осон эмаслиги тўғрисида хулосага келишни тақозо этди.

Иккинчи назария *лидерликнинг вазиятга боғлиқлиги назарияси*дир. Бу ердаги асосий ғоя – лидер вазиятнинг маҳсули деган ғоядир. Ҳар бир одамда лидерлик сифатлари бор, лекин айрим вазиятлар айрим шахсларнинг ўзларини кўрсатишлари, лидер бўлишлари учун қулай ҳисобланади.

Юқоридаги икки назарияни танқид қилиш натижасида пайдо бўлган учинчи назария *лидерликнинг синтетик назарияси*дир. Бу назария лидернинг гуруҳий муносабатларининг бевосита маҳсули деб қарайди, лидернинг рўёбга чиқишида гуруҳнинг бирламчи ролини илгари суради.

Кўплаб олимлар, жумладан, россиялик ижтимоий психологлар охириги йилларда рус психологи А.Н.Леонтьевнинг фаолият концепциясига таянган ҳолда, лидерликни фаолият маҳсули, гуруҳнинг ушбу фаолиятга муносабати ва гуруҳда қабул қилинган нормалар ва ижтимоий кутувларга ким кўпроқ жавоб беришига қараб лидерни аниқлаш мумкин, деб ҳисоблашмоқда. Бундан ташқари, ижтимоий кутувлар назарияси ҳозирда кўпчилик томонидан маъқул ёндошишлардан бири деб қабул қилинмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, бутун дунёда ишлаб чиқариш ва уни бошқариш борасида модернизация сиёсатининг тан олиниши, барча давлатларнинг ўзига хос демократия тамойиллари асосида жамиятни, хусусан, меҳнат жамоаларини бошқариш сиёсатига ўтиши муносабати билан бошқарув масалаларига ҳам муносабат ўзгарди. Жумладан, мустақил Ўзбекистонда ҳам эркин фуқаролик жамияти қуриш тамойилларининг янгидан белгиланганлиги, Президентимиз И.А. Каримов томонидан барча жабҳаларда, хусусан, ижтимоий соҳаларда инсонпарварлик сиёсатининг кенг сингдирилиши муносабати билан раҳбар ва лидер шахсларга нисбатан ижтимоий фикрда ҳам муайян ўзгаришлар рўй берди. Бугун Ўзбекистон шароитида бунёдкорлик сифатларига эга бўлган, ўз оиласи, маҳалласи, шахсан ўзи ва жамият мафнаатини ўйлаб меҳнат қилаётган фуқаро жамият томонидан ижтимоий ҳимояда бўлиб, унинг фаолиятини мувофиқлаштириш, унга етарли даражада иш шароитларини яратишга масъул бўлган раҳбар энг аввало унга ғамхўр бир инсон сифатида қараши, меҳнатдан манфаатдорлик психологиясини унинг онгига сингдира билиши шарт. Халққа яқин бўлиб, унинг дарди билан яшаш, ҳар бир ишнинг

истикболини яққол тасаввур қила олиш – замонавий раҳбар-лидерга хос фазилатлардир.

4.5.3. Лидерлик услублари ҳақида тушунча

Ҳар бир лидер ёки бошлиқ ўзича индивидуал ва қайтарилмасдир. Бунинг боиси ҳар бир бошлиқ ўз иш фаолиятини ўзига хос тарзда ташкил этишидадир. Ижтимоий психологияда батафсил ўрганилган муаммолардан бири – турли бошқарув услубларидир. Бу соҳада немис олимлари Г.Гибш ва М.Форверг, рус олимлари В.Д.Паригин, Л.Н.Уминский, М.Ю.Жуков ва бошқаларнинг ишлари айниқса диққатга сазовордир. Барча илмий тадқиқоларни умумлаштирган ҳолда ижтимоий психологияда қабул қилинган уч асосий бошқариш услубларига тавсиф бериб чиқамиз. Бу уч услуб - авторитар, демократик ва либерал бошқарув услубларидир.

А в т о р и т а р раҳбар барча кўрсатмаларни ишчанлик руҳида, аниқ равшан, кескин оҳангда ходимларга етказди. Мулоқот жараёнида ҳам ходимларга нисбатан дўқ – пўписа, кескин тақиқлаш каби қатъий оҳанглардан фойдаланади. Унинг асосий мақсадларидан бири – нима йўл билан бўлса-да, ўз ҳукмини ходимларга етказиш, керак бўлса, тайзиқ ўтказишдир. Унинг нутқи ҳам ҳамisha аниқ ва равон, доимо жиддий тусда бўлади. Бирор иш юзасидан ходимларни мақташ ёки уларга жазо бериш, танқид қилиш соф объектив бўлиб, бу нарса бошлиқнинг кайфиятига ва ўзга шахсларга нисбатан муносабатига боғлиқ. Жамоа аъзоларининг тилак истаклари, уларнинг фикрлари ва маслаҳатлари жуда кам ҳоллардагина инобатга олинади, аксарият ҳолларда бундай истаклар ва кўрсатмалар тўғридан-тўғри дўқ-пуписа, камситиш ёки маънавий жазолаш йўли билан чекланади ёки қониқтирилмайди. Бундай раҳбар ўз иш услублари, келажак режалари, бирор аниқ ишни, операцияни қандай амалга оширмақчилигини одатда, жамоадан сир тутди, унинг фикрича, бу унинг обрўйига салбий таъсир этиши мумкин. Гуруҳдаги ижтимоий фазовий муносабатлардаги ўрни жиҳатдан, у “жамоадан четда”, автономдир.

Авторитар раҳбарда ҳар бир жамоа аъзоларининг қобилиятлари, ишга муносабатлари, мавқеларига кўра тутган ўринлари ҳақида тасаввурлар борки, шунга кўра, у ҳар бир ходимнинг иш ҳаракатларини максимал тарзда дастурлаштириб қўйган, унда ҳар қандай чеклашлар унинг очиқ ғазабини келтиради ва бунинг учун унда жазолашнинг турли услублари мавжуд. Яъни, бундай жамоаларда ҳокимият марказлаштирилган, жамоа раҳбари ушбу марказнинг яқка ҳокими – шунинг учун ҳам бу ерда “ менинг одамларим”, “менинг ишим”, “менинг фикрим бўйича” каби иборалар тез-тез ишлатилади. Бундай раҳбарларда ишга нисбатан шундай фидойилик борки, улар ўзларини айна шу профессионал касбларисиз, одамлар устидан раҳбарлик қилишдек машаққатсиз тасаввур қила олмайдилар, яъни иш уларнинг “бутун

вужудини қамраб олган”. Шу сабаб бўлса керак, бундай раҳбар ҳар бир одамнинг кундалик иш фаолиятини, унинг натижаларин жуда яхши билади. Лекин, аслида, уни ишнинг мазмунидан кўра, ўзининг ўша ердаги етакчилик роли, бошлиқлиги кўпроқ қизиқтиради ва ўзига ўша сифатларга қараб баҳо беради. Бу сифат, табиғийки, ишнинг сифатига ҳам таъсир қилгани учун жамоа олдига қўйилган топшириқлар бажарилмай қолмайди (“темир раҳбар”). Бундай жамоаларда танқид иши жуда суст, чунки ўзини ҳам, бошқаларни ҳам танқид қилишларига йўл қўймайди. Танқид қилишга унинг фикрича фақат ундан юқори турадиган бошлиқ ҳақли. Йиғилишларда сўзни ўзи бошлаб, ташаббусни охиригача бошқаларга бермайди, одамларнинг таклифлари, уларнинг ҳиссиётлари эътиборга олинмайди.

Гибш ва М.Форвергларнинг таҳлил қилишларича, авторитар лидер бош бўлган ишларнинг самарадорлиги юқори бўлиб, ишлаб чиқариш кўсаткичлари ҳам юқори бўлар экан. Лекин жамоадаги рухий –маънавий муҳит оғир, танг бўлиб, бу нарса одамларнинг жамоадан, ишдан қониқмасликларига олиб келади. Бундай раҳбарлар бошчилик қилган меҳнат жамоаларида ишлайдиганлар ўз касблари, иш жойларини осонликча алмаштиришлари мумкин.

Д е м о к р а т и к раҳбар, аксинча, ходимларига мустақиллик, эрк бериш тарафдори. Иш мобайнида ходимларга топшириқлар берганда уларнинг шахсий қобилятларини ҳисобга олган ҳолда тақсимлайди. Бунда у ходимларнинг шахсий мойилликларини, ҳошиш ва истакларини ҳам ҳисобга олади. Буйруқ ёки топшириқлар одатда, таклиф маъносида берилади. Нутқи оддий, доимо осойишта, сокин, унда ўртоқларча, дўстона муносабат, самимият сезилиб туради. Бирор кишини макташ, унинг лавозимини ошириш ёки ишдаги камчиликка кўра ишига баҳо бериш доимо жамоа аъзоларининг фикри билан келишилган ҳолда амалга оширилади. Танқид кўпинча таклиф, истак шаклида, амалга оширилган ишларнинг мазмунига баҳо бериш ҳолда эгасига етказилади. Ҳар бир янги иш жамоа маслаҳатсиз бошланмайди. Шунинг учун ҳам унинг фазовий – ижтимоий ҳолати “жамоа ичида”дир.

Жамоада танқид ва ўз-ўзини танқид шундай йўлга қўйилганки, унинг оқибатида ҳеч ким азият чекмайди. Чунки кўпроқ бошлиқ эмас, балки жамоанинг бошқа фаоллари – норасмий лидерлар кимдир ишда камчиликка йўл қўйган бўлса, унинг фаолиятини танқид қиладилар. Бошлиқ йўл қўйган хато-камчиликларини жамоатчилик олдида бўйнига олишдан кўрқмайди. Чунки ундаги маъсулият ҳисси нафақат юқори бошқарув ташкилотлари аъзолари билан мулоқот пайтида, балки ходимлар билан мулоқотда ҳам сезилиб туради ва қўйилган топшириқ юзасидан маъсулиятни бошқаларга ҳам бўлиб беришни яхши кўради. Бошлиқнинг ходимларидан сири йўқ, шунинг учун ҳам мажлисларда кўпроқ у эмас,

балки барча ходимлар гапирадилар, охирги қарор чиқариш ва сўзларни яқнлаш, умумлаштириш ҳуқуқидан у тўлиқ фойдаланади.

Гибш ва Форвергларнинг таҳлилига кўра, бундай бошлиқ раҳбарлик қилган жамоларда маънавий – руҳий муҳит жуда яхши, ишчилар жамоадан, ишдан қониқиш ҳосил қилганлар, ишдан кетиш ҳоллари кам экан-у, лекин ишлаб чиқариш зўрға норма ҳолатида бўлар экан, чунки бундай раҳбардан табиатан дангаса ходимлар фойдаланадилар.

Л и б е р а л (лоқайд) услубда ишлайдиган раҳбарнинг кайфиятини, ишга муносабатини, ишдан мамнун ёки мамнун эмаслигини билиш қийин. Унда тақиқлаш, пўписа бўлмайди, унинг ўрнига ишнинг охирги оқибати билан ттанишиш билан чекланади, холос. Жамоада ҳамкорлик йўқ, бошлиқ жамоанинг муаммолари ишнинг баланд – пасти билан қизиқмайдигандай, гўёки “қоиинотда” юрганга ўхшайди, Аниқ кўрсатмалар бермайди, унинг ўрнига норасмий лидерлар ёки ўзига яқин кишилар орқали қилиниши лозим бўлган топшириқлар ходимларга етказилади. Унинг асосий вазифаси, унинг назарида, ходимлар учун иш шароитини яратиш, ишдаги камчиликларни бартараф этиш, керакли маҳсулот, хом-ашё кабиларни топиб келиш, мажлисларда қатнашиш. Ходимлар билан мулоқотда бўлишга тўғри келганда, у доимо хушмуомала бўлиб, одоб, ахлоқ нормаларини бузмасликка ҳаракат қилади, лекин ҳеч қачон улар билан тортишмайди. Мажлисларда агар бирор муаммо мунозарани келтириб чиқарса, у бевосита жараёнга аралашмай охирги сўзни ўзига қолдиради. Шундай қилиб, ходимларга фикрлаш ва ҳатти-ҳаракатлар эркинлиги бериб қўйилган. Шу эркин ҳаракатлар юзасидан бошлиқнинг фикри сўралган тақдирда ҳам, ундан аниқ гап чиқмайди, чунки у ходимларни яхши билмайди, қолаверса, уларни хафа қилиб қўйишдан кўрқади. Унинг фазовий психологик ҳолати – “гуруҳ ташқарисида”.

Олимлар фикрича, бундай раҳбар ишини олиб борган жамоаларда барча кўрсаткичлар доимо орқада, ходимлар кўними ҳам йўқ. Либерал раҳбар ишда анархияни келтириб чиқариб қўйиб, кўп турмай бошқа ердан иш қидиришга ҳаракат қилади.

Юқорида баҳо берилган бошқариш услублари кўпроқ лидерликка эмас, раҳбарликка тааллуқли. Илмий адабиётларда бу иккала ибора кўпинча, аслида, энг яхши раҳбар барча лидерлик сифатларини ҳам мужассамлаштирган бўлади. Чунки, соф ижтимоий психологик лидернинг турлари турли шароитларда ўзида кўпроқ намоён этадиган шахсий сифатларга табақаланади. Масалан, *лидер ташкилотчи, лидер ташаббускор, лидер эрудит, жамоа ҳиссий эмоционал ҳолатини бошқарувчи лидер, лидер билагон*. Яхши раҳбар ана шу лидер сифатларини билган ҳолда уларни ўзида тарбиялаши ва жамоасидаги лидерлар билан ҳамкорликда ишлай олиши керак. Охирги йилларда Москва ва бошқа йирик марказларда ўтказилган тадқиқотлар натижасида шундай хулосага келиндики, аслида ҳаётда соф демократ, авторитар раҳбарни учратиш

кийин, лекин учраган пайтда ҳам улар бир жамоани узоқ муддат бошқара олмаслиги маълум бўлди. Шунинг учун ҳам улар вазиятга боғлиқ. Конкрет жамоа, ундаги қабул қилинган ҳатти-ҳаракат нормалари шахслараро муносабатлар типи лидернинг ҳам раҳбарнинг ҳам иш тактикаси ва услубини белгилайди деган ғоя қабул қилинмоқда. Лекин раҳбарлик услубларининг психологик мазмун ва моҳиятини билишнинг амалий аҳамияти шундаки, ҳар бир услубда ўзига хос ижобий томон бор. Моҳир раҳбар ўзини-ўзи тарбиялар экан, ўшаларнинг энг мақбули, айниқса, ўзи раҳбарлик қилаётган жамоага мосларини тарбиялаши мақсадга мувофиқдир.

4.5.4. СУПЕРЛИДЕРЛИК ФЕНОМЕНИ

XXI асрда кўплаб кадриятларга муносабат ўзгаргани сир эмас. Шулар қаторида инсоний муносабатлар, одамлар фаолиятини демократик ўзгаришлар шароитида бошқариш масалаларига нисбатан ҳам қарашлар бирмунча ўзгарди. Ижтимоий психология, бошқарув асослари, менежмент соҳасида чоп этилаётган янги давр адабиётида раҳбарлик санъати ва маҳоратига бизнес манфаатлар нуқтаи назаридан ёнлашиш анъанага айланган. Маълумки, хорижий мамлакатларда бошқарув ишларига масъул бўлган кишиларни юқорида таъкидлаганимиздай «лидер» деб аташади. Айнан шу атама одамлар орасида юриб, обрў топган, гапи, фикрлаши, иш тутиши ва ўзгаларга таъсир кўрсата олиши билан ажралиб чиққан шахс учун ҳам қўлланилади. Шу маънода Америка Президенти ҳам лидер, атрофига бир норасмий гуруҳ тўплаган хали ҳеч қандай расмий мақоми йўқ кимса ҳам ўша унга эргашувчилар учун лидер ҳисобланади. Лекин америкалик олима Линда Жуэллнинг «Индустриально-организационная психология» номли китобида бошқа бир олимлар Манц ва Симслар томонидан ишлатилган яна бир тушунчада лидерлик феномени юқорирок босқичда ўрганилган. Бу – «суперлидер» тушунчасидир.

Суперлидер ким ва қачон оддий лидер суперга айланади? Манц ва Симсларнинг фикрича, энг яхши лидер – бу «суперлидердир». Бу шундай шахски, у ўз ходимларининг аксариятини лидерларга, биринчи навбатда ўзлари учун лидерларга айлантира олади. Бундаги асосий ғоя шундан иборатки, агар одам энг **аввало ўзи учун лидер бўла** олсагина, ўзидаги бу малака ёки маҳоратни бошқаларга етказа олсагина, бу одам вақти-саоти келиб ўзи бошқараётган жамоани ўзи мустақил ишлайдиган, бевосита тепасида туриб бошқариб турадиган инсонга муҳтож бўлмайдиган механизмга айлантиради. Бу жараённинг субъекти - суперлидердир.

Олимлар оддий раҳбар ёки лидернинг суперлидерга айланишини бир неча босқичларда кечашини таъкидлайдилар:

I – босқич: дастлаб инсон, яъни, бу ўринда лидер-раҳбар ўзи учун лидер бўлиши, яъни шахсий мақсад ва маслаклар, ўзини ўзи кузатиш, ўзини ўзи

рағбатлантириш, хаёлий машқлар ва когнитив таҳлиллар орқали ўзининг мустақил инсон, шахс эканлигини, ўзида бошқаларга ўрناк бўлувчи сифатлар борлигини англаши ва камчиликларини бартараф эишга қодир бўла боради;

II – босқич: лидер юқорида қайд этилган ўзидаги фазилатларнинг афзалликларини ўзгаларга намойиш этиб, айнан шундай сифатлар соҳиби бўлишнинг афзаллик томонларига ходимларни ишонтиради;

III – босқич: ходимларига ўзларида ташаббаус ва ўзига ишончни намоён этиш учун шароит яратади, ташаббуслар кўрсатилишини тинимсиз рағбатлантиради;

IV – босқич: мустақил қобилият эгаси бўлган ходимларни рағбатлантириш, керак бўлганда, фақат конструктив танбеҳлар бериш йўлига ўтиб олади;

V – босқич: ўз-ўзини бошқаришга асосланган ижтимоий фаолиятни ташкил этиш ва ишларга хадеб аралашаверишдан ўзини тийиш йўлининг афзалликларига ўзини ишонтиради.

Демак, юқоридагилардан келиб чиқиб таъкидлаш мумкинки, самарали бошқарув – аслида ижтимоий таъсирни амалга оширишнинг энг намойишкорона кўринишидир. Шу маънода, лидерлик – аввал шахснинг ўзига, сўнгра ўзгаларга бера оладиган таъсирида кўринадиган фазилатлар мажмуидир, деб таърифланади.

Демак, суперлидерлик ғоясининг асосида ётган муҳим фазилат – бу раҳбарнинг ўзгаларга ташаббусларни намойиш этишларига имконият яратишдир. Ташаббуслар кўрсата олиш ва унга яратилган имокниятлар хақида ҳам илмий адабиётларда кўп ёзилган. Масалан, америкалик машхур психолог Дейл Карнегининг таъкидлашича, аср бошида америка долларарида хисоблаганда йилига бир миллиондан ортиқ даромадли бошқарувчилар икки киши бўлган. Улардан бири Уолтер Крайслер ва иккинчиси – Чарльз Швэблардир. Америка чўян қуйиш индустриясининг етакчиларидан бўлган Эрдрю Карнеги Швэбга одамларни яхши ишлатиб, корхона даромадини кескин ошириб юборганлиги учун кунига уч минг доллар, йилига бир миллион доллар тўлар экан. Лекин ана шу миллионернинг ўз эсдаликларида қолдирган сўзлари эътиборга лойиқдир: «Мен чўян қуйиш борасида энг оддий ишчидан ҳам нўноқ эдим, асосий ютуғим – мен ўзгаларни бошқаришни билганман. Мендаги энг ноёб сифат – **одамларда ташаббусни уйғотиш** қобилияти эди. Чунки инсондаги энг ноёб, қимматли нарсани тан олиш – унинг ташаббусини кўзғатишдир». Эндрю Карнеги эса умрининг охирида ўзининг қабр тошига «Бу ерда бир умр ўзидан ақллироқ бўлганларни ўзига бўйсундира олган инсон ётибди» деб ёзиб қўйинглар деб васият этган. Демак, Швэбнинг раҳбари ҳам ўз йўлида ходимлар психологиясини яхши билган ва уларга ўз вақтида ташаббус кўрсатиш имконини бера олган камтар шахс бўлган.

Демак, бозор иқтисодиёти шароитида одамлар нима ҳисобига самарага эришиш мумкинлиги-ю, ўзидан нима талаб қилинишини аниқ

билса, улар учун мустақил ишлаш, ишга ижодий ёндашиш имконияти кўпроқ бўлади ва янги аср одами ўзи учун эркин фаолият қонунан кафолатланишини маъқул кўради.

Шу ўринда барча лидерларга хос бўлган яна бир хислатни таъкидлаш жоиз. Бу ҳам бўлса, лидернинг обрўси ёки баъзан таржимасиз ишлатиладиган ибора бор – авторитети. Лидернинг авторитети – бу керак бўлса, қобилият. Чунки авторитет унга маълум амалда ўтиргани, маълум санкциялар, имтиёзлар, имкониятлага эга бўлгани учун расман берилган бўлиши мумкин. Шуниси борки, раҳбар авторитети ҳамиша бир шахснинг иккинчи шахсга нисбатан ҳиссий-иродавий таъсирини назарда тутати. Энг ёмони агар одамдаги ташаббус бўғилса, у ўз олдига мақсадлар қўймасликка ўрганиб қолса, у нафақат халқ учун қайғурмайдиган, балки ўзининг оиласи, яқинлари, фарзандлари учун ҳам қайғурмайдиган, улар ташвишларини ўйламайдиган бўлиб қолади. Бугунги янгиланишлар шароитида миллий-маданий анъаналаримизни ҳисобга олганда ҳам бошқарувда гуманистик тамойилларга кенг йўл очиш орқали фуқароларда мустақил фикр, фуқаролик позицияси, ташаббускорликнинг бўлиши қанчалик аҳамиятли эканлигини яхши биламиз. Шунинг учун ҳам янги авлод раҳбарларига, бошқарувчиларига қўйиладиган талаблар, улар хулқидан кутиладиган сифатлар жамиятда соғлом инсоний муносабатларнинг барқарорлашуви, соғлом рақобат ва ўзаро бағрикенглик, лекин ишда ўзига ва ҳамкасбларига нисбатан талабчанликни тақозо этади.

4.5.5. Раҳбарлик сифатлари

Юқорида айтиб ўтилганидек, раҳбарда туғма қобилият бўлади, деб ҳам айтиб бўлмайди, иккинчи томондан, раҳбар вазиятга қараб, стихияли тарзда тарбияланиб кетаверади, деб ҳам бўлмайди. Минглаб шахс сифатлари ичида кўплари раҳбарлик учун қулай ва маъқулдир. А.В.Петровский ана шундай ижобий сифатлардан бир ярим мингини санаб чиққан. Лекин уларнинг барчасини умумлаштирадиган, албатта, бўлиши лозим бўлган айрим сифат қобилиятлар борки, ўшалар ҳақида қисқача тўхталиб, ўтмоқ лозим.

Аввало, ҳар қандай раҳбарда *интеллект* - ақл-заковатнинг маълум нормаси бўлиши керак. Бу норма яхши раҳбар учун ўртадан юқори бўлмоғи мақсадга мувофиқдир, чунки гений даражасидаги интеллектга эга бўлган раҳбар билан ишлаш ходимлари учун қатор ноқулайликларни келтириб чиқаришини, бундай ақл-заковат қолганларнинг ижобий ривожланишига психологик тўсиқ бўлишини амалиёт ва ҳаёт кўрсатди. Раҳбардаги ўртадан юқори интеллектни қоплаб кетадиган бошқа яна муҳим сифатлар борки, улар бошқариш ишининг самарасига ижобий таъсир кўрсатади.

Масалан, раҳбарнинг мустақил фикрлилик, топқирлик ташаббускорлик сифатлари. Чунки айрим ҳолларда хато қилса ҳам, раҳбар оригинал фикрлар айтиб, йўл-йўриқлар кўрсата олиши, ҳар бир айтилган фикр, қилинган ишга мустақил баҳо бера олиши зарур.

Мустақиллик шахс қиёфасини белгиловчи муҳим психологик хусусиятдир. Раҳбарда мустақиллик бўлса, унда ўзига ишонч ҳам бўлади, бу эса ўз навбатида раҳбардаги субъектив талаблар даражасининг юқори бўлишига олиб келади. Кўпинча раҳбарнинг бошқаларга талабчанлиги ҳақида гапирилади. Лекин яхши раҳбар ўз ўзига нисбатан талабчан бўлиши керак. Ўз-ўзини баҳолаш ва шу асосда бошқаларга нисбатан муносабатлар тизимини ишлаб чиқиши муҳим бир омилдир.

Ҳар қандай раҳбар учун универсал лозим бўлган хислатлардан яна бири унинг том маънода “зиёли” бўлиши ёки, бошқача қилиб айтганда, маданиятли бўлишдир. Бошлиқ ўзидаги маданиятни аввало, муомалада, одамлар билан бўладиган кундалик мулоқотларда намоён этмоғи лозим. **Муомала маданияти** – бу ўринли, аниқ, қисқа, самимий гапириш санъати ва иккинчи томондан, суҳбатдошни тинглаш қобилиятидир. Чунки, бошлиқ билан ходимлар ўртасида келиб чиқадиган шахсий зиддиятларнинг асосида ё тинглай олмаслик ёки гапни тўғри йўсинда гапира олмаслик ётади. Ўзганинг ўрнига тура олиш, унинг ҳис-кечинмаларига шерик бўлиш, эмпатия ҳиссининг борлиги, диалогларда сабр-тоқатлилик ва бошқалар мулоқот маданиятининг муҳим томонларидир.

Жамоа фаолиятини ва ўз фаолиятини **режалаштириш** қобилияти раҳбар учун муҳим бўлган талаблардан биридир. Чунки режалаштириш асосида ўз-ўзини бошқара олиш ва бошқаларни ташқи фаолиятини мақсадга мувофиқ тарзда бошқара олишни таъминловчи муҳим психологик хусусият ётади. Режалаштириш – бу ўзига хос келажакни кўра олиш қобилияти, келажак образи бўлиб, бу нарса шахснинг қанчалик камол топганлиги ва мақсадга интилувчанлигининг муҳим белгисидир. Бу жуда мураккаб психологик жараён бўлиб, у шахснинг ўз диққатини қанчалик омил тарзда бошқариши, уни фақат муҳим нарсаларга қарата олиши, вақтдан тез фойдалана олиш, ортиқча ишлардан ўзини тийиш, қўл остидагиларга, имкони борича, уларнинг қобилиятларига қараб иш буюра олиш ва ниҳоят, буюрган ишни ўз вақтида назорат қилиб, сўраб олиш имконияти билан боғлиқ. Ўз ишини пухта режалаштириш қобилиятига эга бўлган раҳбар **реалистик тафаккурга** эга бўлмоғи, яъни ҳар қандай шароитларда ҳам ўша муаммо ёки ишга тааллуқли барча альтернатив вариантлардан энг тўғриси ва мақсадга мувофиғини танлай оладиган, ишни тўғри ташкил эта билган, яъни энг кам куч ва вақт сарфлаб ишни уддалай олган, ноаниқ ёки тасодифий вазиятларда ҳам иш тактикаксини тўғри йўралтира оладиган одам бўлиши керак. Бундан ташқари, яхши раҳбар учун олдида турган ишнинг ҳар бир алоҳида деталларигача тасаввур қилиб, уни амалга оширишнинг барча босқичлари ва воситаларини

олдиндан кўра билиш қобилияти ҳам зарур. Шундай тақдирдагина у ишга дадил киришиши, ўзгаларни ўз ортидан эргаштириши ва ишлаб чиқаришда юксак кўрсаткичларга эришиши мумкин.

Юқорида айтиб ўтилган раҳбарлик сифатлари ичида энг муҳими, табиийки, психологик маҳоратни талаб этган – **одамлар билан ишлаш маҳорати**дир. Жамоа аъзолари билан самарали ишлаш учун бошлиқ уларнинг психологиясини, ҳар бир аъзо психологиясини ва гуруҳ психологиясини яхши билиши зарур, чунки “ ўзгалар психологиясини билиш улар устидан ҳукмронликнинг ягона йўлидир”,- деб ёзишган эди инглиз олимлари. Ижтимоий психологиянинг бу борада ҳам яхши воситаси – ижтимоий психологик тренинг услуги борки, унинг ёрдамида одамлар билан ишловчилар жамоани бошқаришнинг турли усулларига муваффақиятли тарзда тайёрланмоқдалар.

4.6. Ижтимоий психология ва ҳавфсизлик муаммолари

4.6.1. Ахборот ҳавфсизлиги: моҳияти ва шахсни ижтимоий психологик ҳимоя қилиш муаммолари. *Ҳавфсизлик* тушунчаси бевосита шахснинг жамиятдаги ижтимоий, иқтисодий, техник, экологик ва био-

логик тизимларида нормал фаолият юритишини кафолатловчи тушунчадир. Ижтимоий тузилманинг, яъни, яхлит жамиятнинг ҳавфсизлиги одамлар ҳаёт тарзининг сифатини, унинг давомийлигини белгиловчи муҳим мезондир. Бу ўринда фанда бевосита ҳавфсизлик тушунчасига яқин ишлатиладиган бир қатор тушунчаларга изоҳ бериш жоиздир.

Ижтимоий ҳавфсизлик – жамиятда мавжуд бўлган турли ижтимоий институтлар, жумладан, ҳавфсизликни таъминлаш органлари, давлат муассалари, оила ва маҳалла томонидан аҳолининг турли эҳтиёжлари, орзу-истаклари, мақсад-муддаоларини амалга оширишларига имкон бериш билан боғлиқ вазифаларини ўз ичига олади. Бунда айрим-алоҳида табақа ёки аҳоли қатламининг манфаатлари, яъни, уларнинг яхши яшашлари, узоқ умр кўришлари, бир ҳудуддан иккинчисига кўчиб ўтишига алоқадор ҳавфсизлик назарда тутилмайди.

Миллий ҳавфсизлик – бу шахс, жамият, иқтисодиёт ва давлатчиликнинг барқарор тараққиёт этиши учун ҳавф солиши мумкин бўлган ҳар қандай таҳдидларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этишга йўналтирилган чора-тадбирлар тизимини билдиради. Миллий ҳавфсизлик ташқи ва ички ҳавфлардан яхлит жамиятни муҳофаза қилишни назарда туттади.

Ташқи ҳавфсизлик – икки босқични назарда туттади: умуминсоний ёки глобал характерли ва давлатлараро ҳавфсизлик масалалари. Ташқи ҳавфсизлик таҳлил этилганда аввало экологик, ҳарбий, радиацион, эпидимиологик, криминал-жиноий, биологик ва маданий-ахлоқий (экспансиялар) турдаги ҳавфларни олдини олиш назарда тутилади.

Ички ҳавфсизлик эса мамлакат доирасида инсон конституцион ҳуқуқ ва кафолатларига алоқадор бўлган иқтисодий диверсияларнинг олдини олиш ва уларга йўл қўймасликка боғлиқ бўлган махсус чораларни, террористик хуружларнинг олдини олиш ва уларни вақтида бартараф этиш, келиб чиқиши бўйича ижтимоий, табиий, биологик ҳамда техник асосли таҳдидлардан жамият аъзоларини ҳимоя қилишни назарда туттади.

Охириги йилларда дунё миқёсида ахборот технологияларининг кескин ривожланиб кетаётганлиги, Интернет тизимнинг барча давлатлар, маданий ҳудудлар, барча ёшдаги инсонлар учун қулай ахборот алмашинуви воситасига айланиб бораётганлиги муносабати билан ҳавфсизликнинг ўзига яна бир тури ахборот ҳавфсизлиги пайдо бўлди.

Ахборот хавфсизлиги – аслида жамиятнинг объектив, холис, ҳаққоний ахборот манбаига эга бўлиши учун яратилаётган шарт-шароитларни назарда тутати. Албатта, бунга мустақил ахборот воситалари орқали аҳолига етиб келадиган маълумотлар оқими ҳам киради. Бу воситалар айнан мустақил бўлганликлари учун ҳам биринчи навбатда молиявий, қолаверса, сиёсий ва бошқа томонлардан ҳеч бир сиёсий куч, алоҳида давлат ёки ижтимоий қатламнинг манфаатларига хизмат қилмасликлари керак.. Чунки мустақил ОАВ аслида одамларда содир бўлаётган турфа хил жараёнларга нисбатан холис фикрнинг шаклланишига имкон бериши лозим. Лекин амалиётда минг афсуски, ҳар доим ҳам шундай бўлавермайди ва жамият ўз аъзоларини, айниқса ёш авлодни турли ахборот хуружларидан ҳимоя қилишга мажбур бўлади.

Ахборот хавфсизлигининг **вазифалари**:

- 1) шахс ва жамиятнинг ахборот қабул қилиш ва ундан фойдаланишга бўлган ҳуқуқини таъминлаш;
- 2) холис ахборотлар маконини таъминлаш (мустақил ОАВ тизимини яратиш орқали);
- 3) инфорацион ва телекоммуникацион технологиялар соҳасидаги жинойтларни бартараф этиш йўли билан ушбу йўналишда содир бўлиши мумкин бўлган террористик таҳдидлар, жумладан, телефон орқали, компьютер тизими орқали рўй берадиган хавфларни, шу орқали ноқонуний маблағларнинг бир манбадан иккинчисига оқим кетишига йўл қўймаслик;
- 4) шахсни, ташкилот ва яхлит жамиятни ахборот-психологик таҳдидлардан ҳимоя қилиш;
- 5) имиджни шакллантириш, турли бўҳтон, миш-мишлар ва ноўрин хабарларга қарши курашиш.

Ахборот хуружлари турлича бўлгани учун унга нисбатан хавфсизлик чораларини кўриш ҳам турли соҳаларда (сиёсат, иқтисодиёт, мудофаа) ва турли жабҳаларда (давлат миқёсида, худудий, ташкилиш, шахсий) амалга оширилади. Яъни, давлат миқёсида ахборот хавфсизлигини таъминлашга алоқадор бўлган ишлар муайян бир ташкилот доирасида амалга ошириладиган ахборот хавфсизлигидан фарқ қилади. Биринчисига гап миллий манфаатларни ҳимоя қилиш тўғрисида кетса, иккинчи ҳолатда ташкилотдаги муайян ижтимоий гуруҳлараро ахборот алмашинувида бўҳтон, тўхмат, миш-мишлар тарқатишга боғлиқ бўлган салбий ҳолатлар назарда тутилади. Лекин иккала ҳолат ҳам ахборот хуружларига одамларнинг нормал фаолиятлари учун ҳалақит берувчи омил сифатида қаралади.

Ахборот хуружлари – бу шахсга, муайян ташкилот ва давлатга йўналтирилган таъсир бўлиб, унинг асл мақсади ўша шахс, ташкилот ва давлатнинг нормал ҳаёт тарзининг бузилишини назарда тутган сиёсий ва ижтимоий гуруҳларнинг ғаразли ниятларидан келиб чиқади.

Сайлов компанияларида одатда ахборот хуружларининг бир кўриниши бўлмиш “қора пиар” усулидан фойдаланиладигани, унда ёзма равишда нашрий манбалар орқали бўхтонли мурожаат, ёки радиотелевидение орқали у ёки бу мавзу доирасида ғирт ёлғонга асосланган чиқиш қилинади. Шунинг учун ҳам бундай шароитларда ахборот хавфсизлиги энг аввало сайловда қатнашаётган давогарлар ёки сиёсий партияларнинг обрўсини сақлаб қолиш, улар тўғрисида объектив имиджнинг ҳосил бўлишига хизмат қилади.

Охирги пайтларда турли хорижий ОАВ орқали тарқатилаётган турли хил асосли-асоссиз ахборотларда одамлар онгига салбий таъсир кўрсатадиган маълумотлар тарқатилмоқдаки, уларнинг таъсирида айрим одамлар ва яхлит ижтимоий гуруҳларда бир-бирига нисбатан баъзан агрессив, очиқ девиант хатти-ҳаракатларни келтириб чиқарувчи ҳолатлар юзага келмоқда. Буни биз чет эл ОАВнинг 2005 йил май ойида Андижонда бўлиб ўтган воқеаларни шарҳлашларида гувоҳ бўлганмиз. Ўшанда айрим хорижлик журналистлар воқеаларнинг асл моҳиятини ҳаспўшлаш, нотўғри талқин қилиш орқали жамиятимиздаги барқарорликка таҳдид солмоқчи бўлган эдилар. Ўзбекистон очиқ ОАВ орқали воқеаларнинг ҳолис баён этилиши эса бундай шароитда ахборот хавфсизлигини таъминлаган муҳим манба ролини ўйнаган эди.

Шу сабабли ҳам ахборот хавфсизлиги тўғрисида гап кетганда, нафақат у ёки бу мазмуни ахборотлар, маълумотларни ишончли тарзда сақлаш, балки аниқ, ҳолис маълумотни ишончли манбалар орқали қабул қилиш ва етказиш масалалари ҳам назарда тутилади.

Охирги йилларда компьютер воситалари орқали амалга оширилаётган ахборот хуружлари ҳақида кўп ёзилмоқда. Бундай хуружнинг ўзига хослиги шундаки, компьютер тармоқлари орқали етказилаётган маълумотларнинг аниқ манзилени билиш анча мушкул бўлади. Яъни, хуружга қарши туришда унинг кимдан ва қаердан келаётганлигини билиш муҳим, айнан шу жиҳат компьютер терроризми деб аталмиш хавфни бартараф этишда қийинчиликлар туғдиради. Чунки бу восита орқали тарқатиладиган ахборот бир зумда нафақат бир давлат доирасида, балки бир қанча мамлакатларга тезкор ахборотдай тарқалиб кетиши мумкин. Шундай қилиб, компьютер жинояти содир этилганда унинг объекти бевосита компьютер, компьютер орқали узатиладиган маълумот ва тармоқ ҳисобланади.

Мутахассислар компьютер жинотчилигининг қуйидаги турларини фарқлайдилар:¹¹ 1) терроризм; 2) жосуслик (халқаро ва саноат соҳасидаги); 3) экстремистик гуруҳлар фаолияти (сиёсий, экологик ва диний йўналишлардаги); 4) уюшган жиноятчилик ва қаллоблик; 5) хакерлар фаолияти (алоҳида ва уюшган гуруҳлар).

¹¹ Каменьская Е.Н. Социальная психология: Конспект лекций: Учебное пособие / Е.Н. Каменьская. Изд-е 2-е.- Ростов н/Д: Феникс, 2006.- 192 с. (С. 179)

Юқори ахборот технологиялари соҳасида эса куйидаги тоифали жиноятчилик турлари фарқланади:

а) **хакерлар** (инглиз тилидан олинган: *hackers*) – компьютерлар ва ахборот тизимларини жуда яхши биладиган одамлар;

б) **крекерлар** (ингл. *crackers*) - ахборот тизимнинг хавфсизлиги атайлаб бузиб, рухсатсиз унга ўзгартириш киритиш билан шуғулланадиган инсонлар;

в) **фрикерлар** – (ингл. *phreakers*) турли хил телекоммуникация тизимларида кўпуровчилик билан шуғулланадиганлар.

Бу каби жиноятчилар гуруҳи одатда йирик коммуникация тармоқларида кўпуровчилик қилиб, банк ва тартибни сақлаш муассасалари тармоқларидаги ахборот тизимини бузишга ҳаракат қиладилар, чунки бу ишларни тагида ётган мақсад ҳамини ғаразли бўлиб, у йирик пул маблағларига эга бўлиб билан боғлиқдир. Бугунги кунда АҚШ ана шу каби йирик электрон терроризмнинг хавфи остида қолди. Бу каби ишларга айрим-алоҳида шахслар киришса, уларни тезда аниқлаб топиш, жазолаш мумкин, лекин бунга уюшган жиноятчилар гуруҳи киришса, бунинг хавфи каттароқдир.

Ҳарбий экспертларнинг берган маълумотларига кўра, ХХI асрда ана шунадй ахборот хуружлари билан шуғулланиш орқали мамлакатлар хавфсизлигига таҳдид солиш, ноқонуний ишлар билан шуғулланиш, катта пул миқдорларининг бир мамлакатдан иккинчисига ўтиб кетавериши ўзига хос ахборот-психологик урушининг яқинлашиб келаётганлигидан, унинг курули – айнан ахборот ва психологик таъсир эканлигини таъкидламоқдалар. Бу ҳолат психологлар олдида, жумладан, ижтимоий психология олдида ўзига хос вазифаларни қўяди.

4.6.2. Информацион - психологик хавфсизлик

Информацион таҳдид ва унинг психологик моҳияти кўплаб сиёсатчилар, психологлар изланишларининг предметида айланиб бормоқда. Г. Почепцовнинг таъкидлашича, ахборот урушида энг аввало психологик қонуниятлар инобатга олинади. **Ахборот-психологик қурол** – бу янги турдаги қурол бўлиб, у оммавий ахборот воситалари, компьютер ўйинлари, Интернет тизими ёрдамида инсон онги орқали унинг психикасига таъсир кўрсатишга мўлжаллангандир.

“Ахборот уруши” тушунчаси нисбатан янги бўлиб, у ўзига сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий-маданий борлиқнинг турли жабҳаларини қамраб олади. Унинг асосий кўринишларидан бири – компьютер вируслари ва янги технологияларни ўғирлаш орқали зиён етказишдир. Ахборот урушининг оқибатида аввало танлаб олинган аудитория (кўпинча бу ёшлар аудиторияси)нинг билимлари, таълим тизимига таъсир кўсатилиб, уларнинг анъанавий маданиятини кўпориб ташлашга уриниш содир

бўлади. Бундай шароитда одатда “ҳамма ҳаммага қарши” бўлиб, мағлуб томон одатда у ёки бу соҳадаги устивор мақомини батамом йўқотади. Бундай қуролни ишлатишни билган бир ховуч ғаразли ниятли одамлар катта ижтимоий гуруҳларни ёки яхлит мамлакатларни ўзига тобе қилиши, ўз ахборот маконида сақлаши мумкин. Одатда қайси мамлакатда ахборот ресурслари кўп бўлиб, у юқори технологиялар борасида илгарилаб кетган бўлса, айнан шу давлатнинг ахборот уруши қолиш эҳтимоли юқори бўлади. Шу сабабли ҳам дастлаб ахборот урушлари ҳақидаги ахборотлар ривожланган Япония ва АҚШларида қайд қилина бошланган.

Шундай қилиб, ахборот уруши – бу гуманитар соҳада бир ижтимоий гуруҳнинг бошқа бир ижтимоий гуруҳ манфаатларидан қатъий назар уни ўзига тобе қилиш, ўз кадриятларига кўндиришга қаратилган узокни кўзлаган сиёсатидир. Бунда асосий қурол ролини чексиз маълумотлар маконида фаолият юргизаётган электрон ОАВ ўйнайди.

Ахборот урушлари олиб боришнинг услулари ҳам турлича бўлиб, унинг асосийлари қуйидагилардир:

- Ахборот хуружларининг энг кенг тарқалган турига аввало **рекламани** киритиш мумкин. Чунки яхши ишланган реклама – бу одамларнинг ишонч ва эътиқодини жуда тез ўзгартиради. Ишонч ва эътиқоднинг ўзгариши эса эгасини дадил ҳаракатларга чорлайди.

- **Парчалаб ташланган маълумотлар** – ахборот хуружларини амалган оширишнинг янги воситаларидан бири. Бунда бир қарашда аҳамиятсиз, айрим-алоҳида маълумотни ўзида мужассам этган ахборот уни идрок этганларнинг маданий савиясига бевосита таъсир қилиб қўйганини билмай қолади киши. Америкалик олимларнинг таъкидлашича, одатда ақлли мутахассислар муҳим, глобал характерли маълумотларга эътибор бериб, орада ўтказиб юборилган, қўшиб берилаётган нарсаларга эътибор қаратмайдиган. Лекин айнан ўша кичик маълумот онгости тизи орқали шахсга кучли таъсир қилиши мумкин. Масалан, чиройли, маънили қўшиқни, бемаъни либос, ёт маданиятга хос бўлган қолипда тикилганлиги, ёшларнинг кийиниш дидига кучли таъсир қилиши мумкин. Чунки одатда катталар қўшиқнинг мазмунига эътибор беришса, ёшлар қўшиқчининг либоси, ўзини тутишига аҳамият беради.

Ташаббусни эгаллаш – ахборот агрессияларидаги яна бир усул. Янги маълумотни билган заҳоти уни эгасидан аввал “меники” деб бериб юбориш кўплаб ахборот каналларида ишлатиладиган усул бўлиб, ўзгалар ташаббусини “бизники” дейиш орқали ўз мамлакати аҳолиси, хаттоки, хориж каналларида ўзларига маъқул фикрни таъкидлаб, номаъқулини ўзгаларникидай кўрсатишга асосланади.

Ёмонлик билан тугамайдиган қуролларни ишлатиш – мутахассисларнинг фикрича, одамлар ҳаётига таҳдид солмайди, бундан одамлар саломатлик ёки умрларининг тугаши каби талофатлар кўрмайди, лекин улар оммани ғаразли чақириқлар билан тўс-тўполонларга чиқишга

мажбур этиши, алоқа воситаларини батамом ишдан чиқариши ёки энергия манбаларини ноқонуний бошқа тарафга ўтиб кетишига олиб келиши мумкин. Масалан, бундай қурол ишлатилганда баъзан ишлаб турган радио канал тармоғига бегона канал тушиб олиб, ўз “дийдиёси”ни гапириши, одамларнинг “нима бўлди экан?” қабилида қизиқишларига асоланиб, бирор сиёсий лидерни ёмонлаши, ёки геноцидни тарқатиши мумкин. Мақсад – тинловчиларнинг фикрини ўзгартириш орқали, уларнинг хулқ-атвориغا таъсир кўрсатишдир.

Ахборот орқали таъмир кўрсатиш механизми – асосли ёки асоссиз, ўринли ёки ўринсиз ахборот етказиш орқали омманинг онгини бошқаришга таянади. Чунки омма ёки “оммавий одам” теран тафаккур юритиш, ҳар бир маълумот ёки ахборотни таҳлил қилишга қодир эмас. Шунинг учун ҳам юқори технология воситалари орқали одамлар онгига таъсир қилиш унинг онгости тузилмасига бевосита таъсир кўрсатиш орқали, унинг идрокидаги онглиликни камайтириш, ҳар қандай янги маълумотга нисбатан табиий толерантликни оширишга йўналтирилгандир. Буни психологлар психиканинг “қалити” деб изоҳлашади. Чунки одам ҳамиша янгиликка қизикади, “Бу нима?” рефлекси айниқса, кичик ёшли ва ўсмирлик ёшидаги болаларда кучли бўлгани сабабли, улар танқидсиз ҳар турли маълумотни қабул қилишга мойил бўладилар. Шунинг учун ҳам охириги йилларда психологлар ўз навбатида бола онгини турли ғайри табиий ахборотга нисбатан чиниқтириш, унинг ўзида психологик ҳимоя воситаларини ва имкониятларини кучайтиришга алоҳида эътибор бермоқдалар.

4.6.3. Шахснинг ўз-ўзини ҳимоя қилиш воситалари

Ўз вақтида Хиндистоннинг таниқли сиёсий арбоби Махатма Ганди шундай ёзган экан: ***“Мен уйимнинг дарвоза ва эшикларини маҳкам беркитиб ўтира олмайман. Чунки унга тоза ҳаво кириб туриши керак. Ва шу баробарида эшик ва деразаларимдан кираётган ҳаво довул бўлиб, хонадонимни ағдар-тўнтар қилиб, ўзимни йиқитиб ташлашини ҳам хоҳламайман”***. Бу сўзларни бугунги информатсион хуружлар ва турли хил маълумотларнинг турли йўллари билан мамлакатимизга, умуман, бошқа мамлакатларга ҳам кириб келиб, у ёки бу минтақада асрлар мобайнида шаклланган қадриятлар, урф-одатлар, эътиқод шакллари ва тарбия услубларига салбий ёки ижобий таъсири жараёнлари маъносида қўллаш ҳам мумкин. Зеро, дунёга юз очган, ёшлари дунё тилларини бемалол эгаллаб, “интернетомания” касалига чалиниш арафасида турган Ўзбекистонга ҳам яхши, ҳам ёмон таъсирлар, хуружлар мавжудлиги шароитида шахснинг ўзини-ўзи психологик жиҳатдан салбий таъсиротлардан ҳимоя қила олиш имкониятларини кенгайтириш энг долзарб муаммолардан биридир.

Жаҳон ҳамжамиятининг мустақил Ўзбекистонни тан олиши, давлатимизнинг кенг ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий фаолияти ўзбек халқининг маънавий қадриятлари ва имкониятлари тикланишига, ўзини бошқа халқлар оиласидаги тўла ҳуқуқли миллат сифатида англаб етишига кенг имкон яратмоқда. Тобора кенгайиб бораётган халқаро алоқалар жаҳон маданиятини янада чуқурроқ билиш, умуминсоний қадриятлардан баҳраманд бўлиш учун қулай замин яратмоқдаки, бу ўз навбатида ўзбек халқининг турли фаолият соҳаларидаги истеъдоди ривожланишига, унинг тадбиркорлик ва киришимлилик, бир неча чет тилларни ва компьютер технологияларини тез ўрганиб олиш каби иқтидорини рўёбга чиқишига, хориж мамлакатларга бориш, улар билан алоқалар ўрнатиш, дунё стандартлари бўйича олий ўқув юртлирида тахсил олиш имконини берди.

Бундай алоқаларнинг кенгайиши ҳақиқий маънавий ва маданий қадриятларни муносиб баҳолаш имконини берди. Ҳозирги ёшлар ҳам, уларнинг ота-оналари ҳам учраган кинони кўриб, дуч келган маза-матраси йўқ китобларни ўқиб кетаётгани йўқ. Атайлаб юртимизга олиб келинаётган ғарбнинг сунъийлаштирилган санъатидан, “кенг истеъмол”даги маданиятидан норозилик халқимизда бор. Бундай маҳсулотнинг илгариги “ман этилган неъмат”га хос “лаzzати”, жозибадорлиги деярли қолмаган. Ҳозирги кунда хорижнинг маданий қадриятларидан фойдаланишга анча жиддий ва танлаб ёндашиш эҳтиёжи кучайиб бормоқда. Лекин очик оммавий ахборот воситалари орқали тинимсиз маълумотлар қуюлиб келаётган шароитда айнан ҳали онги шаклланиб улгурмаган фарзандларимиз учун таҳдид ҳам, атайлаб уюштирилаётган мафкуравий тажовузлар ҳам бор.

Шундай шароитда Президентимиз Ислоом Каримовнинг фикрлари биз учун аҳамиятлидир: “Энг муҳими, қалбимизда ғуруримиз, билагимизда кучимиз бор экан, биз тинчликни ҳимоя қилишга, унга хавф солаётган кучларга қарши курашишга, қаддимизни тик тутиб, бошимизни баланд кўтариб яшашга қодирмиз. Бизни кўрқитмоқчи бўлаётган ғаламислар шуни билиб қўйсинки, биз ҳеч кимга бош эгмаганмиз ва ҳеч қачон бош эгмаймиз. Бунда бизга миллий ғоямиз ва мафкура ғоявий таянч ва асос бўлади (2001 йил 10 октябрь).

Зеро, **миллий мафкура** халқнинг мақсад-муддаоларини ифодалайди, тарих синовларидан ўтишда унинг руҳини кўтариб, суянч ва таянч бўлади, шу миллат, шу жамият дуч келадиган кўплаб ҳаётий ва маънавий муаммоларга жавоб излайди. У инсонга фақат моддий бойликлар ва неъматлар учун эмас, аввало, Аллоҳ таоло ато этган ақл-заковат, иймон-эътиқод туфайли юксак маънавиятга эришиш учун интилиб яшаш лозимлигини англадиган, бу мураккаб ва таҳликали дунёда унинг тараққиёт йўлини ёритиб беради. Истиқлол мафкураси кўпмиллатли Ўзбекистон халқининг эзгу ғояси — озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон

хаёт барпо этиш йўлидаги асрий орзу-интилишлари, ҳаётий идеалларини ўзида акс эттиради.

Халқни буюк келажак ва улуғвор мақсадлар сари бирлаштириш, мамлакатимизда яшайдиган, миллати, тили ва динидан қатъи назар, ҳар бир фуқаронинг ягона Ватан бахт-саодати учун доимо масъулият сезиб яшашига чорлаш, аждодларимизнинг бебаҳо мероси, миллий қадрият ва анъаналаримизга муносиб бўлишига эришиш, юксак фазилатли ва комил инсонларни тарбиялаш, уларни яратувчилик ишларига даъват қилиш, шу муқаддас замин учун фидоийликни ҳаёт мезонига айлантириш — миллий истиқлол мафкурасининг бош мақсадидир.

Очиқ ахборот коммуникация воситалари орқали инсоннинг ахборот таҳдидларини баҳолаши ва хавфсизликни таъминлаш имкониятлари, турли мафкуравий таҳдидлардан шахснинг қандай йўллар билан сақланиши мумкинлиги хусусида мутахассислар турлича фикр билдирадилар.

Ижтимоий психология ушбу масалага ойдинлик киритиш учун аввало эгоцентризм тушунчасининг маъносида диққатни қаратади. Эгоцентризм сўзи латинча *“ego”* - мен ва *“centrum”* – доира маркази сўзларидан олинган. Маъноси – ўз фикр-ўйлари, манфаатлари доирасида қотиб қолган инсоннинг атроф-муҳит ва одамларга оид ўз билимлари ва ўзгаларга муносабатини ўзгартира олмаслигини билдиради. Психологияда эгоцентризмнинг бир қанча турлари - билишга оид, ахлоқий ва коммуникатив эгоцентризмлар фарқланади. Охиргиси – бошқаларга бирор хил маълумот бериш жараёнида уларнинг фикри билан ҳисоблашмаслик, уларни менсимасликда намоён бўлади. Назаримизда, замонавий инфор­мацион хуружларнинг муаллифларида айнан шу каби эгоцентризм кузатилади ва улар ўзларига ўхшаш фақат ўз манфаатинигина кўзлайдиган авлод онгини қамраб олишга ҳаракат қилади. Шунинг учун ҳам шахсга психологик ҳимоя зарур. Психологик ҳимоя бўлиши учун шахсда мустақил фикр бўлиши лозим.

Демак, очиқ ахборотлар таҳдиди шароитида ёшларни тўғри яшашга, ватанпарвар ва инсонпарвар бўлишга, эркин фикрли бўлишга **ўргатиш** орқали уларда мафкуравий иммунитетни тарбиялаш энг долзарб вазифалардир. Зеро, ўргатиш бир томонлама жараён бўлмай, у «педагог-тарбияланувчи» мулоқоти тизимида кўпроқ **тарбияланувчининг фазилатлари**га боғлиқ. Бундай мураккаб ишни ташкил этишда ҳар бир ижтимоий тоифа ёки шахснинг индивидуал психологик ҳусусиятларини инобат олиш зарурати ижтимоий психологияда исботланган. Масалан, агар ўқувчи ёки талабаларни яхлит гуруҳ деб оладиган бўлсак, уларнинг барчаси билан бир вақтда, бир хил эффект билан ишлаш ва шу орқали уларнинг мустақил тафаккурини ўстириш, соғлом эътиқодини тарбиялашнинг иложиси йўқ. Иккинчидан, бир гуруҳ талаба ёки ўқувчи учун мақбул ва самарали деб ҳисобланган услубни бошқасида ҳам айнан жорий этишга уриниш бундай шароитларда тескари самара бериши

мумкин. Шунинг учун ижтимоий психология шахснинг ижтимоий-психологик тайзиқлардан қутулиш йўлларига алоқадор қонуниятларни ўрганади.

4.6.4. Турли ахборот-психологик вазиятларда шахснинг ижтимоий хулқи

Очиқ ахборот коммуникацияси жараёнида ёшлар онгига таъсир этаётган ёт ғояларга қарши ҳимоя воситаларини ишлаб чиқишдан аввал ёшларнинг ижтимоий хулқ-атворини ўрганиш лозим. Ижтимоий хулқда кўзга ташланадиган энг муҳим ҳолатлардан бири *ташвишланиш, нималардандир чўчиш* ва шу туфайли *ижтимоий муносабатлардан ўзини олиб қочишга интилиш* ҳисларининг намоён бўлишидир. Чунки агар *психологик ҳимоя ҳолатининг моҳиятидан келиб чиқилмайдиган бўлса, бу – шахс ички кечинмаларини ифодаловчи шундай ҳолатки, унда одам ички руҳий муътадилликни асраш учун ўзидаги хавотирланиш, кўрқув ва ҳадиксирашларини босишга, улардан ҳалос бўлишга интилади. Психологик ҳимоя – шахсни турли салбий таъсирлардан асрашга, психологик дискомфортни бартараф этишга хизмат қилади.* Шундай ҳолатларда одам одатда шахслараро муносабатларда ўзини бошқачароқ тутадиган бўлиб қолади. Психологлар *ҳимоя механизмларига* одатда қуйидагиларни киритадилар:

- *очиқ ҳис-кечинмаларни босиш, кўрсатмасликка уриниш;*
- *рад этиш*, яъни номаъқул маълумотни очиқ рад этиш, қўшилмаслик;
- *проекция* – ўзидаги ҳиссиёт ва кечинмаларни ташқи объектларга кўчириш орқали пайдо бўлган ҳолатнинг сабабларини ташқаридан қидиришга мойиллик;
- *идентификация* – ўзини ахборот эгасига ўхшатиш, унинг ўрнига ўзини қўйиш орқали қадриятларни рад этиш ёки танқидсиз ўзлаштириш;
- *регрессия* – илгари ҳаётида, масалан, ёшлигида бўлиб ўтган қайсидир воқеаларга қайтиш, уларнинг яхши ва маъқулларини яна хотирада тиклаш ва хулқда қайтариш орқали ўзида психологик ҳимоя ёки оқловни ташкил этиш;
- *ёлғизланиш* - жамиятдан ўзини олиб қочиш, ўзидаги ўзгаришларни бошқаларга билдирмасликка интилиш, масалан, шундай шароитларда айрим талабалар ўқишга бормаи қўядилар;
- *рационализация* – мулоҳаза ва фикр юритиш орқали ўзида ҳимоя инстинктларини пайдо этиш;
- *конверсия*- мулоқотдаги қандайдир тўсиқлар ёки барьерларни олиб ташлаш учун қутилмаган усулларни қўллаш, масалан, хавотирли информацияни юмористик мавзу билан алмаштириш йўли.

Очиқ ахборот хуружлари вазиятида шахснинг ўзини ўзи ҳимоя қилишини **бошқаришида** айрим жиҳатларга алоҳида эътибор бериш лозим. Аввало, таъкидланганидек, ҳар бир инсон учун **мустақил фикр** зарур. Мустақил фикрга эга бўлган инсонгина ўзига нисбатан қаратилган яхши ёки ёмон маълумотнинг моҳиятига етиши ва унга нисбатан адекват реакция кўрсатиши, ҳимоя механизмларини ишга солиши мумкин.

Иккинчидан, ёшлар турли ёт ва бемаза ахборот хуружларига берилмаслиги учун биз уларда **миллий ғурурни** тинимсиз тарбиялашимиз ва бунда ҳар бир фан предмети ва тарбиявий мулоқотлардан оқилона фойдаланишимиз зарур. Масалан, 2006 йилнинг ўзида нишонланган қатор тантаналар, жумладан, Маъмун Академияси ва унинг нима учун айнан Ўзбекистон худудида ташкил этилганлигига ёшлар эътиборини қаратиш ва уларни очиқ фикр алмашинувига чорлаш уларда миллий ғурурни уйғотади.

Миллий ғурурнинг аҳамияти шундаки, бундай сифати бор инсон бошқаларга қул бўлишни, жумладан, ахборот хуружларига тобе бўлмайди.

Учинчидан, миллий ғурури бор инсонда имон, инсоф ва диёнат тушунчаларини шакллантириш мумкин. Чунки инсон қалби билан боғлиқ бу қадриятлар Интернет ва очиқ ахборотлар оламида адаштирмайдиган “компас” ролини ўйнайди. Бир рус олими таъкидлаганидек, **“Интернет” шундай ўрмонки, унда компасиз юриб бўлмайди”**.

Тўртинчидан, олий ўқув юртларида профессор-ўқитувчиларнинг **авторитетини**, улар айтадиган **ҳар бир сўзнинг аниқ мўлжалли бўлишини** таъминлаш зарур. Домла айтадиган фикрлардан бири – ахборот қандай бўлишидан қатъий назар, у қабул қилувчи инсоннинг измида бўлиши, унинг манфаатига хизмат қилиши керак. Бунинг учун ёвуз ниятли, ёт ғояларни тарғиб этувчиларнинг асл ниятларини, улар сайъи-ҳаракатларининг охир-оқибати нима билан тугашини очиқ айтавериш лозим.

Шундай қилиб, ахборот хуружларига қарши туришнинг психологик йўллари ҳар бир мураббий ва талабага етказиш мақсадга мувофиқдир. Бунинг учун қуйидагиларни ёдда тутиш лозим:

а) аслида атайлаб таъсир этишга мўлжалланган хабарни шахс дарров қабул қилмайди. Чунки, биринчидан, унда илгаридан психологик ҳимоя мавжуд ва иккинчидан, ҳар қандай янги нарсанинг сингиб кетишида муайян ахборот тўсиқлари ҳам бўлади.

б) бундай шароитларда “учинчи шахс таъсири” эффекти рўй беради. Унинг маъноси – “бу хабарга ҳамма ишонаверсин, менга таъсир қилмайди” деб ўйлайди шахс, лекин маълум маънода шу фикр таъсирида у ахборот таъсирида тушиб бўлган бўлади. Халиги фикрни ўзи учун ҳар эҳтимолга қарши ҳаёлидан ўтказди;

в) Ишонтирувчи чақириқларга, масалан, реклама орқали етказилаётган хабарларга ёш болалар жуда ўч бўлади ва айнан улар ота-онани кўндиради. 90% оналар айнан реклама қилинган товарларни болаларига харид қилиб

олиб беради. Худди шундай “Интернет”га уланиш, уйида замонавий компьютерга эга бўлиш фикри ҳам болалардан чиқади, бунга ота-онани кўндирадлар ҳам.

г) хабарнинг асл мақсади аслида маълумот бериш эмас, балки *ишонтириш* эканлигини тушуниш керак. Одамнинг маълумотлилик даражаси қанчалик юқори бўлса, унинг турли хабарларга ишонқирамай муносабатда бўлиши ҳам юқори бўлади. Лекин хабарга ишонқирамай қарашимиз бизнинг уни қабул қилишимиз ёки қилмаслигимизни билдирмайди. Яъни, агар биз очикдан очик ёшларга “бу ахборот манбаига ишонманглар, улар атайлаб ёлғон маълумот бермоқда” десак, бу нарса уларнинг шу турли ахборотни қабул қилмасликларини кафолатламайди. Лекин **“огоҳлантирилган одам қуролланган, муҳофазаланган бўлади”** деган тамойилдан келиб чиқиб, биринчи огоҳлантиришдан сўнг, яна ўз фикримизни фактлар билан асосласак, улардаги иммунитет кучлироқ бўлади. Лекин шуни назарда тутиш лозимки, огоҳлантириш муддатлари ҳам роль ўйнайди. Масалан, психологик экспериментларда бир hafta аввал огоҳлантиришнинг таъсири узокроқ муддатдан кўра камроқ эканлиги маълум бўлган. Ёки уйда холи, комфорт шароитда қабул қилинган таъсир билан одамлар орасида, кўпчиликнинг ичида ғализ хабарни қабул қилиш фарқланади, чунки ёлғиз уйдаги таъсир скептизмни кучлироқ намоёйиш этиши кузатилган (Чалдини).

Иккинчи томондан, бевосита ахборотни қабул қилиш арафасидаги огоҳлантириш қарши аргументлар ишлаб чиқиш вақтини камайтиради, ундан сал аввалроқ огоҳлантириш эса инсон миёсида маълумотни қайта ишлашга имкон беради (Дж. Тернер).

д) Таниш нарсалар ҳақида маълумотга эга бўлган одамни ишонтириш тезроқ амалга ошади. Лекин самарали тактикалардан бири – ахборот каналлари орқали берилаётган маълумотларни очикчасига жамият манфаатларига зид эканлиги, уларнинг адолатсиз, худбинларча узатилаётганлиги, нималаридир қонунга хилоф эканлигини қайд этиш мумкин. Яъни, тарбиячи, ўқитувчи муайян ахборот мазмуни ёки унинг манбаига нисбатан очик тарзда ўз норозилигини баён этиш, тарғиботчи фикрига қарши эканлигини айтиши мумкин. Бу ҳолат ҳам аудиторияни ўйлашга мажбур этади.

Яна ўзига хос стратегиялардан бири – очик ахборот манбаларидан кетган маълумотни, ундаги айрим фактларни очик тан олишдир. Масалан, баъзан талаба Ўзбекистонга қарши бўхтонли хабарни эшитганини ташвиш билан устозига айтиши мумкин. Шундай пайтларда эшитган маълумотининг мазмунини сўраб олиб, уларнинг айримлари борасида ҳақ гапни айтиши: “Ҳа, дарҳақиқат буларни биз ҳам биламиз, Сен билмасмидинг?” деб, ахборотнинг асл бўхтон қисмини кейин рад этиши мақсадга мувофиқроқдир.

Бундан ташқари, ўқитувчига хос бўлган усуллардан бири – ўз қарашларига нисбатан иккиланиш позицияси борлиги очиқ тан олиш: “балки мен ноҳақдирман, лекин бу масалада шундай асосларим бор эди..., деб барча ҳолис асосларни келтириш лозим. Шундай қилиб, очиқ ахборот хуружлари шароитида шахсга турли-туман маълумотларнинг етиб келиши табиий. Бундай шароитда оилада катталарнинг, аудиторияда педагогнинг фаол ҳаётий позицияси, теран муносабати ёшларга ижобий таъсир кўрсатади. Чунки ҳамма нарсага қизиқадиган ёшлар учун референт гуруҳнинг ёнида, оиласи даврасида ёки ўқув муассасасида бўлиши катта тарбиявий аҳамият касб этади.

5 БОБ. Ижтимоий психологиянинг амалий – татбиқий соҳалари

5.1. Амалий ижтимоий психология в амалиётчи

"Фан - амалиётга!" деган тамойил бугунги кунда ҳар қачонгидан ҳам долзарб масалага айланган. Чунки ёшларни мустақил давлатимиз маънавий негизларини теран англашга ўргатиш ва уларни маърифатга чорлаш жараёни қатор татбиқий вазифаларни амалга оширишни тақозо этади.

Илму-фан тараққиётининг узоқ даврига назар ташласак, олимлар ва тадқиқотчилар кўпроқ назарий масалаларни ҳал қилиш, умумий қонун-қоидаларни шарҳлаш, тушунтириш орқали жамият ва инсоният тараққиёти сабабларини ёритишга уринишлар кўпроқ учрайди. Бу ҳолат педагогика ва психология фанларига ҳам тегишли бўлиб, айниқса, воқеа-ҳодисаларнинг ижтимоий психологик табиатини ўрганувчи ижтимоий психология бундан истисно эмас эди. Лекин бугун биз учун ижтимоий тараққиёт ва инсон тафаккури ривожланишини тезлаштирувчи, унинг давр ва кишилар руҳига ҳамоҳанг тарзда кечишини таъминлаб берувчи татбиқий хусусиятли ишлар ва илмий изланишлар зарур. Зеро, мамлакатимизда рўй бераётган туб ижтимоий-сиёсий ислохотлар айнан шуни талаб қилмоқда. Бунда эътиборга лойиқ долзарб муаммолардан бири - ёшларда янгича дунёқарашни шакллантириш, уларни янгича демократик муносабатларга руҳий жиҳатдан тайёрлашдир. Бу вазифани адо этишда ижтимоий психологиянинг ўрни ва ролини аниқлаш, татбиқий изланишларни амалга ошириш ва ижтимоий психологик амалиёт доирасида ушбу вазифани амалга ошириш йўллари топиш учун ҳозирги замон ижтимоий психологиясининг асосий татбиқий йўналишларини белгилаш мақсадга мувофиқ.

Ҳозирги даврда ижтимоий психологиянинг долзарблиги ва унинг жамиятдаги содир бўлаётган барча жараёнларга алоқадорлиги унинг татбиқий соҳаларини доирасини ҳам кенгайтирди. Унинг асосий татбиқий - амалий соҳаларига *саноат социал психологияси, бошқарув психологияси, оила ва никоҳ борасидаги социал психологик ишлар, сиёсат ва иқтисодиётни такомиллаштириш муаммолари, қонунбузарликнинг олдини олиш эҳтиёжи ҳамда оммавий ахборот воситалари борасидаги амалий вазифалар* киради. Барча амалий соҳаларга хос умумий хусусиятлар мавжудки, уларга:

а) уларнинг бевосита жамият талаб-эҳтиёжига кўра ташкил этилиши;

б) татбиқий ишлар "тили"нинг мавжудлиги муаммоси, яъни, профессионал тил(жаргон) билан тадқиқот натижаларини баён этишдаги уйғунлик масаласи;

в) амалий эҳтиёжларга монанд илмий фаразларни ишлаб чиқиш;

г) шартномаларга мос тарзда буюртмаларларни ўз муддати ва босқичларда бажариш мажбурияти;

д) самарадорлик мезонларининг ўзига хослиги, яъни, бажарилган ишга қараб самарадорликни баҳолаш;

е) "назариётчи" билан "амалиётчи" ролларининг аниқ фарқланиши муаммолари киради.

Амалий социал психология тўғрисида гап кетганда, кўпинча, "социал психологик аралашув" тушунчаси ўртага тушади ва табиий, бундай амалиётчининг ижтимоий жараёнга аралашуви нималарда кўринади, деган савол пайдо бўлади.

а) индивиднинг ўзгариши стратегиясида, яъни ўша ташкилотдаги ўзига хос шахсларнинг борлиги аниқланади ва уларга таъсир қилинади;

б) технологик тизим ўзгаради, яъни маълум ташкилот ёки муассасанинг тузилишида ўзгариш рўй беради;

в) маълум типли маълумотларга боғлиқлик, яъни, маълумотларнинг ташкилот ичида ёки унинг атрофида тўпланганлигига боғлиқ ҳолда натижаларнинг турлича қийматга эга бўлиши мумкин;

г) атайлаб ўтказилган тадбирлар таъсирида корхона тараққиёти ўзгариши мумкин, масалан, режалаштириш, ходимлар билан ишлаш сифати, қарорлар қабул қилиш ва ҳақозо.

Амалиётда фаолият кўрсатаётган психолог жойларда уч асосий функцияни бажаради:

1) **Эксперт** сифатида, яъни, бу шундай шахски, у клиент ёки мижоз томонидан таклиф қилинади. Улар биргаликда бирор ижтимоий психологик вазиятни таҳлил қилишади, хулосалар натижасида янгиликлар киритишади, зиддиятли ёки жанжалли вазиятларда мақсадга мувофиқ тўғри хулқ шаклини таклиф этишади. Демак, эксперт ишининг оқибати - хулоса чиқариб, сўнг тавсиялар беришдир.

2) **Маслаҳатчи** - экспертдан фарқли, мижоз томонидан бир марталик эмас, балки бир неча марта айни муаммо бўйича маслаҳат бериш ва хулосалар чиқариш учун таклиф этилади. Унинг аралашуви бевосита бўлиб, фаолияти оқибатида бирор шахс ёки яхлит жамоага ёрдам кўрсатилади, янги лойиҳалар қабул қилинади.

3. **Ўргатувчи** - одатда буюртма асосида жойларда ўқувлар, курслар ташкил қилади. Унинг асосий воситаси социал психологик тренинг ва унинг турли кўринишлари бўлиб, оқибати - ижтимоий мулоқотнинг турли шаклларига ўргатишдир.

Юртимизда маънавияг соҳасидаги ислоҳотлар ва амалга оширилган ва оширилаётган ишларнинг аҳамияти шундаки, улар ёшларда ўз халқининг маданияти, Ватанининг ўтмиши ва бугуни, миллий кадриятларга тўғри муносабатларнинг шаклланишига сабаб бўлади ва бу - зиёли, билимдон кишилар учун энг зарур фазилатдир. Акс ҳолда, олам сиру асрорларини чуқур билган, қизиқишлари доирасида жиддий

изланишлар олиб боришга тайёр шахс, агар у, бу билимларни аввал ўз халқи, миллати, яқинлари манфаатига йўналтира олмаса, унинг жамият тараққиётига алоқасини тасаввур қилолмаса, маънавияти қашшоқ, иқтидори эса самарасиз, худбин шахс сифатида баҳоланади.

5.2. Амалий ижтимоий психологиянинг тадбиқий соҳалари

Табиий, ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида илму-фан ютуқларининг амалиётга татбиқ этиладиган соҳаларидан энг муҳими - бу *ишлаб чиқариш ва саноат* соҳасидир. Зеро, ҳар қандай ишлаб чиқариш муаммосининг ижтимоий психологик жабҳасини аниқлаш кун тартибидаги асосий масалалардан бири эканлиги ҳеч кимга сир эмас. Чунки янгича бозор муносабатларини ҳаётда амалга оширувчилар алоҳида шахслар бўлиб, уларнинг индивидуал ҳамда гуруҳий установакалари, фаолликлари, меҳнатга муносабатлари, ҳиссиётлари етакчи роль ўйнайди. Корхоналарнинг мустақиллиги, хусусий мулкчиликнинг турли шакллари ҳаётга шиддат билан кириб келаётган бугунги кунда ҳам одамлар ўзаро гуруҳ бўлиб меҳнат фаолиятини амалга оширар эканлар, улар учун ўша гуруҳдаги ижтимоий психологик муҳитнинг қандайлиги, бевосита раҳбарнинг обрўси, норасмий лидерларнинг ишга ва шахслараро муносабатларга таъсири муҳим масала бўлиб қолаверади ва уларнинг хусусияти ишлаб чиқариш самарадорлигига бевосита таъсир кўрсатаверади.

Янгича бозор иқтисодиёти муносабатлари шароитида раҳбарлар олдида турган яна бир муҳим масала шуки, улар аввалгидан ҳам билимдонроқ бўлиб, ўз билимларини кўпроқ ҳар бир шахснинг индивидуал психологик лаёқатлари ва қобилиятлари, ишга нисбатан муносабатларига биноан уларни тақдирлашлари, меҳнатга жалб этишнинг турли-туман шаклларини татбиқ этишлари зарур. Ходимни ёки ишчини шахсан ўрганиб, фаолиятини муносиб тақдирлаш эса (хоҳ моддий, хоҳ маънавий тақдирлашдан қатъий назар) унинг қисман тестолог бўлишини, психология фанининг оммабоп усулларини қўллаган ҳолда иш юритишини талаб қилади. Ишни ташкил этиш, гуруҳларни шакллантиришда ҳам уларнинг ўзига хос қонуниятларини билиши, одамлар сони ва салоҳияти масаласида ижтимоий-психологик билимга эга бўлиши шарт.

Ҳозиргача саноат ижтимоий психологияси йўналишида қилинган аксарият ишлар шу соҳа бирлашмаларидаги алоҳида ишлаб чиқариш гуруҳларида ижтимоий-психологик муҳитни ўрганишга қаратилган бўлиб, тадқиқот мобайнида ишлаб чиқариш самарадорлиги, ишчиларнинг меҳнатга муносабатлари, гуруҳдаги қонун-қоидаларга бўйсунушлари ва ҳақозолар билан боғлиқлиги текширилган. Айниқса, кўп тадқиқотларда ана шу психологик феноменнинг раҳбарликка таъсири, норасмий лидерларнинг хусусиятларига боғлиқлиги масалалари

тўлиқ тадқиқ этилган. Лекин шу йўналишдаги тадқиқотлар ҳозирги иқтисодий муносабатлар шароитида ўтказилгани йўқ. Шунинг учун ҳам яқин келажакда ижтимоий психологлар томонидан саноат корхоналарида ўтказилиши мумкин бўлган тадқиқот таркибига қуйидагиларни киритиш мумкин:

1) жамоа аъзолари ўртасидаги вертикал муносабатларни ўрганиш (раҳбарлик масалалари, раҳбарнинг жамоа аъзолари томонидан идрок қилиниши ва аксинча; ҳар бир аъзонинг раҳбарликда иштироқи, ундан қониқиши ва бошқалар);

2) жамоа аъзолари ўртасидаги горизантал муносабатлар, яъни жамоанинг уюшганлиги, шахслараро муносабатларнинг ўзига хослиги, зиддиятлар ва уларнинг типлари, уларнинг олдини олиш чоралари;

3) меҳнатга муносабат, ундан жамоа аъзоларининг қанчалик қониқишлари ва унинг меҳнат унумдорлигига таъсири, фаолият мотивлари, амалга оширилаётган фаолиятнинг шахсий ва ижтимоий-фойдали жиҳатларини қай даражада тасаввур қилиши;

4) меҳнат жамоалари раҳбарларининг малакасини ошириш, жумладан, уларнинг профессиограммаси ва психограммалари асосида одамлар билан ишлаш, жамоани қовуштириш, оқилона иш ва муомалани ташкил этиш, ўз лидерлик қобилиятларини муттасил оширишга ўргатиш бўйича ижтимоий-психологик тренинглар уюштириш;

5) раҳбарларнинг малакасини ошириш курсларида психологлар иштирокида махсус машғулотлар ўтказиш.

Тадқиқотчининг юқоридаги масалаларни ўрганиши учун табиий методик воситалар зарур. Амалий ижтимоий психолог оддий кишидан шу томонлари билан фарқ қиладики, у ҳар бир конкрет шароитда ўзига керакли, маъқул услубларни қўллайди, баъзи бирларини синаб кўради, агарда улар мақсадга мувофиқ бўлмаса, бошқаси билан алмаштирилади. Олинган натижаларга асосланиб, у корхоналардаги руҳий муҳитни "яхши", "ўртача", "ёмон", "қарама-қарши" тоифаларга бўлади ва уларнинг ҳар биридан ўзига хос илмий-амалий хулосалар чиқаради.

Бундан ташқари, бугун тадбиркорлик негизида ташкил этилаётган кўплаб ишлаб чиқариш корхоналари, фирмалар, қўшма корхоналар мавжудки, уларда меҳнатни илмий асосда ташкил этиш ва самарадорликнинг руҳий мезонларини топиш муҳим муаммодир. Чунки янги корxonанинг раҳбари ва масъул шахслар кўплаб инсонлар билан мулоқотга киришиш ва ишлаб чиқариш муносабатларининг мураккаб шаклларини ҳис этишга мажбурдирлар. Менежмент ва маркетинг соҳасидаги ҳар қандай изланишлар ва уларнинг татбиқий натижалари, сўзсиз жамиятда ишлаб чиқариш кўрсаткичларининг юқори бўлишини ва инсон манфаатига хизмат қилишини таъминлайди. Ғарб мамлакатларида бўлгани каби бу соҳада талаб ва тақлифларнинг ўз вақтида ўрганилиши, раҳбарлик маҳоратининг кўплаб қирраларини эгаллаган ҳолда

ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этиш, ҳар бир ходимнинг шахсий қобилиятларига дифференциал муносабатда бўлиш катта татбиқий аҳамиятга молик.

Саноат корхоналарида ташкил этиладиган психологик хизматнинг ижтимоий психологик йўналиши, аввало, турли тоифадаги ишчи-хизматчиларни ижтимоий ва шахсий зиддиятларини бартараф этишга ўргатиш, шахслараро муносабатларнинг демократик, соғлом шаклларига ўтиш, раҳбарлик маҳорати сирларини ўзлаштириш ва улардан кундалик фаолиятда оқилона фойдаланиш малакаларини шакллантиришдир. Бунда, шубҳасиз, психолог томонидан ташкил этиладиган турли тренинг машғулотлари муҳим аҳамиятга эга.

Татбиқий ижтимоий психологик изланишларнинг иккинчи асосий йўналишларидан бири - бу **никоҳ ва оиладир**.

Оила ва никоҳ ҳамма вақт ҳам гуманитар фанларни қизиқтириб келган, айниқса, бу соҳанинг ўзига хос ижтимоий психологик томонлари мавжуд бўлиб, у оилани яхлит бир ижтимоий гуруҳ сифатида талқин қилиб, унда содир бўладиган барча руҳий жараёнларни ўрганади. Республикада оила ва никоҳ масалаларига эътибор юксаклигини ҳисобга олиб, кўпчилик тадқиқотчилар ўз илмий изланишларини ана шу муаммоларга бағишлаганлар (М.Мирҳосилов, Ғ.Б.Шоумаров, Н.Соғинов, Ф. Акрамова, Н. Салаева, М. Салаева, Х. Каримов, М.Расулева, О.Мусурмонова, Д. Холиқов, Г. Ядгарова, Г.Хомидова, А.Минавваров, Н. Лутфуллаева, М. Умарова ва бошқалар). Оилага нисбатан илмий қизиқишнинг сабаблари, энг аввало, бу объектнинг "нақдлиги" бўлса, иккинчидан, кейинги йилларда республикада ажралишлар сонини камайтиришга қаратилган мақсадли чора-тадбирлар кўламининг ортиб бораётганлиги, туғилиш ва никоҳлар сонининг ортиб бораётганлиги, нотинч ва "муаммоли" оилаларнинг мавжудлиги, оила институтига ёшлар муносабатининг ўзгараётганлиги ва хоказо.

Халқимизда оила муқаддас даргоҳ ҳисобланади. Бу ҳатто давлат даражасида кўрилиб, 1998 йил республикамизда "Оила йили", деб эълон қилиниши, Республика "Оила" илмий-амалий марказининг ташкил этилиши ҳам бу йўналишларда ишлар самарадорлигини ошириш, оилага психологик ёрдам кўрсатиш, бу борада мавжуд муаммоларнинг аниқ ечимларини топиш ишини жадаллаштиради. Иккинчидан, бизнинг жамиятимизда оилага қаратилган бундай эътибор унинг маънавий негизларини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Умуман олганда, бизнинг ҳудудимизда ҳам оила - никоҳ муносабатларида муайян ўзгаришлар кузатилмоқдаки, улар бу соҳадаги тадбиқий ишларни жадаллаштиришни тақозо этади. Бу борадаги ўзгаришларга:

- 1) оиланинг жамият олдидagi функцияларининг ўзгариб бориши;
- 2) оиланинг кичрайиши ва унда туғилишнинг камайиши, мураккаб

кўп авлодли таркибдан кам авлодли оилаларга айланаётганлиги;

3) оилавий муносабатлар тизимида эр ва хотин функциялари ва оилавий роллар ҳақидаги ижтимоий тасаввурларнинг ўзгариб бораётганлиги;

4) иқтисодий масалаларни мустақил ҳал этишда оила аъзолари улушининг ўзгариши ва бу ҳолатларнинг оила аъзолари ўртасидаги муносабатларга таъсири;

5) аёллардаги репродуктив установкаларнинг ўзгариши ва бошқалар.

Юқорида таъкидланган соҳалар Ўзбекистон шароитида шу яқин кунларда ишланиши зарур муаммолар бўлиб, уларнинг ечимига кўра оилани мустаҳкамлаш, оилада болалар тарбияси, аёл ва эркакнинг меҳнатга (ижтимоий фойдали меҳнатга) муносабати юзасидан олимлар ўз фикрларини айтишлари жоиз. Иккинчи томондан, демократия ва эркинлик шароитида йиллар давомида таъқиқланиб келинган кадриятларимиз, биринчи навбатда, диннинг ҳаётга кириб келиши оилавий муносабатларга шундай таъсир кўрсатмоқдаки, кўпчиликда "энди аёл киши анъанавий ўз ўрнини эгаллармикин?" деган тасаввурлар пайдо бўлмоқда. Аммо ҳозирги ривожланган ижтимоий-иқтисодий муносабатлар шароитида моддий ишлаб чиқаришни хотин-қизларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам психологик илмий тадқиқотлар одамлар онгидаги ана шундай қарама-қаршиликларнинг, стереотипли бидъатларнинг, гендер соҳасидаги айрим муаммоларнинг олдини олишга ёрдам кўрсатиши мумкин. Шаҳарларда ва йирик аҳоли пунктларида "Ёшлар ижтимоий хизмат марказлари" қошида ташкил этилаётган "Ёш оила" шўъбалари, "Кризис марказлари", "Оила хизмати", "Оила Марказлари", "Саломатлик марказлари" ишларини такомиллаштириш зарурки, улар бир томондан, оила ва никоҳ борасидаги илмий муаммоларни тадқиқ қилиб, уларни ҳаётга татбиқ этса, иккинчи томондан, ёшларга, ҳали турмуш қурмаганларга, зиддиятли оилаларга бевосита психологик хизмат кўрсатади.

Оилавий муносабатлар соҳасидаги алоҳида татбиқий тармоқ - бу *ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлашдир*. Бу иш бизнинг ўлкамизда алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, мустақиллик йилларида оила ва никоҳ юксак кадрият сифатида уни ижтимоий қўллаб-қувватлаш ҳукумат даражасида устивор сиёсатга айлантирилган. Ўсмирлик ва ўспиринлик йилларида шаклланадиган аттракция ҳодисаси, яъни шахсларнинг бир-бирларига эмоционал боғланишлари - дўстлик, севги ҳисларини тарбиялаш, ана шундай тарбияга шарт - шароитларни яратиш Ўрта Осиё худудида янги ва келажаги порлоқ соҳадир. Шу ишларни амалга оширишда мактаб психологлари, педагоглар, ижтимоий психологлар ҳамкорликда фаолият кўрсатсалар хулосалар ва натижаларни ҳаётга татбиқ этса бўлади.

Амалий психологнинг бу борадаги асосий вазифаси шуки, ижтимоий психологиянинг фаол методларидан омилкорона фойдаланган ҳолда ёшларни оилавий муносабатларга тайёрлаш, оилаларда шахслараро мосликни шакллантириш, оилавий зиддиятлар ечимини топишда одамларга ёрдам бериш, турли тренинглар ўтказиш ва уларнинг самараси орқали инсонларда ишонч ҳиссини таркиб топтиришдир.

5.3. Мактаб ва таълим муассасаларига ижтимоий психологик ёрдам кўрсатиш

Жамиятимизда ёшлар тарбияси, маънавий-маърифий ишларнинг долзарблигидан келиб чиқадиган яна бир татбиқий ижтимоий психологик йўналиш - *бу мактабда кўрсатиладиган ижтимоий психологик хизмат*дир.

Маълумки, шахснинг ижтимоийлашуви (ёки социализацияси) асосан мактаб йилларига тўғри келади. Шунинг учун мактаб олдида кўйилган асосий вазифалардан бири боланинг камолоти учун барча шароитларни яратиш, унинг индивидуал ва психологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда таълим ва тарбиянинг энг мақбул шакллари жорий этишдир. Лекин ҳозирги шароитда мактаб олдида кўплаб муаммолар, ҳал қилинмаган масалалар мавжудки, уларнинг барчаси мактабга ҳар тарафлама ёрдамни тақозо этади. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг кўрсатмаларига асосан ёшларнинг лаёқатларини илк ёшдан аниқлаш, улар иқтидорини ҳар тарафлама ўстириш вазифалари ўқувчига индивидуал ёндашувнинг зарурлигини, ўқишнинг дифференциал бўлишини талаб қилмоқда, шунга кўра, мактаб ва жамоатчилик олдида катор муаммолар кўйилмоқда. Тестлар воситасида билимларни текшириш, олий ўқув юртларига ва таълимнинг барча тармоқларига тест синовлари орқали қабулнинг амалга оширилиши психологик хизмат заруриятини вужудга келтирмоқда. Ижтимоий психология давр талабларидан келиб чиққан ҳолда ўз олдида қуйидаги вазифаларни кўяди:

- а) ёшлар тарбиясида ижтимоий психологик муаммоларни англаш;
- б) уларни илмий жиҳатдан таҳлил қилиш ва татбиқий хулосалар чиқариш;

в) мавжуд зиддиятларнинг олдини олиш йўллари қидириш, йўл-йўриқлар тавсия қилиш кабилар. Бунда мактаб психологининг роли катта бўлиб, у қуйидаги ижтимоий психологик вазифаларни бажаришга ўз фаолиятини йўналтириши керак:

1. Мактабда ташкил этилган психологик хизматнинг самарали йўллари қидириш, шарт-шароитлар ва муҳитни ҳар томонлама, тўлиқ ўрганиб чиқишни ҳар бир ўқувчининг ёш

хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда индивидуал ва гуруҳий ишлаш услубларини аниқлаш лозим.

2. Мактаб психологи ўқувчилар ўртасида учраб турадиган психик ривожланишдан кечикиш ҳолларини тўлиқ ўрганиши, уларни келтириб чиқарувчи омиллар ва ижтимоий-психологик шарт-шароитларни таҳлил қилиши лозим.

3. Мактаб психологи турли ёшдаги ўқувчиларнинг қобилиятлари, йўналиши, лаёқатлари ва касбий қизиқишларига доир аниқ илмий таҳлиллар, тест натижалари асосида тузилган маълумотлар банкига эга бўлиши керак. Бу маълумотларга асосланиб, психолог уларга алоҳида-алоҳида ёндашиш, айримларга қўшимча дарслар ташкил этиш, мактаб, оила ва жамоатчилик ҳамкорлигида қобилиятларини ўстириш билан боғлиқ аниқ кўрсатмалар ишлаб чиқиши лозим.

4. Мактаб психологи синфлардаги руҳий ҳолатларни, ўзаро муносабатлар билан боғлиқ бўлган психологик муҳитни аниқлаши, расмий ва норасмий лидерлар ўртасидаги муносабатларни чуқур ўрганиши, мактаб маъмурияти ва тарбиявий ишлар бўйича директор ўринбосарига зарур йўл-йўриқлар тавсия қилиши жоиз. Бундан ташқари, мактаб психологи турли можаролар, зиддиятлар, тартиббузарликларнинг олдини олиш, уларнинг психологик илдизини ўрганиш чора-тадбирлари бўйича маслаҳатлар ташкил этиши шарт. Бундай психологик маслаҳатлар ота-оналар ва педагоглар жамоаси учун алоҳида ташкил қилинади.

5. Амалий психолог фаолиятининг яна бир томони турли масалалар бўйича ўқитувчилар жамоасига психологик ёрдам беришдир. Бунда у жамоадаги соғлом муҳитнинг асоси бўлмиш ўзаро муносабатларни яхшилашга қаратилган ижтимоий психологик тренинг машғулотларидан самарали ва ўз вақтида муттасил фойдаланиши, узлуксиз равишда диагностик синовлар ўтказиб туриши, педагогнинг касбий маҳоратини ва нутқ қобилиятини оширишда ижтимоий психологиянинг барча фаол тайёргарлик усулларида фойдаланиши ва шу орқали педагог-мураббийнинг ижтимоий-психологик билимдонлигини ошириши зарур.

Юқоридаги вазифалардан келиб чиққан ҳолда, мактаб психологи ўз фаолиятининг асосий йўналишларини белгилаши мумкин. Улар диагностик ва тузатиш ишлари, психопрофилактик ишлар, психологик консультациялар, ўқитувчилар, ота-оналар ва ўқувчиларнинг психологик саводхонлигини кўтариш; психология методларини аниқ шароитларга мослаштириш, улардан самарали фойдаланиш, тўпланган илмий маълумотларни изчил тарзда таҳлил қилиб бориш; тестлар тузиш, уларнинг сезгирлигини илмий асослаш ва ҳар бир ўқувчи қобилиятининг қолаверса, ўқитувчилар билимдонлигини тестлар ёрдамида мунтазам текшириш, илмий хулосалар ва кўрсатмалар тайёрлаш кабилардан иборатдир.

Республикада мактабда психологик хизмат кўрсатиш ишларини такомиллаштириш ўқувчиларни жамият олдида турган улкан ва улуғвор

ишларга тайёрлашда ўзининг муносиб ҳиссасини қўшади ва Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги Қонуннинг бандларини муваффақиятли амалга ошириш ҳамда "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"ни ҳаётга жорий этишда ўз ўрнини топади .

Психология фани олдида қўйилган талабларни қондириш учун мамлакатимизда кенг қўламда илмий-тадқиқот ишларини ривожлантириш, уларнинг натижаларини дадил амалиётга татбиқ қилиш, амалиёт билан назария ўртасидаги узвий боғлиқликни ҳаётда қарор топтириш муҳим аҳамият касб этади.

Бугун Ўзбекистоннинг деярли барча ўрта таълим мактаблари ва касб-ҳунар коллежлари психолог кадрлар билан таъминланган. Уларнинг мактаб доирасида бажарадиган ишлари жуда кўп. Шунга қарамай, уларнинг энг долзарб вазифаларидан бири доимо ўқувчиларнинг оиласи, у яшаб, истиқомат қилаётган маҳалласи билан амалий алоқаларни ўрнатишдир. Чунки психолог ўсиб келаётган авлоднинг мактабдан ташқари вақти нималар билан банд бўлишини билмаса, у билан аниқ мақсадли психокоррекцион ва ривожлантирувчи тадбирларни амалга ошира олмайди. Мактабга психологик ёрдамнинг тўғри йўлга қўйилиши "Оила – маҳалла - мактаб" концепциясининг самарали амалга ошириши учун муҳим омилдир.

ХУЛОСА

Ўзбекистоннинг мустақиллиги шарофати билан жуда кўплаб янги авлод китоблари дунё юзини кўрди. Зеро, эркин фуқаролик жамияти куриш ғояси юртимизда психология фанларининг, жумладан, ижтимоий психологиянинг ривожланиши учун ҳам қулай шароитлар яратди. Чунки жамиятда рўй бераётган ижтимоий ўзгаришлар, инсон тафаккури ва тасаввурлари оламидаги ривожланишлар қонуниятларини ўрганиш юртимизда таълимни такомиллаштириш, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг муваффақиятли амалга ошишига, етук малакали кадрларни тайёрлашга имкон беради. Шу маънода янги ислохотлар даври шароитида шахс ва жамият ўртасидаги мураккаб ўзаро муносабатларнинг табиатини ўрганишга бағишланган ушбу китобни ёзиш жараёнида нақадар кам масалалар ёритилаётгандай туюлди муаллифга. Чунки бундай тарихий ўзгаришлар даврида жамиятда одамлар ўртасидаги мураккаб ўзаро муносабатларнинг табиатига алоқадор ниҳоятда кўп маълумотлар ва манбалар борлигига амин бўлдик. Қолаверса, мустақиллик берган эркинлик, ижод эркинлиги ҳар бир кўрганимиз ва ҳис этганимиз инсон психологиясининг сир-асрорларини батафсил ёзиш, ижтимоий ҳулқнинг серқирра жиҳатларини ўқувчиларга ҳавола этиш истагини туғдирганлигини ҳам яшириш мушкул. Ўйлаймизки, дарслик доирасида кўтарилган асосий масалаларнинг ҳар бирига бағишланган фундаментал, монографик ва тадбиқий изланишлар бўлади ва уларда илмий асосланган таҳлиллар синчков китобхонлар эътиборига ҳавола этилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Каримов И.А. Ўзбекистон XX1 аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари.-Т.: Ўзбекистон, 1997
2. Каримов И.А. Миллий истиқлол мафқураси – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир - Т.: Ўзбекистон, 2000
3. Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди.-Т.: Ўзбекистон, 2005- 160 б.
4. Андреева Г.М. Социальная психология. Учебник для высших учебных заведений / Г.М. Андреева.- 5-е изд., испр. и доп. – М.: Аспект Пресс, 2003.- 364 с.
5. Андреева Г.М., Богомолова Н.Н., Петровская Л.А. Зарубежная социальная психология XX столетия.- М.: Аспект Пресс, 2002
6. Аронсон Э., Пратканис Э. Эпоха пропаганды: механизмы убеждения, повседневное использование и злоупотребление.- СПб.: прайм-ЕВРОЗНАК, 2002 – 384 с.
7. Артур Ребер. Большой толковый психологический словарь.- А-О – М., 2003
8. Базаров Т.Ю. Управление персоналом .- М.: ЮНИТИ, 2002
9. Батаршев А.В. Психодиагностика в управлении: Практическое руководство: Учебно-практич. Пособие.- М.: Дело, 2005- 496 с.
10. Белинская Е.П., Тихомандрицкая О.А. Социальная психология личности – М.: Аспект Пресс, 2001
11. Бендас Т.В. Гендерная психология: Учебное пособие.- СПб: Питер, 2006- 431 с.
12. Богомолова Н.Н., Стефаненко Т.Г. Контент-анализ.- М.: МГУ, 1992
13. Бодалев А.А. Восприятие и понимание человека человеком.-М., 1982
14. Бодалев А.А. Личность и общение.- М., 2003
15. Бошқарув психологияси. Ўқув кўлланма / Иброҳим Махмудов нашри. - Т. 2006 .-132 б.
16. Галкина Т.П. Социология управления: От группы к команде.- М., 2003
17. Донцов А.И. Психология коллектива .- М.: МГУ, 1984
18. Донцов А.И., Емельянова Т.П. Концепция социальных представлений в современной французской психологии.-М.: МГУ, 1987
19. Емельянов Ю.Н. Активное социально-психологическое обучение. - Л.: ЛГУ, 1985
20. Еникеев М.И. Общая и социальная психология.- М., 2002
21. Каменская Е.Н. Психология и этика делового общения: Конспект лекций.- Ростов н/Дону, 2004
22. Каменская Е.Н. Социальная психология: Конспект лекций: Учебное пособие / Е.Н. Каменская. Изд. 2-е.- Ростов н/Дону: Феникс, 2006.- 192 с.
23. Каримова В.М. Ижтимоий психология ва ижтимоий амалиёт. Ўқув кўлланма.- Т.: Университет, 1999 – 96 б.

24. Каримова В.М. Психология. Ўқув қўлланма. – Т.: А. Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2002 – 205 б.
25. Каримова В., Бердиев Г. Муроса қилиш одоби ёки конфликтларни бартараф этиш мумкинми? – Т., 2003 – 44 б.
26. Каримова В.М. Саломатлик психологияси ёхуд саломат бўлиш учун руҳиятни бошқариш сирлари.-Т.: Янги аср авлоди, 2005 – 72 б.
27. Каримова В.М. Оилавий ҳаёт психологияси. Ўқув қўлланма. – Т., 2006 – 142 б.
28. Каримова Л.И. Культура и реклама: традиции и современность. Монография. – Т., 2006. – 128 с.
29. Каримова Л.И. Социальная психология и реклама: Учебное пособие для вузов / Под ред. В.М. Каримовой.- Т.: Центр по подготовке к изданию учебной литературы, 2004.- 120 с.
30. Каримова Л.И. Рекламанинг миллий-худудий хусусиятлари ва инсон онгига таъсир курсатиш қонуниятлари // Ж. Иқтисод ва таълим. – 2002. - №3. – Б. 56 - 60.
31. Квинн В. Прикладная психология / пер. с англ. – СПб.: Питер, 2000
32. Кон И.С. Ребенок и общество.- М.: Наука, 1988
33. Кричевский Р.Л., Дубовская Е.М. Психология малой группы.- М., 1991
34. Куницына В.Н., Казаринова Н.В., Погольша В.М. Межличностное общение.- СПб.; Питер, 2001
35. Курс практической психологии, или как научиться работать и добиваться успеха: Учебное пособие.- Ижевск, 1996- 448 с.
36. Кэмпбелл Д. Модели экспериментов в социальной психологии и прикладных исследованиях / Пер. с англ. – СПб.: Соц.-псих. Центр, 1996
37. Лебон Г. Психология народов и масс.- СПб, 1896
38. Лекции по методике конкретных социальных исследований / Под ред. Г.М. Андреевой.- М.: МГУ, 1972
39. Майерс Д. Социальная психология. Интенсивный курс.- СПб.: прайм-ЕВРОЗНАК, 2002- 512 с.
40. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар – Т.: Янги аср авлоди – 2000
41. Образцов П.И. Методы и методология психолого-педагогического исследования.- СПб, 2004
42. Организационно-экономическая психология: Хрестоматия / Сост. К.В. Сельчонок.- Мн.: Харвест, 2004 – 432 с.
43. Платонов Ю.П. Социальная психология поведения: Учебное пособие. – СПб.: Питер, 2006 – 464 с.
44. Почебут Л.Г., Чикер В.А. Организационная социальная психология: Учебное пособие. – СПб, 2000
45. Почепцов Г. Психологические войны.- М.: «Рефл-бук», «Ваклер», 2000 – 528 с.

46. Почепцов Г.Г. Пропаганда и контрпропаганда – М.: Центр, 2004.- 256 с.
47. Практикум по гендерной психологии / Под ред. И.С. Клециной.- СПб.: Питер, 2003 – 479 с.
48. Психология семейных отношений: конспект лекций / сост. С.А. Векилова.- М.: АСТ; СПб.: Сова, 2005 – 127 с.
49. Райгородский Д.Я. Психология и психоанализ власти. В 2 томах.- Самара, 1999
50. Серова Л.Г. Тесты для отбора персонала / Серия «Психологический практикум».- Ростов н/Дону: «Феникс», 2004 – 256 с.
51. Скрипкина Т.П. Психология доверия. - М.: АCADEMIA, 2000
52. Социальная психология / Под ред. А.Л. Журавлева.- М., 2002
53. Социология семьи: Учебник / Под ред. А.И. Антонова.- 2-е изд., перераб. и доп. – М.: ИНФРА-М, 2005 – 640 с.
54. Стефаненко Т.Г., Шлягина Е.И., Ениколопов С.Н. Методы этнопсихологического исследования . – М.: МГУ, 1993
55. Стефаненко Т.Г. Этнопсихология.- М.: Академический проект, 1999
56. Сухов А.Н. Социальная психология безопасности.- М., 2002
57. Тернер Дж. Социальное влияние.- СПб.: Питер, 2003 – 256 с.
58. Тренинг лидерства.- М.: Ось-89, 2005 – 144 с.
59. Харрис Р. Психология массовых коммуникаций.- СПб: прайм-ЕВРОЗНАК, 2003 – 448 с.
60. Хьюстон М., Штребе В., Стефенсон Дж. Перспективы социальной психологии / Пер. с англ. – М.: ЭКСМО, 2001
61. Шибутани Т. Социальная психология.- Ростов н/Д, 1999
62. Шихарев П.Н. Современная социальная психология.- М., 1999
63. Шоумаров Ш., Шоумаров Г. Б. Муҳаббат ва оилавий ҳаёт.- Т.: Ибн Сино нашриёти.- 1990.- 92 б.
64. Ядов В.А. Стратегия социологического исследования: Описание, объяснение, понимание социальной реальности. - М., 1998
65. Янкина И.А. Диагностика социальных ресурсов организации: Учебное пособие по курсам «Теория организации», «Организационное поведение».- Таганрог, 2002.